

# Обчи



Тарихий роман

Юнус Ўғуз

821,512,162-311.6

У-99 | 2020/15-12

Юнцс | 4243

овчн - 1006

2020/15  
12

821.50.102

Ў 99

Юнус Ҳузу

# ОВЧИ

*Тарихий роман*

Тошкент- 2019

2015.12.12

У 99

**Озарбайжон тилидан**  
**Гулбаҳор Ашуро̀ва таржимаси**  
**Масъул муҳаррир**  
**Буробия Ража̀бо̀ва**

Қўлингизда 2016 йилнинг апрель туқнашувларига бағишланган, Боқуда нашр қилинган қизиқарли бир роман турибди. Ушбу роман озарбайжонлик миллий қаҳрамон Мурод Мирзаев жасоратидан баҳс қилса-да, умуман, ватан учун шаҳид булган барча мард йигитларнинг нури, азиз хотирасига бағишланади. Асарда уч нафар Мурод образи билан танишасиз ва бу тасодиф Сизни ҳайратлантиради.

Роман қаҳрамонларининг ватан озодлиги йулидаги жасоратлари ва воқеалар баёни ватандаги тинчлик ҳамда юрт мустақиллиги улғу неъмат эканлигини яна бир бора ёдга солади.

Китоб Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги Элчихонаси ҳузуридаги Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон Маданият Маркази лойиҳаси асосида чоп этилди.

Истеф.бол

2015/12  
12  
Nisher Navoiy  
Uzbekiston MNK

ISBN 978-9943-5433-8-6

№ 32640  
394

© Юнус Ўғуз,  
© Ўзбекистондаги Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон Маданият Маркази

## "ҚУРБОН ҲАНДАН СҮР..."

Озарбайжонлик таникли ёзувчи Юнус Уғузнинг "Овчи" романини ўқир эканман, буюк хамсанавис Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий" достонидаги "Мухолифат" номли боби ёдимга тушди. Улуғ мутафаккир шоир мазкур бобда узаро адоват нафақат қушни давлатларнинг, балки неча минг асрлар давомида давлатни бошқарган хонадони қадимнинг ҳам вайрон бўлишига олиб келади, деган умумбашарий ҳақиқатни ҳадик билан қуйидагича бадиий талқин қилган:

*Топар кўп киши ул адоватда бим,  
Бузулур баче хонадони қадим.  
Бу гўё жаҳон ичра тўфон эрур –  
Ки, андин жаҳон аҳли вайрон эрур.<sup>1</sup>*

Юнус Уғуз ҳам ушбу китобида улуғ Алишер Навоийга ҳамоҳанг, монанд тарзда умумбашарий ғояни инсониятга етказиб беришга, огоҳ қилишга ҳаракат қилган ва асарда маҳорат билан ижод қилган Уста Мурод, Мурод, Мурод Мирзаев каби уч қаҳрамон – "шаҳиду шуҳадо" образлари билан бирга замондош, амалда ҳукумат сураб, давлат бошқараётган Президентлар номи, уларнинг узаро мулоқот ва мунозаралари ҳам бадиий, тарихий лавҳаларда ўз талқинини топган.

Ёзувчи асарда жасорат билан ҳамма асрларнинг, айниқса, йигирма биринчи асрнинг оғриқли ҳамда фожеали нуқтаси

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий. Мукамал асарлар тўплами. 11-жилд. – Тошкент: Фан, 2001. 151-бет.

булган, инсоннинг қалби, оиласи, юртини, қадриятларини вайрон қилувчи уруш, зўравонлик, зулм, босқинчилик, қурол савдоси ва одамлар, хусусан, аёллар савдоси, адоват, шовинизм каби ёг иллатларни кескин қоралайди ва гуё олам аҳлини бир муддат Озарбайжонда кечган воқеаларга қаратгандек бўлади.

Асарнинг образлар олами кенг ва бой бўлиб, мутолаа жараёнида бунга узингиз гувоҳ бўласиз ҳамда амалдорлардан тортиб то оддий, “кичкина” одамларнинг олами, орзу-уйлари, катта-кичик ташвишлари, эл-улус, мулк ишига қўшган нафъи, етказган зарар-заққумлари билан яқиндан танишасиз, муҳими, ёзувчи яратган образлари билан сизни турли кайфиятга тушириб, яна чиқара олади. Ҳар ҳолатда ҳам у сизни юракдан озарбайжон халқининг қадриятларини ўзида мужассам этган машҳур “қурбон улан” халқона иборасига ҳамда романнинг сюжетида кўра, Мурод Мирзаевнинг онаси Гулибейимнинг ўғлига қарата меҳр, қувонч, розилик билан “Йўлингга қурбон бўлай” дея жўшиб айтган эътирофи ва олқишларига ошно қилади.

Асарнинг сюжетида мозий, давр, замон воқеалари алмашиб турса ҳам, ёзувчи дадиллик билан миллат ва давлатнинг катта-кичиги бўлмайди, уларнинг мудофаа сарҳадларини босманг, ҳурмат қилинг деган кучли, ҳақ муддаони олға суришга интилган ҳамда Озарбайжон миллати, давлати мисолида бадий талқин қилган. Истеъдодли адиб ушбу ҳақиқатни ўрни билан катта минбарларда туриб гапирувчи давлат раҳбарларига ҳам узининг қалами, сузлари билан изоҳ беришга ҳаракат қилган. Ҳатто унинг бу борадаги уй-фикрлари, чорловларини тарихий-бадий муштарак ёдгорлик бўлган “Авесто” китобида “Олам ободли-ги учун гайрат кўрсатмоқ лозим, уни яхшилик билан асрамоқ ва ёруғлик сари элтмоқ керак”<sup>1</sup> деб битилган олтин битикларга, мозий хабарларига қиёслаш мумкин бўлади.

<sup>1</sup> Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Форс тилидан А. Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. 55-бет.

Биз ҳам шу ўринда бир қатор тарихий мавзудаги асарларнинг маҳоратли муаллифи, замонавий озарбайжон адабиётининг қўркам вакили ҳамда Ўзбекистонда ўзбек тилида нашр қилинган “Амир Темур”<sup>1</sup> номли икки китобдан иборат диалогияси билан танилган қадрли ёзувчимиз Юнус Уғузнинг ижодига барака, омад тилаб қоламиз.

Адибнинг озарбайжон тилидан ўзбек тилига Гулбаҳор Ашурова томонидан таржима қилинган “Овчи” асари ҳақидаги юқорида баён қилган фикрларимизни эса ҳазрати Алишер Навоийнинг шоҳбайти билан хулосалаймиз:

*Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиг,  
Ёр улунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиг иш.<sup>2</sup>*

**Буробия РАЖАБОВА**, филология фанлари  
номзоди

<sup>1</sup> Юнус Уғуз. Амир Темур (Озарбайжончадан Усмон Қўчқор таржимаси). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. 588 бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Мукамал асарлар туплами. 3-жилд. – Тошкент: Фан, 1988. 216-бет.

Билсин она тупроқ, эшитсин ватан!  
Масъул аскарман мен ҳам бу кундан.

С. Вурғун.

*Ушбу асаримни шу тупроқ учун гозий  
ва шаҳид булганларга бағишлайман*

Овчи кичик ёшлигидан қуён овлашни жуда севарди. Узи бу овни қурол ишлатмасдан бажарар, қуённи гирик тутарди.

Унинг ёрдамчиси эса болалиқдан ҳамиша ёнида бирга юрадиган олмахони эди. Отаси қўлга ургатган. Олмахоннинг унга қўп ёрдами тегарди.

Бугун яна овга чиқди.

Текислиқда, шох-шаббаларларнинг орасида қуён тутиш осон иш эмас. Тупрокнинг устига диққат билан боқар ва ҳайвоннинг оёқ изларини ёки қайси томонга кетганлигини топишни истарди.

Бир оз вақт ўтиб атрофни кезганидан сўнг ниҳоят узига таниш булган инни қурди. Севиниб кетди. Бугун унинг ови бароридан келади.

Иннинг бир кириш жойини топди, яна бири эса ҳозирча номаълум қолди. Қўлидаги ёғочи билан иннинг атрофида саккиз метр узунлиқдаги доирани чизди. Кейин эса доира чизиғи бўйича диққат билан унинг ён-атрофига қаради. Ниҳоят, иккинчи чиқиш йулини ҳам топди.

У елкасига осиб олган юк халтасидан эни ва узунлиги бир метр булган бураб айлантирадиган турни чиқариб олди, эҳтиётлик билан иннинг иккинчи чиқиш жойига қўйди. Узи эса биринчи кириш жойига яна қайтди. Бу сафар у халтасидан қўлга ургатилган олмахонини чиқариб, қуённинг инига қўйиб юборди. Олмахон инга киргандан сўнг узи яна турнинг ёнида тўхтади.



Олмахон инда, қуённинг қазиган лаҳми ичида ажойиб овоз чиқариб шундай ирилладики, икки қуён хуркиб кетиб, лаҳмдан чиқиш учун қоча бошлади. Бир неча дақиқа ўтгандан сўнг икки қуён овчининг тўрига тушди.

У қуёнларнинг қулоғидан бир-бир тугиб қаттиқ матодан тўқилган тўрхалтасига яхшилаб солди. Халтанинг оғзини ип билан маҳкам боғлади. Кейин эса қуён инининг устидаги тўрни йиғиштириб яна юк халтасига жойлаштирди.

Шу пайт олмахон қуён инидан чиқиб, унинг оёқлари оддида суяниб, бошини кутариб соҳибига қаради. Овчи табассум билан олмахоннинг бошини силади, сўнгра кучоғидан қўйиб яна юк халтасига солди. Унинг бир кунлик қуён ови шу тариқа якунланди...

## XI АСР

Уста Муроднинг карвони Бокудан Ганжага бориш учун кичик куллар, дараларда ора-сира кўринган юлғунли чуллар, барханлардан ўтиши керак. Бу йўллар қадимдан “Ипак йўли” деб номланган.

Карвонлар тинмай тухтовсиз, баъзан шу қадим йўлдан, баъзан эса Шамахи йулидан ўтарди. Табиати ғариб бўлган бу иссиқ, тупроғи чок-чок ёрилиб қақраган чўлда гоҳида илонлар изғирди. Қуруқликдан қирғоқ томон яқинлашса, табиат ажойиб тусга кирар, жонланар, айрим чул ҳайвонлари сойга яқин бўлган ерларда тупланиб туришарди.

Узоқдан кўринган тоғлар бу иссиқ текисликлар узра узгача саринлик бахш этар, шаҳар ҳавоси, кўл иқлими, ўрмон чангалзорлари карвондагиларни чарчатиб қўярди. Уста Мурод бундай иқлимларни биринчи марта кўраётган эди. У карвонбошига кўлнинг қирғоғига яқинлашганларини севиниб билдирди ва ўзича дарров кўлнинг соҳилига бориб, ювиниб олишни энг тўғри иш деб ҳисобларди.

– Бу жойда бир оз салқинлаб, дам олиб олсак буларди, – деди у.

Таклифни эшитган карвонбоши мийиғида кулимсираб, қаршисидаги ўттиз фарсаҳ масофада ҳеч нарса йўқлигини, кўрганлари эса "илғим" эканлигини айтди. Ҳатто бундай ҳолатларга кўникиш кераклигини ҳам маслаҳат беришни унутмади.

Умрида Савалан, Табриз ва Гойчедан бошка ҳеч каерда бўлмаган уста Мурод жуда афсусланди. У ҳеч қачон "илғим" нинг маъносини, туз-амалини билмаган бўлса.

Анчадан кейин карвонбоши унга "илғим" сўзининг маъноси, "сароб"нинг нима эканлигини яхшилаб тушунтирди, "яъни сахро ерларда, текисликларда узоқ муддат юрилса, сароб бошланади ва бунга илғим дейилади", деб тушунтирди.

Уста Мурод шундоққина оёғи остида ястаниб ётган, тарбия топган, таълим олган кадрдон жойи Саваландан, ҳар қадамда қаршисидан чиққан баланд тоғлардан, муздек сувли булоқлардан узоқда бўлиб, уларни ниҳоятда соғинганини юракдан ҳис қилди, сизди. Султоннинг хизматига кирганидан кейин бу соғинч хислари унда янада кучайди.

Ҳайф сенга Савалан... Узоқдан қараганда эллик фарсаҳдан ҳам яқин қуринарди. Ҳайф сенга Гойча? Сувига бош тиксанг борми? Шуни билки, овчилар орасида буласан.

Аммо... аммо соғиниб бўлмасди. Унга муҳим бир махфий топшириқ берилган. У ҳали топшириқ берилган жойгача етиб бормаган эди. У бир нарсани амалга оширишни ўйларди. Ҳатто Султон Алп Арслон билан чўлда кўйлар устида бу усулни синовдан ўтказган ҳам эди.

Уста Мурод Султонга манжаниқ "тошларни" таклиф этди. Чунки қалъа шу қадар мустаҳкам эдики, у "тошлар"дан эмас, бир-бири билан ниҳоятда мустаҳкам, чамбарчас боғланган темир симлардан иборат эди. Уста Мурод йирик миҳларни тахлаб-тахлаб кесиб, темир ўчоқнинг пастки қисмини тўлдирди.

Бу йирик ўчоқ манжаниқнинг устига қўйилганидан сўнг устки қисмини қора ёғ билан тўлдирилиб, охирида унга

олов ёқиларди. Кейин эса учоқнинг қизишини қутардилар. Шу ҳолда, ёғ отилиб ерга тушганда жуда тез парчаланиб, кучли портларди.

Қора ёғ оловда ёнғандан кейин манжаниқ қайси томонга отиш мақсад килинган, кўзланган бўлса, ўша томонга отиларди. Оташ, олов натижасида мазкур темир ўчоқлар ерга тушгандан кейин ҳар тарафи оловга бурканиб ёнар, ўчоқнинг иккинчи қисмида бўлган мижмар оловли миҳлар учиб, қаршисидагиларни бутунлай илма-тешиқ қилиб ташларди.

Бу ижод усулини Уста Мурод қўйларнинг устида синовдан ўтказганда, Султон ундан мамнун бўлади. Қўйларнинг ярмидан кўпи қирилиб, катта талофат кўрилган эди, ҳатто аскарлар уларнинг кўпини сўйиб улгурмадилар, қўйлар шундай гарзда ўлди...

Жуда асабийлашган карвонбоши ўзини қўллаб-қувватловчи шериклари тарафга қараб кичқирди:

– Тушамиз, кечани шу манзилда ўтказамиз.

... Пешин намозидан бир оз вақт ўтганди. Ганжага йўл унча узоқ эмасди. Ун турт-ун беш фарсах масофа қолар, ё қолмасди. Кун чиқмасидан аввалроқ ҳаракат қилсалар, то оқшомга қадар Ганжага етардилар.

Туяларнинг устидаги қора ёғ тўлдирилган мешларни ечиб оҳиста ерга қўйдилар ва оёк остига чодирларни қуриб, бирин-кетин ўрнаша бошладилар. Куп ўтмай ўчоқларга ўт қаланди, туялар, отлар, эшакларга ем берилди, суғорилди. Бир оздан сўнг ўчоқларнинг устидаги қозонларда пишаётган овқатнинг хушбўй ҳиди кенг теварак-атрофга ёйилди. Сарин шамол эса овқатнинг хидини – бир фарсахлик масофагача етказди. Куп ўтмасдан, карвон жамоаси мазали хашлама<sup>1</sup>дан тўйиб еб, хотиржам уйқуга кетдилар. Фақатгина дастур-хонларни йиғиштираётган навкарлар – хизматкорларнинг ухлаётганларни уйғотиб юбормаслик учун секин гапла-

<sup>1</sup> Хашлама – кавказ халқларига хос таом.

шаётгани, узаро шивир-шивирлари ёки бехосдан урилган идиш-товоқларнинг тарақ-туруқ овозигина эшитиларди.

Сукутни бирдан узоқдан келаётган отларнинг дупури, кишнашлари бузди. Ухламаганлар бу овозлардан аввалига бир оз ташвишга ҳам тушдилар...

## КУЧИШ

1948 йил. Гойча, Башаркечар

Ёзнинг август ойи энди кирганди. Тоғли ерларда қуёш айни қиздирадиган палла, ҳавонинг иссиғидан дарахтлардаги мевалар фарқ пишиб, тукилиш арафасида. Бу ерларнинг мевасини ўзгача таъми, лаззати бор дейишади. Энди ҳосилни йиғиб, Ереванга олиб боришнинг айни вақти эди.

Воқеа бундай бўлган эди: Мурод ўғли Фарзали билан меваларни саватларга жойлаб, оқшом пайти йулга тушиш учун астойдил тайёргарлик кўрилиб, кейин уларни аравага юклаши керак. Болаларга мактабга керакли ул-бул нарсалар олиш ва қиш учун тайёргарлик кўриш лозим эди. Мурод ўғлини тезроқ ишни тугатишга ундарди:

– Уғлим, жуда зийрак, ҳушёр бўлгин! Пешиндан кейин бозорга боришнинг ҳеч ҳам маъноси қолмайди, оқшомга яқин меваларнинг нархи, қиймати тушиб кетади. Мен ҳам сизларга зарур бўлган майда-чуйда нарсаларни олишга улгурмайман. Тезроқ ҳайда отни, тезроқ борайлик!

Йигит ёшига етиб қолган Фарзалининг юраги алланечук бўлиб кетди, уйланиш ёшида бўлса-да отасининг унга ҳали ҳам ёш болалардек муомала қилишидан ранжигандек бўлди. Аммо у шундай тарбия олган эдики, кўнглидан ўтганларини тилига чиқара олмасди. Бу ерларда ота-ўғил ёки она-қиз ўртасида гўё қалин бир ҳаё пардаси бордек. У ҳар қандай ҳолатда ҳам овозини чиқармай, фақатгина бошини тебратиб қўйиш билан кифояланар эди.

– Хуп булади, ота, – деб мева билан тўлган саватларни бирма-бир аравага юклади. Мактабга борадиган болалари ҳам уларга ёрдамлашдилар. Тезрок ишни тугатиш керак эди. Шу пайт ён қўшниси армани Геворк уни чақириб қолди:

– Ара, Мурод, эй Мурод.

Мурод бошини қуйи солиб, панжара бошида суянган Геворкни қўриб, ўзидан-ўзи алланималар дея бошлади:

– Мардумозорини ахтаришнинг кераги йўқ, қаерда бўлсанг ҳам ўзи сени излаб топади. Хўш, билган яна қандай янги хабарларинг билан келдинг? Ўғлига қараб:

– Қўлини маҳкам тут, бир оздан сўнг арава билан йўлга чиқамиз, – деди ва қўшнисига қараб гапирди:

– Келяпман...

Катта-катта қадамлар билан яқинлашиб келиб, саломлашди:

– Хайрли тонг, эй Геворк! Саҳарда туриб, яна қандай хабар билан келдинг? Ахир ҳар куни бир совуқ хабар келтирасан, ҳаммаси бир-бирдан ёмон.

Армани қўшни товўқнинг гумшўғига ўхшаш мўйловини оҳиста силаб, унинг саломига жавоб бермасдан туриб, кериша-кериша деди:

– Қара, – қўли билан мева дарахтларини кўрсатди, – буларни ким олади? Ереванда арманлар сўз берибди, энди турклардан ҳеч нарса олмас экан.

Мурод таажжуб ва афсус оҳангида сўради:

– Нимага, эй Геворк, туркларнинг моли энди тўнғиз бўлдими? Нега сотиб олмайдилар? Неча йиллардан буён биздан мева олиб, ароқ тайёрлайсизлар-ку?

Армани хириллаб-хириллаб жавоб берди:

– Ара, турк, тўғри, олдин олганлар. Бугун эса вазият ўзгарган. – кейин пичирлаб айтди. – Қара, утган кеча бизга биринчи масъул одамлардан бири келди.

Мурод биринчининг ким эканлигини англаб етмади. Шу сабабли сўради:

– Биринчи ким у, эй Геворк?

Армани қушнисининг бундай соддалигидан тутқанок тутган одамга ухшаб қолди.

Унинг бу ёқимсиз кулишига Фарзали ҳам бошини кутариб қаради. Геворк болаларнинг ҳам унга қараб турганини сезиб, яна пичирлай кетди:

– Ара, мунча аҳмоқ одамсан. Биринчи кимлигини билмайсанми? Албатта, товарищ Аругюновда. Биласанми, у қандай кучли, қудратли? Москвада ҳам уни қўллаб-қувватловчилари жуда кўп. Сенинг Багировингдан ҳам кучлидир, ҳе...

Муроднинг боши яна ганғиб қолди. Йуууук, бу топишмоқнинг тагида бир балоси борга ухшайди.

– Яхши, биринчидек масъул шахснинг сенинг ёнингда нима иши бор? Сен қаердаю, у қаерда? – дея яна савол берди.

Геворк унг ва чап томонга бир-бир қараб, юмалоқ кўзларини бақрайгирди. Ҳеч кимнинг унинг суҳбатига фикр билдирмаганини кўриб яна ўзи тилга кирди:

– Ара, турк, севин, эй, севин, сиз туркларни Озарбайжонга кўчираамиз. Бу ер бизнинг ота-боболаримизга тегишли тупроқлардир. Сизлар Багировингизнинг ёнига кетинглар.

Муроднинг қўллари, оёқлари титради, баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Йиқилмаслик учун узини жамлаб, ерга чўккалади. Шундай ҳолда ҳам яна сўради:

– Нега эй Геворк? Қачон ва қайси пайтдан бошлаб сизнинг ота-боболарингиз бу тупроқларни олган, билмас эканмиз? Узинг ҳаминиша “Эй Мурод, сенинг бобонгнинг отаси Муродбей бўлмаганида эди, биз арманлар бу жойлардан ер ололмас эдик” дейсан. Энди бу гап қандай бўлди? Куриб турганингдай неча йиллардан буён қушни бўлиб яшаймиз. Қувончу қайгуларимизни бир жойда кечираамиз. Нон-туз бўлишдик. Иссиқ-совуғимиз бир эди. Яна шуларни айтсак, биз томондан ҳеч хиёнат қурганинг йўқ. Бас, шундай экан, нега нонқурлик қилиб, нону тузга тупурмоқчисизлар?

Арманининг диққат билан тинглаб, юмалоқ ва бўртиб чиққан кузларидаги совуқ ифодадан билиндики, унинг бир туки ҳам ўзгармади. Худди Муроднинг айтганлари тошга, деворга карага айтилгандек эди. У энгашиб, қўшнисининг ёнига секин ўтирди. Бошидан учи тумшукли бош кийимини ечиб, бир қўли билан бошининг ўртасини, манглайини қашиди. Сўнгра унинг ичини куйдириб деди:

– Ара, қўшни, мен кимман ўзи? Менга айтишади, мен уларнинг айтганини қиламан, – бармоғини Ереван тарафни кўрсагиб бигиз қилди. – Улар лозим бўлган ишларни айтадилар. Қара, менга қулоқ сол. Улар ҳеч кимга раҳм қилмайдилар. Қарорни аслида Москвадан беришган. Бу ерларга хориждан келган арманиларни жойлаштирадилар. Улар сизнинг уйлариңгизда ҳам яшайдилар.

Бирдан шошиб таъкидлай бошлади.

– Ара, бир ўзинг фикрлаб кўр. Мен арманини четта суриб қўйиб, туркнинг тарафида турсам, менга нима дейдилар? Сен ҳам туркдан тарқалганмисан деб мени надомат қилмайдиларми? Э раҳмат! Энди ўзингни менинг ўрнимга қўйиб кўр, сен нима қилган бўлардинг, нима?

Муродунинг сўзларини бошқа эшитмасди. Гўё қулоқлари битиб, боши айланарди. Кўзининг оддига бирдан Гойжада дафн этилган Дада Кўркутнинг қабри келди. Ота-боболари, оналари мазори ут-олов ичида қолганди ва бу оташ ичидан уларнинг ноласи эшитиларди. Бу инсонларнинг руҳлари унга осмондан маъноли-маъноли қараб тургандек эди. Бу ерлардан кетса, у дунёда аждодларига нима дейди? Уларга нима деб жавоб беради?

Муроднинг хаёлларини Геворкнинг овози бузди:

– Ара, нимани ўйлаяпсан? Тўғри, сўзларим сенга оғир ботди. Кўч, кет. Бу тупроқларни бизга беринг. Барибир бу ерлар қўлингиздан кетади. Кўр, ахир Москвада орқамизда кимлар турибди! Анастас турибди, Анастас!

Мурод ғазабини тўхмат ва алдов қаршисида базўр тўхтатиб сўради:

– Анастас дейсан, Москва тилингдан ҳеч тушмай колди. Ахир бу одам ким ўзи?

Армани қўшни хириллаб-хириллаб жавоб берди:

– Ара, ҳали Анастасни танимайсанми? Микоянни айта-ябман-да. Марказий Қўмита аъзоси. Фаҳримиз. Сталин, Бериянинг яқин дўсти. Унинг қўли билан бир қанча армани амалга ўтириб, генерал бўлган.

Мурод жаҳд билан ўрнидан турди. Геворк ҳам инон-ихтиёрсиз оёққа турди. Мурод баланд овозда деди:

– Йўқ, мен ўз она тупроғимдан ҳеч қаерга кетмайман. Улсам ҳам шу ерда ўламан!

Қўшни унинг бу жавобига изоҳ берди:

– Кетмасанг, унда зўрлаб жўнатадилар. Ҳукумат билан ўйнашмасангчи? Агар ўлсанг, бу ерга кўмилсанг, кабрларингни ҳам ер билан яксон қилади. Шундай бўладики, ҳатто изларингиздан чиккан чанг ҳам бу ерда қолмайди. Билиб қўй, энди бу жойларда бир нафар турк яшамайди. Яхшиси шуки, кетишга тайёргарликларингни кўр, пешиндан кейин ҳаммаларингизни йиғиб, машиналарда олиб кетадилар...

**Изоҳ:** Шундай қилиб, озарбайжонларнинг Арманистон ССР таркибидаги тарихий этник тупроқларидан қувилшининг навбатдаги босқичи бошланди. СССР Министрлар Советининг 1948 йил 10 мартдаги “Арманистон ССРдан колхозчилар ва бошқа озарбайжонлик аҳолининг Озарбайжон ССРнинг Кур-Оразовулига кўчирилиши ҳақида” катта бир қарори билан бу ишни ҳаётга татбиқ этиш учун аниқ тадбирлар режасига аниқлик киритилди. Хуллас, ушбу режага кўра уч йил ичида Арманистондан юз мингдан зиёд озарбайжонликлар Озарбайжонга кўчирилди.

Қарорнинг 2-моддасида қуйидагича курсатиладики, Арманистон ССР Министрлар Совети озарбайжонлик аҳолининг кўчирилиши натижасида бўшатиш билан ва яшаш уйларига хориждан келган арман миллатига мансуб кишиларни жойлаштириш учун фойдаланишга берсинлар.



... Пешиндан сунг маҳаллага кирган ҳарбий машиналар бу кенглик-далаларга хос булган тинч сукунатни бузди. Гуё тоза ҳавонинг ҳам авзойи узгарди. Қон қутқуси сезиларди...

– Ҳе, қаердан бошлайликки, бу татарларнинг овози эшитилмаслиги учун.

Олдиндаги машинадан лейтенант рутбали зобит ерга сакраб тушиб, ён-атрофига қаради. Ҳарбийларнинг келишини аввалдан билган, уларни сабрсизлик билан кутган Геворк зобитнинг олдига пешвоз чиқди, кепкасини ечиб қулига олар экан, унинг қаршисида тик турди. Рус зобити арманининг бу ғайратини гуё кўрмасликка олди, қўлларини белига қўйиб, рус тилида сўради:

Армани ялтоқлик ниқобини кийди:

– Қаердан истайсиз, бошланг, ўртоқ лейтенант! Усиз ҳам бу ерда бир нечта армани оиласи бор, қалъанинг ҳаммаси турклар. У чала-чулпа, зўрға рус тилида гапирса ҳам билардики, рус зобити уни тушунади, – аммо, менимча, саводли-сидан бошлаш керак.

Маҳалланинг одамлари аста-секин уйлари-дан чиқар экан, дабдурустдан пайдо булган “меҳмон”ларнинг бошига тупланишини куриб, оҳиста-оҳиста ва ҳайрат ичида улар томон келардилар. Зобит уларнинг яқинига бориб нима қилиш лозимлигини айтди, чунки ёнида кўп сонли қулида куроли бор аскарлар бор эди. Керак булса, у яна қўшимча кучларни ҳам чақира олади. Саймазная сўради:

– Нега? Биз учун саводли ва саводсизнинг фарқи йўқ. Бизга фармон берилдики, озарбайжонликлар Озарбайжонга кучирилсин! Биз бу фармонга мувофиқ буйруқнинг ижросини бажариш учун келдик ва уни бажарамиз!

Геворк зобитнинг қаршисида икки букилиб эгилди:

– Биласиз, ўртоқ зобит! Бу турклар ғализ, гўпори миллат, кўп вақт катталарининг оғзига қарайдилар, уларни оқсоқол дейдилар, – армани “оқсоқол” сўзини гуё жирканиб айтди. – Улар нима деса, колганлари ҳам буйсунадилар. Керак булса бажармасликлари ҳам мумкин. Уларнинг бошлиқла-

ри саводли, уқимишли одам, ҳатто саводсизи ҳам куп тадбирлидир.

Рус зобити тушунишга мажбур булди. Бармоғи билан буйнининг орқа томонини кашиди, кузларини жовдиратиб, арманига юқоридан қараб туриб сўради:

– Совет қонунлари бу ерда ишламайдами?

Геворкнинг қўлига яна бир имкон келганди. Утган йилларнинг қасосини олишни хоҳларди ҳамда русларга яхши кўриниш фурсатини бой бермаслик учун жавоб берди:

– Совет қонунлари юзаки ишлайди, аслида бу озарбайжонликлар туркларга купроқ мойилдирлар, чунки узлари ҳам турклардан...

Рус зобити унинг ярми русча, ярми арманча сузлардан иборат гапларидан ҳеч нарса тушунмади, шу сабабдан унинг сузини булиб ташлади:

– Яхши, сен қаердан бошлашимизни маслаҳат берасан? – зобит бир гапни аниқлаштиришни истарди. Чунтагидан бир қоғоз чиқариб, ёнидаги сержантга узатди ва буйруқ берди. – Биринчидан, бу қоғозда кўрсатилган уйларга тегманглар. Иккинчидан, бу арманининг кўрсатган уйи дарҳол бўшатилсин. Учунчидан эса ҳеч кимга ҳеч нарсасини олишга йул қўйилмасин. Кун ботгунга қадар машиналарни одамлар билан лик тулдиринг, бир нафар одамга ҳам омонлик берманг, ҳайданг! Қани, сен саводдиларнинг уйларини бизга кўрсатчи.

Армани Геворк қўлини Мурод яшаётган уй томон узатиб, жавоб берди:

– Қара, улар бу ерда.

Лейтенант сержантга буйруқ берди:

– Ҳаммасини машиналарга босинглар!

Тўполон шундан кейин бошланди. Оху войлар, ҳай-ҳайлар, қичқириқ, узаро суқинишлар бир-бирига қорилиб кетди. Бош тортиб, буйсунмаган, қаршилиқ қилганларни, ғалва қилиб турган аҳолини аскарлар милтиқлар билан отиб, зўрлаб, судраб машиналарга миңдира бошладилар.

Ҳеч кимга ҳеч нимани олишга имкон бермадилар. Эгни-ларарида, бошларида, оёқларида нима бор бўлса, худди шу ҳолатда итариб-итариб, босиб-босиб машиналар томонга олиб борардилар. Машиналарни одамлар билан тўлдириб, кейин аскарлар уйларга ҳужум қилар, эшикларни милтиқ кўндоги билан синдириб, ичкарига суқилиб кирардилар. Қиз-келин, бола- чақа, ярадор демасдан ҳаммасини аввал кўчага судраб чиқиб, кейин машиналар бор тарафга кувардилар.

Тўрт нафар аскар Геворк билан биргаликда Муроднинг уйи томон юрдилар. Аскарлар тепкилари билан девордан ошиб шовкин-сурон билан ҳовлига бостириб кирдилар. Тўрт аскар ва кўшниси Геворкнинг ҳам улар билан келганини кўрган Мурод ҳам чиндан жаҳл отига минди. Отасининг бу аҳволини кўрган Фарзали қаршилик қилмоқ истади, аммо Мурод унга имо қилиб, “сен қушилмай тур, аввал кўрайлик, булар нимани истайдилар”, деган ишорани қилди.

Армани қушни аскарлар ва сержантнинг ёнида дадилланиб олдинга чиқди:


– Ара, аҳмоқ турк, турк! Саҳар-тонгдан сенга кет, тайёр-лан, пешиндан кейин келиб ҳаммаларингизни олиб кетадилар деб айтмадимми? Эй аҳмоқ, сенга айтгим келди, сирни очдим. Энди руслар келдилар. Оилангни оёқ яланг, бош яланг қилиб олиб борадилар. Эй, ҳалиям кет!

Мурод жаҳлини босиб, сабр ва вазминлик билан жавоб берди:

– Эй нонкўр армани, мен ахир сенга ота-боболарим яшган ердан ҳеч қаерга кетмайман деб айтмадимми?!. Шу қадар тушунмас, бефаросат одамсанми, эй!

Армани пилдираб-пилдираб уларнинг гаплашганини тушунмаган сержантга қараб жавоб берди:

– Қандай кетмайсан? Куч билан, қурол билан кетасан, жонингни қолиб олиб, сени бу тупроқлардан виз этиб у тарафга отадилар.



Муроднинг асаблари энди чидамади. Юзи қип-қизил бўлиб қизарди, ёнди. Узини тутолмай уни бугди. Нарвонга суялган кетмонни кутариб, баланд овоз билан қичқирди:

– Э сени, мени рус аскарларидан кўрқадиган...

Аммо Муроднинг гапи чала қолди. Отилган ўқ унинг сўзларини ярмидан бўлди. Илдизидан айрилган эман дарахти мисол ерга қулади. Сержант эса ҳеч нима бўлмагандек тўппончани қинига солди.

Болаларнинг чинқириғи, хотинларнинг йиғиси, аскарларнинг бақириғи – ҳамма-ҳаммаси қоришиб кетди. Ўқ овозини эшитган аскарлар югуриб келдилар. Сержант буйруқ берди:

– Нимани кутяпсизлар, буларнинг ҳаммасини олиб бориб машинага миндилинг, – бармоғи билан Муроднинг жасадини кўрсатиб, Геворкка деди: – Эй сен, буни қандай дафн қилишни узинг яхши биласан, тушундингми.

Куп вақтдан буён Муроднинг мулкига кўз олайтирган ва тулки каби айёрона қулай фурсатни пойлаган армани қўшни мамнун ҳолда бошини қимирлатиб қўйди.

### 41 йилдан сўнг

#### *Собиробод райони, Муған Ганжали кент*

... Фарзали бўлиб ўтган ҳамма воқеаларни очиқ жойда ўтириб, Кур сойи тарафдан эсаётган иссиқ шамолнинг сув бўйида салқин шабадага айланишини ўн уч ёшли невараси Муродга айтиб берди. У юраги тулиб-тошиб гапирар, кўзлари ғазабдан ёнар, папиросини қаттиқ тортарди. Муроднинг отаси Телман бу кентда туғилган эди.

Фарзандлари, неваралари Аран-Муған табиатига ургандилар, аммо у ҳеч қачон бу жойга ўрганолмади, нафаси сиқиларди. Баъзан узини нохуш сезиб, Гойча ҳаволарини жуда соғинганини ҳис этарди. Уйқуларида тоғларида, унинг этакларида кезар, туйгунча чуқур нафас оларди. У ер-

ларнинг тўйларини, хусусан, халк бахшиларини куп соғинар, баъзан ўзи ҳам худди шоирга ўхшаб қоларди.

Ёлғиз қолганда эса, ҳатто, ўз-ўзидан кўзлари шашкатор ёшларга тўлиб, ёноғига сизилиб тушарди. Отаси Муроднинг ўз тупроғи устида, кўз унгида улдирилишини ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмасди. Қайтадан ўша ерга бориб, қайтиб келганлардан эшитдики, яхшилик никоби остида ер, нон берган армани Геворк бўлиб ўтган ишлардан сўнг уларнинг ота-боболари мулкини эгаллаб олиб, ерларини ўзининг номига ёздириб, хатлаб олган эмиш.

Бу унга жуда ёмон таъсир қилди. Ҳар доим ўзидан сўрарди, биз у тупроқлардан нега ҳайдалдик? Етти авлодаждодларимнинг қабрлари у ерда бўлса-да, нега у жойларни зиёрат қила олмаймиз? Сиёсатдан ваз, сабаб топса-да, бу саволлар унинг учун муаммо бўлиб қолганди. Билардики, буларнинг ҳаммаси бу азиз тупроқ даъвосида эди...

Фарзали чекиш учун ўт ёқди. Невараси Муродга диққат билан тикилди. Раҳматлик отасига жуда ўхшайди. Қадди-қомати ҳам худди униқидек эди. У папиросини чекиб, узун-узун симирди, сўнгра тутунини ҳавога чиқарди.

Боланинг зеҳни оқ варақ каби. Ҳар доим унга нимани ёзсанг, бир умр хотирасида мангу қолади. Бобосининг ҳар бир айтганлари Муроднинг зеҳнига мустаҳкам ўрнашарди. Бобоси қурган-кечирганларини айтиб берганлари унга жуда мазмунли кўринар, кўзлари нафрат билан ёнар, ўз фикрлари билан ўралашиб қоларди. У ўзини ҳар қанча чалғитишга урунса-да, яна саволларга кўмиларди. Ота-бобосининг ўлими олдидаги ҳолати кўз олдида келар, у даҳшатли унутилмас кунларнинг шоҳидига айланганди.

– Бобо, Арманистонда бизникилардан ҳеч ким қолмаганми? Ҳамма бу ерларга кўчиб келганми?

Фарзалини яна сийна-бағри гупиллаб урди. Бироздан кейин ўзига келгач, сўнг бир оҳ чекиб, гапира бошлади:

– Йўқ, у бошқа бир ҳикоя? Сталин ўлганидан кейин бу ҳолат бироз юмшади. Ортга қайтганлар ҳам бўлди.

Невараси Мурод қош-қовоғини уюб, инжиқланиб яна сурарди:

– Унда биз нимага кетмадик?

Неварасининг бу қийин саволларига у анча олдин жавоб топиб қўйганди. У узига бу саволни қачонлардир беришларини яхши биларди. Шу вақт Муроднинг онаси Гуллибейим қўлидаги чинни идиш билан уларга яқинлашди. Гуллибейим уйни, рўзғорни яхши тутарди. Пиширган овқатлари, дамлаган чойлари бағоят мазали, ширин эди. Ҳозир ҳам бир гўзал ичимлик ҳозирлаган эди, икки “тош” стаканда мазали чой олиб келганди.

Гуллибейимнинг боши эгик ҳолда, румолга уранган эди. Ҳар сафар онасидан бунинг сабабини сураганида, бу ота-боболаримиздан қолиб кетган азалий урф-одат, биз шундай кўринишимиз керак, деб жавоб берарди. Қайнотанинг ёнида юзини очиб уёққа-буёққа ўтилмайди...

Гуллибейим қўлидаги ширинликларни ўртага қўйиб, ёлғиз Мурод эшитадиган паст овозда деди:

– Болажоним, сен учун барчаси қизиқ. Буни сезиб турибман, бироқ бобонгни кўп чарчатма, кўп савол берма. Қўй, бир оз дам олсинлар.

Онаси секин сўзласа-да, Мурод бобом эшитсин деб баланд овозда гапирди:

– Онажон, ахир бобомга савол бердим-ку, жавобини олиб олай. Ундан кейин кўп чарчатмайман.

Бу сўзлардан келиннинг ёноқлари қизаргандек бўлди, аммо овоз чиқармади. Оҳиста орқага қараб юриб кетди. Бобо эса фақат кулимсираш билан кифояланди, аммо набирасининг саволига жавоб бермади. Енгил акса урди:

– Ҳа, сенинг саволингга жавоб бераман. Узимнинг набирагинам. Аввало, сенинг бобонгни, яъни менинг отамни қузимнинг олдида улдирдилар, ваҳшийларча отиб ташладилар. У ерга қайтсам, ўша аччиқ хотиралар менга азоб беради. Сабаби у ерда уйимиз, ҳовлимизни йўқ қилишган. Бошқатдан уй қуриш, ҳовли-жой тиклашнинг

қанчалик қийинлигини биласанми? Бу мақоңда ҳам биз то уй-ҳовли олгунимизга қадар кўп азиятлар чекдик, тупрок билан бирга нафас олдик. Юзимиз, кўзимиз ҳам энди-энди бу ерларга ўрғанди.

Чуқур нафас олиб, жавобини тулдириб қўйди.

– Кўчиш жуда оғир ишдир, болам, оғир!

Кўзлари ёшланди, аммо буни неварасига сездирмасликка ҳаракат қилди.

– Отанг шу ерда уйланди. Уканг, сингилларинг ҳам шу ерда туғилди. Утган йилларда Арманистондан ҳаммани бирданига қувғин қилдилар, зўрлаб ҳайдадилар. Улган ўлди, қочганлар эса қорли тоғларда йўқолиб кетди, қурт-қумурсқаларга ем бўлди. Яна бу халқнинг бошига турли “уйин”лар уюштириб келадилар, азоб бердилар. Энди бу ишнинг устига яна Қорабоғ даъвосини ҳам қилдилар.

Жавоби болакайни қониқтирди, шекилли. Бобосига нимадир демоқчи бўлди, аммо айтмади. Урнидан турди:

– Бобожон, саволларимга жавоб берганингиздан жуда хурсандман. Раҳмаг сизга. Яна бошингизни оғритиб чарчагиб қўймайин. Қаранг. Онам ҳам чақиряптилар.

Шу пайт уйдан онасининг овози эшитилди:

– Дадажон, болам. Саҳардан буён туз тотмадинглар. Дастурхон ёздим, чой ичиб олинглар.

Мурод онасига қараб жавоб берди:

– Бобом ҳозир борадилар, менинг эса ҳали қорним очмади, емайман, – деб Бобосига қаради.

– Бобожон, сиз бемалол нонушта қилиб олинг. Мен эса бир оздан сунг, – деди.

Фарзали юз-кузидан, боқишларидан озроқ катта кўринган неварасининг сўзини ерга ташламади. Урнидан туриб уй томонга кетди. Аммо Муроднинг чойга қўл урмагани ва шу аснода нималарни хаёлидан кечиргани бирма-бир унинг куз ўнгидан утди.

Мурод уйининг ёнидаги нок дарахтининг олдига қўйилган очилиб-йиғиладиган чорпояга чўзилди. Тахтадан ясалган автоматни қучоғига олиб, кўзини бир нуқтага тикти.

Нимани уйларди, ҳеч ким билмасди. Уйлаганларини бир неча кундан сўнг окшом дастурхонда йиғилиб чойга ўтирганларида тилига чиқарди.

Аслида суҳбатни отаси Телман бошлади.

У отасига юз тутиб:

– Келаси йил Мурод саккизинчи синфни битиради. Дарсларини ҳам аъло баҳога ўқияпти, асосан, тарих, риёзиёт ва адабиётни яхши билади. Албатта, у ўқиса, ука-сингиллари ҳам буни куриб унга эргашадилар.

Бобо ўғлининг сузларини тасдиқлади:

– Тўғри айтасан, – чойдан бир қултум ичиб, яна столнинг устига қўйди, – Мурод, қайси институтга киришни истайсан. Институтга кириш билан боғлиқ имтиҳон бўладиган фанлардан ўқишингни кучайтирсанг, яхши буларди. Унингчи синфни битиришингга ҳам бир неча йил бор.

Телман бошини “ҳа” дегандек тебратди. Муроднинг баланд овози эшитилди.

– Мактабни тутатишимга бир йил қолди.

Шу пайт самода чакмоқ чакди, осмон гумбурлади. Онаси Гуллибейнинг юраги титрагандай бўлди. Титраган овозда сўради:

– Болам, нима дейсан? Нимага бир йил? Келаси йил сен саккизинчи синфни битирасан.

Отаси Телман ҳам хавотирга туша бошлади. Бечора ота ҳам ўғли қийин соҳани кузлаб, саккизинчи синфни битирганидан кейин хужжатларини олиб бориб ихтисослаштирилган мактабга топширади, деб уйлаган экан. Бироқ ўғли сир бой бермас, жимгина ўтирар эди. Телман ўғлини бу фикрдан қайтаришни уйлади. Овозига оталик ҳукмини бериб, ўғлига деди:

– Нималар деяпсан, ахир бутун умидимиз сендан, сен эса қандай ўқишни айтасан? Машааллаҳ, ақл-идроклисан, бўйбастинг чиройли, қоматинг расо. Нега ўқишни истамайсан?

Муроднинг яна баланд овози эшитилди:

– Ким айтди, ўқишни истамайди деб? Албатта, ўқийман, ammo ҳарбий мактабда. Келгуси йил мактабни битирган



куним хужжатларимни олиб, ҳарбий мактабга топшираман. Мен ҳарбий бўлишни хоҳлайман.

Онанинг оёқлари титраб, юраги дукурлаб урди. Дуо қилди: “Аллоҳ охирини хайрли қилсин. Наслимизда бир ҳарбий киши бўлган. Энди икки нафар булар экан-да...”.

Фарзалининг юраги фаҳрга тўла бошлади. Кўриниб турибди, неварасига ҳамма айтиб берганлари бекорга кетмабди: “Ватанимизни йўқотганимиз гўдак юрагига дард берган. Боракаллоҳ!”.

Ғафат отаси Телман бир қарорга келолмади. Уғлининг феълени яхши биледи, узининг акси эди. Буйнига бир ишни олса, уни қилмагунча тинчимайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўша ишни бажарарди.

– Нимага керак ҳарбий бўлиш? Унинг кеча-кундузи бўлмайди, уйкусининг тайини йўқ, оёқ остида ётасан.

– Мен зобит бўлишни истайман. Йўқотилган ерларимизнинг бир қаричини бўлса-да ортга қайтаришни истайман, ота. Ана ўша пайтда ниятимга етаман. Арманилар билан тўқнашишни истайман.

У отасидан ижозат олмагунча бир оёқда туриб олди.

– Ерларимизни қайтариб олиш сенга қолганми? – деди ота.

Аммо жаҳддан тез тушди. Уғлини яхши тушунгандек бўлди. Бу сўзлар билан уни айтган йўлидан қайтариб бўлмайди. Энди нима қилиши керак? Уғлининг охириги сўзларини ҳар бирини уйлаб кўрди. Унинг айтганларига охир-оқибат чин кўнгилдан таслим бўлди.

Муродқарорини уйдагиларга айтгани учун хурсанд бўлди. Унинг отасига айтган сўзлари хамиша Телманнинг қулоқлари остида жарангларди. “Йўқотилган ерларимизнинг бир қаричини бўлса-да ортга қайтаришни истайман, ота. Ана ўша пайтда ниятимга етаман”.

Бу гаплар шундай вақтда бўлиб ўтган эдики, Бокуда, Озарбайжоннинг ҳар ерида миллий-озодлик ҳаракати бошланган эди. Халқ оёққа турганди...

2016 йил 31 март.  
Озарбайжон Республикасининг  
Президенти саройи

Кеча ярмидан утган. Шаҳар сокинликка уранса ҳам, симёғоч чироқларининг ёғдуси оҳиста-оҳиста тинса ҳам Президент кабинетининг чироғи ёниб турарди. Бугун улка бошчиси ҳам оғир иш жадвали буйича ишлаётганди. 31 март – марҳум Ҳайдар Алиев томонидан йигирма йил аввал озарбайжонликларнинг геноциди эълон қилинган кун сифатида ҳар йили давлат томонидан қайд қилинарди.

Бугун республиканинг бутун улкаларида 1918 йилнинг 31 март кунда арманиларнинг Бокуда ва атроф жойларда қилган ваҳшиёна ҳаракатлари эсланади, қилинган қотилликлар инсонларнинг ёдига тушади. Шу сабабдан ҳам Президент бу кунда бир неча муҳим тадбирлар ўтказишни режалаштирди. Хорижий дипломатик корпуснинг раҳбарларини қабул қилди, кўп сонли қарорлар имзолади. Аммо бу кун кечанинг ярмига қадар ишлаётганлигининг асосий сабаби бу ишларнинг куплигидан эмас эди.

Армани ҳарбийлари айна шу саналардан бошлаб яна жиддий тарғибот олиб бориб, хусусан, чегарабуғий ҳудудларида яшаётган аҳолини интенсив шаклда ўққа тутиб, ўлдиради, аҳоли яшаётган масканларни ҳаминча оташ ичида қолдиради.

Сунгра икки кунда сарҳадбуғий кентларда юздан ортик босқинлар қайд этилган, уларга оғир бомбалар отилган. Тинч аҳоли, болалар, хотин ва қариялар асир олинган. Президент босқинчиларнинг ишидан ниҳоятда ларзага келган, бугун дунёни силкитишга қодир бир қарорга келмоқда эди.

Бу қарор неча йиллардир арманиларнинг босқинчилик сиёсатига куз юмган баъзи доираларда, дунёда ҳақ-адолатнинг ғолибидек чиқиш қилган буюк давлатларда жиддий акс-садо туғдиради. Аслида, Президент бу қарорни купдан

буён беришни истайди, ammo мудофаа вазирлигидаги носоғлом вазият ва бошқа салбий ҳолатларга оидинлик киритмагунча бундай ишни қилишга шошилмади.

Бир муддат аввал мудофаа вазирини уз вазифасидан озод этди, бир неча генерални истеъфога чиқарди. Коррупцияга аралашган маъмурларнинг бир қисмини, жумладан, мудофаа соҳасидаги генералларни ишдан узоқлаштирди. Булар оқибатида Президент армияни соғломлаштирди ҳамда халқнинг хусусий рағбатини, ишончини қозонди.

Олий Бош Қўмондон шуни яхши англадики, бу жабҳада қатъий қадам ташламоқ учун армияда харбий-физик вазирлигининг савияси етарли. Бунинг учун аскарларнинг ватанпарварлик туйғуси ва руҳияти юксак бўлиши талаб этилади.

Президентга кўп сонли манбалардан армияда содир бўлган вазиятлар ҳақида аниқ хабарлар келиб турарди. Сўнги икки йилда айтиш мумкинки, ҳар бир иш жиддий шаклда кўрина бошлади. “Бу армия билан биз энди ишғол қилинган ерларимизни озод қила оламиз”, – дея Президент хонада у ёқдан бу ёққа юриб, фикр юритарди.

Марҳум отасининг бир сўзи унинг ёдида бир умрга муҳрланган эди: “Ҳийлагар ва макрли душмандан ғолиб келишни истасанг, муаммони тўғри еч ва қатъият билан ҳаракат қил! Муаммони тўғри ечиш билан ҳар бир қийин ишни ҳал эта оласан, зафар қозона биласан. Ижтимоийликнинг рағбати ҳам, албатта, ғолиблар тарафида бўлади”.

Унинг одати – кабинетда у ёқдан буёққа юриб, муҳим масалалар ҳақида ечим топишни ёқтирарди. Болалигидан буни одат қилганди. Тўғри, Президент бўлиб сайланганидан сўнг бундай қилишга вақти бўлмасди. Кўп сонли қабуллар, сафарлар, учрашувлар, тадбирлар, телефон суҳбатлари унинг кўп вақтини олар, бу сеvimли одатидан маҳрум қиларди. Ҳозир кечанинг ярми бўлишига қарамай Олий Бош Қўмондон юрар ва фикрларди.

Чиқармоқчи бўлган қарорининг натижаси қандай бўлишини ҳисобларди. Бугун саҳардан ушбу мавзуда давлатнинг энг муҳим идоралар амалдорлари, сиёсатчилари, маъмурлари ва ҳарбий раҳбарлари билан кўришди, аммо ҳеч бирига қарор қабул қилишининг асосий мақсади ҳақида нима эканлигини айтмади.

Президент – Олий Бош Қўмондоннинг зиммасида жуда катта вазифалар ва масъулият бор эди. Давлатнинг, миллатнинг бутун оғир юки елкасида эди. Бир тарафдан, армияни юксак кучга эга қилиш, чегара ерларни қуриқлаш, бошқа тарафдан асирларни қайси йўл билан бўлса-да, орқага қайтариш лозим эди. Жамиятда мавжуд бўлган негативларга қарши жанг қилмоқ, постнефт даврининг янги иқтисодий ислоҳотларини ривожлантириш, хорижий илмлар тарафдошлик муносабатларини инкишоф этиш талаб қилинарди.

Ўзи ҳам буларнинг ҳаммасини барабар олиб бориши лозим эди. Тўғри, Президент жамоаси ҳам бунга интилар эди, лекин баъзи соҳалардаги фаолият уни қониқтирмасди. Иш бор жойда муаммо ҳам, ҳис-ҳаяжон ҳам, танқид ҳам, йўқотиш ҳам бўлади... У бир мисолни эслаб кулимсиради: “Дунёда фақат ўликларнигина жиддий муаммоси бўлмайди!”

Президент кейинги икки йилда ўлканинг мудофааси ва армияга боровчиларга алоҳида диққат қаратмоқда. Тушунардики, кучли Озарбайжон учун мутлақ шаклда халқнинг бирлиги, кучли иқтисодиёти ва кучли армияси муҳим. Сўнги даврда бутун соҳалар бўйлаб ишлар яхши кетарди, инсофли мудофаа вазири ҳам кучи борича ҳаракат қилаётганди. У халқнинг миллий армияси билан боғлиқ масалаларни ечиб, ҳарбий қисмлардаги негативликларнинг олдини олар, армиянинг тажрибасини кучайтирарди. Офицерлар ва аскарлар аввалгидек армиядан шикоят қилмасди, армиядаги беқарорлик йўқотилган эди. Энг асосийси, армияда ватанпарварлик ҳис-туйғулари ва соғлом муҳит юксалган эди.

Президентнинг ёдига яна марҳум отасининг бир хикматли фикри тушди: “Ўз армиясини лаёқатли сақлай олмаган давлат, ёт давлатнинг аскарларини етиштиришга мажбурдир”. “Нақадар ибратли, боқий фикрдир”, – деб ўйлади давлат раҳбари.

Бутун негадир Президент ҳарбий кийимда эди... Шу пайтда ёрдамчисининг ички телефондан овози эшитилди:

– Жаноб Президент! Мудофаа вазири қабулхонага келди.  
– Келсин!

Эшик очилди. Ҳарбий кийимдаги мудофаа вазири ичкарига кирди, қўлини ҳарбий папоғига етказиб таъзим қилди. Президент қўл бериб кўришди ва ўтиришга рухсат берди.

– Қани гапирингчи, кўрайлик, вазият қандай ҳолатда? – деб сўради Президент.

Мудофаа вазири ярим кечада Президент қабулига чақирилганлигидан билдики, вазият жиддий. Ўзи ёлғиз кўринса-да, бироз таажжубланди, шу қадар махфийлик?

– Жаноб Олий Бош Қўмондон! – у тарадуд кўрмагани учун иккиланиб жавоб берди. – Билганингиздек, кечадан сарҳадда отишмалар интенсивлашиб бормоқда. Арманилар юқоридан тинч аҳолини, сарҳад ёнидаги кентларни доимий тўпдан ўққа тутмоқдалар. Таптар тарафда бир неча уйга, ҳатто бир оиланинг машинасига бомба тушибди. Бутун оила аъзолари ҳалок бўлибди. Душман бу кетишда жуда авжига чиқаяпти. Жабҳадаги ҳарбий қисмларда ҳам жанг вазияти юзага келган.

Президент оёққа қалқиб турди, вазир ҳам дарҳол ўрнидан туриб, душман ва бизнинг армия тўқнашуви акс этган харита ёнига яқинлашдилар. У харитадаги белгиларга қараб, кўрганларини шарҳлай бошлади:

– Бизга қисқа муддатли, тезликда ҳал этувчи ҳужум лозим, тайёрмисиз?! Бир неча кун ичида неча йиллар давомида сарҳад кентларини ўқ, олов ичида сақлаган душманни таслим қиладиган зарбалар керак! Яъни жиддий суръатда ва ҳал қилувчи зарба... Буни қила оламизми?!

Мудофаа вазири Президентнинг айтганларини яна ҳам аниқлаштиришни истади:

– Жаноб Олий Бош Қумондон! Армиямиз бугун жабҳа буйлаб ҳужум қилишга тайёр, ҳатто лозим бўлса, Нахчивон тарафдан иккинчи жабҳани ҳам оча оламиз. Бир неча соат ичида тез ва ҳал қилувчи ҳужумни қила оламиз.

Президент давом қилди:

– Биласизки, неча йиллардан буён дунё ҳамжамияти бизнинг аҳолининг Қорабоғда ва ишғол қилинган бошқа жойлардаги ҳақли акс-садосини на куришни, на эшитишни хоҳлайди. Энди биз бутун жабҳа буйи ҳужумга ўтсак, дарҳол бутун дунёни бизга қарши қўядилар. Бизнинг мустақил сиёсат юритишимиз эса баъзи давлатларнинг бўғзида суякдек тиқилиб қолади. Бизни ҳазм қила олмайдилар, – Президент қўлидаги ёғоч курсаткичини аввал жануб, сўнг эса шимол йўналишига тутди, – бизга энди Лолатепа, Тештар йўналишидаги Талиш юксакликларини қисқа муддатда, бир ҳамла билан қўлга киритиб, тинч аҳолини олов ичида сақлаган душман мавзеларини яксон этишимиз лозим. Биз душманнинг оғзини ёпиб қўйишимиз керак. Ўзи жуда қисқа вақт ичида ва мумкин қадар кам талафот билан, тушундиргимиз, генерал?!

Бу бошқа саволга урин йўқ дегани, Олий Бош Қумондоннинг амри эди. Мудофаа вазири хотиржам жавоб берди:

– Бажарилади, жаноб Олий Бош Қумондон! – Вазир яна бир нарсани сурашга рухсат суради. Президент давом қилиши учун ишора этди.

– Аммо жаноб Олий Бош Қумондон, ҳарб иши тарихида ҳамиша ҳужум қилиб, юксакликни олишни истаган тараф мудофаада бўлган тарафдан қатор-қатор талафот куради.

Президент унинг фикрига қўшилмади:

– Буни мен ҳам биламан, жаноб генерал! Бизнинг миллий армиямизнинг ҳарб иши тарихида яна бир шонли саҳифа ёзилади. Йўқотишларимиз душмандан оз бўлиши керак!

Биламизки, махсус ҳарбий қисмларимиз ва самолётларимиз доимо чегара қўшинларида бўлган аскарларимизга бу вазифани жойига қўйиб етказа оладими? Фикримни аниқ тушундингизми?

Генерал яна хотиржамлик сезди:

– Офарин, жаноб Олий Бош Қумондон!

– Ана бўлмаса, жуда яхши!

Президент креслосига жойлашди ва столнинг устидаги конвертни вазирга узатди.

– Дунё ухлаганда миллий армиямиз ишласин, генерал!

... Конвертда эса апрельнинг 1 куни ва 23.59 рақами ёзилган эди.

2011 йил.

### Олдинги бўлинма

Ҳаво булутли бўлганлигидан атроф бир оз қоронғудек кўринар, кўз-кўзни кўрмас эди. Куланка қоронғуликдан кўрқади. Баъзи кечаларда эса куланкалар бўлмайди.

Уч зобит олдинги бўлинма зонасидан ўтиб, дарадан машғала билан ўтдилар. Ой ҳам уларнинг кўринмасликлари учун булутларнинг орқасига яширинди.

Уч кундирки, Мурод, Нотиқ ва Панжали фақат кечалари илгарилар, кундузлари эса табиат билан уйғунлашган камфуляжда пана жойларда ўтирарди. Улар қисм командиридан душманнинг махсус вазифадаги ҳарбий бўлинмасининг қандай ҳолатда жойлашганини аниқ ўрганиш учун хусусий топшириқ олган.

Командир Муродга бу топшириқни берганда, ўзи ҳам ҳеч нимани, нега бу вазифани бажараётганлигини билмасди. Чунки душманнинг ҳарбий хиссасини бутунлай билиш учун ҳарбий қисмнинг ичига кириш лозим, аммо нима учун? Ҳеч ким билмас эди.

Командир Муроддан у ердагилар ҳақида ҳаммасини сураб билди:

– Тушуниш, фикрларни билдириш учун бир кун етарлими?

Мурод хотиржам туриб жавоб берди:

– Хўп бўлади жаноб командир, ортиқчаси билан кифоя қилади.

Эртаси кун тонг отар-отмас Мурод командирининг ёнида эди. Кечаси билан ухламагани билиниб турарди. Ҳатто командирини ҳам бу ҳолда кўриб эҳтиётлик билан сўради:

– Тонгни ухламай кутиб олдим дедингми? Ҳеч ётганга ухшамайсан. Келишингдан шундай маъно чиқадики, қизиқарли жиддий бир нарсани фикрлабсан. Кел ўтир, айтиб бер-чи?

Мурод унга яқин стулга ўтирди. Уйланган ҳолда командирининг тикилган кўзларига қараб, гап бошлади:

– Жаноб командир, фикрларим ғалати бўлиб туюлиши мумкин, аммо истасак ҳаётда бошимиздан ўтказишимиз, синаб кўришимиз мумкин.

Командир сабрсиз бўла бошлади:

– Мурод, оғзингдаги луқмани чиқар, нима демоқчисан, шуни айт, – Бу унга ишора эди, Мурод Туркияда Олий ҳарбий кўшинлар мактабини имтиёзли битирганди. – Гапингнинг индаллосини айт.

Мурод командирининг сабрсизлигини тушунди, чунки унинг олдига қатъий топшириқ қўйилган эди.

– Командир, тушунаман, у ҳарбий бўлинманинг ичига киришнинг бошқа имкони ҳам бор. Бунинг учун экс-кашфиётнинг маълумотларидан фойдаланиш мумкин.

Командир қизиқсиниб қаради ва сўради:

– Экс-кашфиётнинг бу масалага нима даҳли бор? Ана биларсан, –бармоғини юқори кутарди, – уларнинг ижозати бўлмагандан кейин бизга маълумот берадими?

Мурод енгларини қайирди:

– Биламан командир, аммо сиз юқорини ишонтирмагансиз. Акс ҳолда биз ҳужум қилсак, уларнинг олтини устида юрамиз.



– Яхши, сен буни ўрган, кейин яна кўрамиз.

Мурод фикрларини бўлишар экан, командир баъзан рози булар, баъзан эса тузатишлар киритар эди.

... Орага сукут чўкди, фақат ҳарбий бўлинманинг ҳаётида таълим олган аскарларнинг овози келар эди. Ниҳоят командир деди:

– Мурод, берган таклифинг, тўғриси, жуда ғалати, аммо бажарса бўлади, – аввал секин ва ниҳоят жилмайиб овозини чиқарди. – “Овчи”ни арманилар ғор жойда қидирадилар. Сен ўзинг биргина уларнинг ичига кирасан, бареф (азизим маъносида), мен ҳам “Овчи”ман, ўз оёғим билан келдим деб айтасан. Агарда улар сенга ташланса, биласанми, сени нима кутади?..

Командир алланимани ҳис қилдики, бу сузлардан вужуди ловуллаб ёнди. “Овчи” ниқоби билан иш бошлаш унга далда берди:

– Командир, сен юқоридагиларни рози қил. Мен фош бўлсам, ўзим – ўз бошимга уқни отаман. Уларнинг қўлига соғ ҳолда тушмайман.

Командир бир дақиқа уйлаб, ниҳоят қарорини унга айтди:

– Яхши, қўшиламан. Амалиётга неча нафар шериклар олиб бормоқчисан ва кимларни? Тушунаман, бу ишда душман орқасида бўлган пайтларда, энг асосийси, ишга арман тилини яхши билганлар керак.

Мурод тушунмасдан жавоб берди:

– Жаноб командир, бу ишда кўпчилик бўлсак, душманимизни шубҳалантириб қўяди. Қанча кам бўлсак, шунча яхши.

Командир яна сабрсизлик қилди.

– Оз деганинг қанча? – саволини бир оз асабийлашиб берди.

– Ўзимдан бошқа яна икки нафар, – “Овчи” қатъийлик билан жавоб берди.

– Кимлар?

– Кичик офицерлар Нотиқ ва Панжали. Бири шофёрим булади, бири эса шахсий ёрдамчим...

...Арманиларнинг ҳарбий бўлинмасидан беш километр нарида майсанинг ичида уч нафар пистирмачи кутиб туришар эди. Экс-кашфиёт хабар бердики, Еревандан бу ҳарбий бўлинмага назоратчилар келади. Маълумки, арманиларнинг бош қароргоҳидан келган инспектор ўзига жуда бино қўйган бўлиб, ҳеч ким билан ҳисоблашмайди. “Овчи”га келганнинг кимлиги маълум эди. Унинг атрофида кимлар бор, кимларга ишлайди. Ҳаммасини бирма-бир ўрганди. Ҳатто болаларининг нечталигини, уларнинг номини ҳам биларди. Бир сўз билан айтганда, у бу амалиётга яхши тайёрланди.

Излаган жойидан фақат бир йўл қолди, холос. Унг ва чап томон ҳам тоғ ва дарахтлар оралиғида. Бу пистирма учун энг ноқулай жой эди. Армани инспектори бу йўлдан албатта ўтишини билади. Улар яшириниб, пистирмада ётишди. Бир кун кутдилар, келиш-кетиш йўқ. Кашфиёт хабар беришича, бу йўлдан ҳафтада бир марта фойдаланар экан. Улар, ҳатто, овқат олиб келиш машинасининг жадвалини ҳам биларди.

Бахтларига май ойи эди. Дарахлар эндигина куртак очиб, ўт-ўланлар ям-яшил бош чиқарган. Ҳаво ҳам асл баҳор ҳавосидай. У ерларда ўчоқ қалаш, сигарет чекиш, ҳаттоки йўталиш ҳам мумкин эмас.

Кашфиётда бу ишлар ман қилинган эди. Ҳар уччалови тупроққа бир ахволда қоришиб ётарди. Уларни тупроқнинг қахвага ўхшаган буз рангидан ажратиш бўлмас эди. Бир-бирларини фақатгина нафас олишларидан биларди.

Мурод бирдан Нотиқдан пичирлаб сўради:

– Аскар, ҳеч бўлмаганда янги туғилган болангни қурганмисан? Эҳтиёжимиз бўлмаса, сени дам олишга юборардик. Менга бундай қарама, кўриб турибман. Сен боланг, хотинингнинг ёнида бўлиш ўрнига, бу ерда – тоғларда, душман ичидасан.

Нотик ҳам худди шундай пичирлаб жавоб берди:

– Командир, оила аъзоларимни жуда кўришни истайман, аммо сизнинг бундай оҳангда гапиришингиз менга оғир ботмоқда... Шерикларим ҳаммаси бу ерда бўлса, мен Бокуда қандай юраман? Бошқа иложим йўқ эди. Бу амалиётда, иншааллаҳ, ютуқларга эришамиз, кейин эса маҳзунликдан чикаман...

Узоқдан эшитилган машина моторининг овози Нотикнинг сўзини чала қолдирди. Панжали “тс...тс...тс...” дея пичирлади:

– Жим бўл, келаяпти.

Мурод қатъий овозда буюрди:

– Ёдингизда бўлсин, ўт очиб бўлмайди, фақат пичоқлар билан ишлаймиз. Нотик, сен йўлнинг нариги тарафига ўт, у ердагилар сеники.

Унчалик катта бўлмаган дарахтнинг тагидан кесди, аммо шохларини ажратмадилар. Озроқ ҳаракат билан дарахт йўлнинг ўртасига қулади.

Бир оздан сўнг Арманистон номеридаги “Жиг” машинаси кўринди. Йўлнинг ўртасида дарахтнинг йиқилганини кўрган ҳайдовчи машинани тўхтатди. Аввалига сержант машинадан тушди.

Дарахтга яқинлашиб, уни бир неча маротаба тепади. Дарахтни йўлнинг ўртасидан олиб ташлашга уриниб кўрди, кучи етмагани учун иложсиз нарида турган прапорщик арманини ҳам чақирди:

– Кел, ёрдам бер, битта одамнинг иши эмас экан.

Прапорщик машинадан тушиб, ҳайдовчига яқинлашди. Бир неча марта куч бериб дарахтни суришга ҳаракат қилдилар, аммо натижа чикмади. Утирилиб, машинанинг орқа ўриндиғида хаёлга чўмиб ўтирган майорга мўлтираб-мўлтираб қарадилар.

Зобит тушунди, уни ҳам ёрдамга чақирмоқда. Сукина-сукина машинадан тушди. Кителини ечиб, ўриндиққа отди.

...Ҳаводан учган икки пичоқ сержант ва прапорщикнинг тўғри юрагига қадалди. “Овчи” эса мушукдек сапчиб,

кўз очиб юмгунча майорнинг орқасида пайдо бўлди, бир кўли билан бошидан босиб, иккинчиси билан шонасини пастга букди...

Ҳар учови суришиб машинани панароққа олиб ўтдилар, сўнгра йўлнинг ўртасидан дарахтни олиб ташлашди. Ўзлари эса олиб келган ҳарбий кийимларини тезда кийдилар.

Улар ҳар бир ишни шу қадар тезлик билан бажарар эдики, бу ишларни куп марта такрорлаганликлари сезилиб турарди. Ҳамма иш тайёр, “Овчи” майорнинг планшетини текширди ҳамда уралган мактубни пичоғининг учи билан эҳтиётлаб очди.

Мактубни ўқиди, расмини олиб Марказга хабарни юборди. Бир оздан сўнг мактубни худди очилмагандек қилиб, аввалги ҳолатига келтирди. Дарахтзорлар ичига кириб, майорнинг телефони бошқа бир жойга, телефон сим картасини ҳам яшириб қўйди.

Аскарлар ҳам ўз ишларини бажардилар. Улар ўзларининг Озарбайжонча ҳарбий кийимларини яшириб қўйдилар. Бу – ҳамма ишларни бажариш учун ўн беш дақиқа вақт сарфланди.

Ҳамма нарса тайёр эди. Мурод “Жип”га жойлашиб, арманича гапирди:

– Ҳа, тайёрмисиз? – аскарларининг иккови ҳам бошларини ҳа дегандек қимирлатди. – Энди қолган ишга кетдик.

Йигирма дақиқа вақт ўтмасидан, “Жип” махфий ҳарбий бўлинмага етиб келди. Киришда шлагбаум қўйилган эди. Машина кузатувчи томон юрди. Кузатувчидан хабардорлик билдирилганидан кейин, Арманистон номерини кўриши биланоқ телефонда хабарни беришди. Сўнг махфий қарши гуруҳ аъзолари келдилар. Шлагбаум очилиб, “Жип” турган жойидан жилди.

“Овчи”нинг ёнида яширин кичик камера анчадан буён ишларди. Ҳарбий бўлинма бир қаватли бараклардан иборат эди. Қурол-аслаҳалар омборларда йиғиб қўйилганди. Билинардики, арманилар бу ерларда орқаваротдан хотиржам юриб, ўзларини таҳликасиз ҳис қиларди.

Учовлон биринчи ишни ҳарбий бўлинма командирининг ҳамроҳлигида, ҳарбий қисми айланиб чиқишдан бошлади. Ҳамма ерларни бирма-бир куздан кечиришди. Кейин муҳим ҳужжатлар билан ҳам танишиш учун қароргоҳга келишди. Нотиқни дам олиш хонасида қолдириб, иккаласи ҳужжатларни яна бир бор куздан кечиришди. Мурод ушбу ҳарбий қисмда қанчалик озиқ-овқат захираси борлигини командирнинг ёдига солди.

Агрофтуларманилар. Командирнинг эсақониқайнардн. Захирадаги озиқ-овқат камлиги тўғрисидаги ҳужжатлар Ереванда ўртага чиқса, ҳаётига нуқта қўйилишини биларди. Бироқ кўнглида хотиржамлик ҳукм сурар эди. Бу қадар кўп нарсани бир ўзи емаган эди-ку? Ҳамманинг ҳақини берган. Асосийси командир ҳам билади, Арманистонда сиёсий таркиб каби ҳарбий соҳада ҳам коррупция авжида ва порахўрлик гирдобига тушган.

Тўғриси, у “инспектор”га пора беришни истаса-да, Мурод ҳеч ким шубҳаланмасин дея шу порани олишни ўйлади. Аммо “Овчи” ўзини пойтахт маъмуридек тутишни, ҳар нарсага юқоридан пастга қарашини режалаштирар эди-ю, бироқ бу ишни қилишдан ўзини тутиб турди. У “ақлдан устун булар” деган нақлни ёдга олиб, генералига кўнгирак қилиш ҳақида ўйларди. Мурод кабинетда ёлғиз қолиб, ниҳоят алоқага чиқди.

Алоқа телефонидан генералининг номерини терди. Телефоннинг у ёғидан хириллаган овоз келди:

– Алло!

Бу овозни эпитган армани командири ўзини йиғиштириб олиб у билан саломлашди:

– Салом, жаноб генерал! Яхшимисиз?

Хириллаган овоз жавоб берди:

– Соғ бул, Армен Авакович! Ҳарбий қисмда вазият қандай?

Командир арзу ҳолини баён килди:

– Соғ-омон бўлинг, жаноб генерал! Соянгиздан ёмонлик келмайди, – аммо бир қадар гутилиб, сўнг қатъият билан қўшимча қилди:

– Аммо юқоридан Клавка исмли инспектор келган, ҳар бир ҳужжатни битталаб, жиддий урганияпти. Ҳужжатлар билан қилинган ишларни бирма-бир солиштиряпти. Қайдларни кўриб, уз фикрини билдириб, баённомалар ёзаяпти. Нима қилай?

Генералнинг телефондан томоғини қиргани эшитилди, озгина вақт ўтгач, сўнг сузлади:

– Ҳа, Клавкани сизнинг қисмингизга инспектор қилиб юборилганлигидан хабарим бор. У ҳақида маълумотларни тўплайман. Айтишларича, жуда шарттаки ва қайсар одам. Туғилган жойи Ингилтередир. Саксонинчи йилларининг охирида Арманистонга келган. – генерал суҳбатнинг ичида савол берди.

– Билишимча, сен инглиз тилини яхши биласан. У билан инглизча мулоқот қилиб кўр. Одатда, бундай одамларга бошқа тилда, унга хос бўлган тилда гаплашиш керак.

Сўнгра яна бир савол берди.

– Озиқ-овқат етарлими?

– Сизга юборганимдан ўттиз марта ортиқ.

Телефондан узун бир ҳуштак овози келди:

– Кўп деб айт, бажармаган бўлсангда... Ҳали мен айтмадим, аскарларининг ярми Россияда, Украинада, яна билмайман бошқа улкалардан ҳам сотиб олинади, усталик билан сенинг ҳаққингни ҳам ай баай юборадилар. Ай сени, Армен Авакович!

Армен Авакович арманча ҳаёсизлигини билдирди:

– Нима қилай, жаноб генерал? Сиздан бошқа Ереванда неча генералга едирганман.

Генерал унга бақирди:

– Яхши, яхши! У билан гаплашганда эътиборли бул. Гаранг булма, ёдиндан чиқармагин, шу пайтга қадар бундай яшашинг учун мендан миннатдор бул. Буни ҳеч қачон унутма.

Командир генерал телефонда унга нималарни уқдирганини эшитар, аммо бу нарсаларнинг ҳаммасини идрок этолмасди.

– Ҳеч қачон унутмайман, жаноб генерал? – Командирнинг талвасада бугзидан тупук сачради, кучини йиғиб тилга кирди, – нима қилиш керак, сиз айтинг, мен бошим ва жоним билан жойига қўяман...

Қатъий топшириқ берди:

– Сен буни бажар, Армен Авакович! Мен биламан, сенинг олдиндаги омборда янги Жип «Volkswagen» бор. Уни майорга ҳада қил! – Телефоннинг эшитувчи тарафи сукут сақларди. Генерал бир-икки марта “алло”, “алло” деди.

– Эшитяпсанми мени?

Командир довдираб-довдираб жавоб берди:

– Эшитдим, жаноб генерал! Албатта, албатта. Бош устига.

Бир оз ўйланиб савол берди.

– Жаноб генерал, бундай қимматбаҳо ҳадяни қабул қилмаса, нима қиламан?

Генерал бироз фикрларини жамлаб олгач, сўнг деди:

– Ҳамиша синалган усуддан фойдаланинг. Яхши еб-ичинг, дам олинг, кейин мақсадингизни айтинг. Сенга гузал армани қиз бераман, деб айт. Шу пайтда уни таслим қиларсан.

– Сизни тушундим, жаноб генерал, ҳаракат қилиб кураман ва бу муаммони тез кунда ҳал қиламан.

Энди командирнинг куз унгида ҳар бир нарса ойдинлашди. Инспекторни қўлга олиши ёки орадан олиб ташлашни уддалаши керак...

Оқшомга яқин армани командири шоҳона йиғин ташкил қилди. Нотиқ ва Панжали дам олиш хонасида апил-тапил овқатларини еб бўлди. Ҳар бир нарсага диққат қиларди. “Овчи”га эса деворнинг нариги тарафида зиёфат берилди.

Хуллас калом, улар ҳарбий қисмда эмас, гуё ресторанда ўтиргандек эдилар. Ҳар бир нарса юлдузли ресторанлар савиясида эди. Йиғин секин-секин қизигандан қизиб борарди.

Командирнинг муовинлари тут ароғидан ичиб сармаст бўлдилар. Маст бўлиб ичсаларда яқинига бора олмаётганлар фақат командир ва “Овчи” эди. Улар ароқ эмас, гүё сув ичардилар. Ҳар иккови энг кучли мутахассис кашфиётчи эди.

Командир ўрнидан турди. Тут ароғини қуйиб, стаканни қолдириб, ўзини маст кишидек курсатиб гап бошлади:

– Жаноблар, бу қадаҳни инспектор дўстимиз, ҳурматли майорнинг ҳурмати, шарафи учун ичамиз. Биз бу ерларда қандай азият чексак ҳам, бизни қўллаб-қувватлаган сизларсиз. Яшасин дунё арманилари! Маҳв бўлсин, турклар!

Сўнг инглизча Муродга мурожаат қилди.

– Ара, орамиздаги дўстлигимиз шарафига шунини истайманки, сизга яхши бир ҳадя берсам. Нима дейсиз?

Турклар ҳақидаги айтган гаплари учун командирни жаҳаннамга юборишдан ўзини сақлаб турган Мурод соф инглиз тилида жавоб берди:

– Қандай ҳадя? – Гүё сархуш кўзларини сузди. – Мен бу ерга текпирувга, йўқламага келганман. Йўқ, бўлмайди. Мен ҳадяга – ниманидир алмаштирмайман.

Командир оёққа турди, келиб уни қучоқлаб ўпди. Яна инглизча гапиришда давом этди:

– Ара, кел кетамиз, сенга кўрсатдим. Бу шундай ҳадяки, ундан воз кечиш мумкин эмас. Жайрондир, жайрон. – Утирганларга эса амр қилди.

– Сизлар давом этинг, биз бир оздан кейин келамиз.

Йўқлама вақтида Муродга бу омборни кўрсатмаган эди. У тепага юрганда командир эшик оғзига суянган аскарга буюрди:

– Эшикларни оч!

Лойли эшикларнинг бир табақаси очилди. Чироклар ёнди. Ўртада икки машина турарди. У машиналардан бирининг устига ёпилган брезентни олиб, ерга ташлади:

– Бу сенинг совғанг! Яп-янги “Volkswagen”! Қандай?

“Овчи” машинанинг ёнига яқинлашди. Ўзини атайин



машинага ҳайрон булгандек қилиб курсатди, аммо қатъий эътироз билдирди:

– Йўқ, мен бу машинани ололмайман. Ҳаддан ортиқ қиммат совға. Ереван кичик шаҳар, буни қаердан олдинг деб сўрасалар нима дейман?

Командир унга яқинлашиб, сўхбатини инглиз тилида давом қилди:

– Ара, Ингилтередан қариндошларим юборибтилар дейсан, бу ерда нима бор узи?

“Овчи” кулимсираб, яна эътироз қилди:

– Йўқ, Ара, сен бу масалада ҳеч ҳам юзингни бурма.

Командир бу эътироздан юрагида севинди. Бу сафар арманича сўзлади:

– Йўқ...йўқ, йўқ, жуда яхши. Кел, кетамиз, ароғимизни уриб ичамиз.

Улар янгидан меҳмонлар хонаси томон юрдилар. Йўлда командир тушунди: “Унингча, биринчи режа ишга тушган. Биринчи натижа, у биратула машинадан воз кечди, демак, охири қуринмоқда”.

Яна узини мастликка солиб суради:

– Ара, маишатга хоҳишинг қандай?

Мурод атрофга кўз югуртириб, кулимсираб сўради:

– Шу тоғу дарада, шу овлоқ жойларда маишат қандай қилиб ёдинга тушди? Бу ерга келаётганимда йўл бўйи утгиз километрлик масофа оралиғида на бир таниш-билишга кўзим тушди, на бир аёлга. Хотинни қаердан топасан?

Мурод гаажжуб билан суради:

– Яна бирданига Бокудан армани келини? Бу ерга?

Командир эса ўз майлича давом қилди:

– Бу ерга нега? Турклар булган тарафда, исмини узгартирган, биз билишимизча, у асил армани.

Армани биларди, “майор”ни у тарафга ёрдамчиларсиз юбориб булмайди. Уларнинг учовининг ҳам оёғи етиши лозим. “Инспектор” жабҳа чегарасини бир ўзи айланса, амалиётнинг ҳеч бир фойдаси булмайди.

Шу сабабли гапирди:

– Агар менга ишонмасанг, сен билан келганларни ҳам узинг билан олиб боришинг мумкин. Қўй, кўрсин, қандай ишляяпмиз.

Мурод уйлади: “Истагим бор эди, узинг еткиздинг, Парвардигорим”. Жанг чегарасини ҳам қийналмай кечиб ўтиб, бу орада уларнинг жосус итини ҳам фош этаман.

Командир қўлини унинг елкасига урди:

– Ара, кўп уйлаб ўтирма, Бокута кўнғироқ қилдим. Армани келини панада сизни кутиб турибди. У ерда ҳам уз одамларимиз бор.

“Овчи” фақат бир жумла дейиш билан кифояланди:

– Яхши, бўла қолсин, экстремал шароит менга ёқади...

## XVIII аср Нодир шоҳнинг ўрдаси

Муродхон Нодир шоҳнинг чодирда юқорида турган кўриқчига айтдики, келганини шоҳга хабар берсин. Кўриқчи ичкарига кириб, бироз қолиб кетди. Қайтгач, бош эгиб деди:

– Муродхон, Нодир шоҳ сени кутяпти.

Муродхон ичкари кириб бош эгди:

– Шоҳимизнинг умрлари узун бўлсин!

Шоҳ тахтида утирмаган эди. Ерга ёзилган гузал Табриз гиламининг устида ёнбошлаб, тасбеҳ утириб утирарди, аммо билиниб турарди, унинг хаёллари узоқ-узоқларда эди. Муродхон сукут сақлаб турарди. Шоҳнинг ўзи ундан савол сўрашини кутарди.

Бир оз вақтдан сўнг Нодир шоҳ гап бошлади:

– Қандай хабар келтирдинг, Муродхон?

Муродхон қўлларини куксига қўйиб, суз бошлади:

– Шоҳим, Абдуллоҳ Подшони Қарс қалъасидан чиқариб, очиқ жанг қила олмаяпмиз. Тулки каби ҳийлагар. Кучларимизнинг асосий қисмини яширсак ҳам, қалъадан канора оёғини бир одим ҳам олмайди. Бугун бир неча кундирки,

аммо ҳеч важ сезганимиз йўқ. Куриниб турибди, озиқ-овқатлари етарли даражада.

Нодир шоҳ келиб, тахтга ўтирди:

– Бошқа чорамиз қолмади, Муродхон. Эрталаб тезлик билан қалъага ҳужум қиламиз. Боринг, тайёрланинг. Яна нимадир борми?

– Ҳа шоҳим, қарасам, арманининг ҳийлакор католиги қабулингизга келибди. Омонлик кунидир, шоҳим улардан узоқ юриш керак. Фуқароларимиз булсалар ҳам бизга ҳеч қачон ёрдам қилмайди.

Шоҳ кулимсиради:

– Бир ҳолдадирки, ўз оёғи билан келибти, чақир кирсин. Қурайликчи, нимани хириллайди. Менинг истагим шуки, бу суҳбатда сен ҳам иштирок этсанг.

Муродхон довулни икки маротаба чалди. Қуриқчи ичкари кирди ва унга армани каталикос Раикига ичкарига киришга рухсат бўлганлигини айтиш буюрилди.

Бир оздан сўнг Раики бир неча нафар армани кизлари билан ичкарига кирди ва ҳаммалари шоҳга бош эгишди.

Нодир шоҳ карагин қизларини кўриб, узини кулиб юборишдан зурға тутиб турди ва мулойимлик билан сўрашди.

– Эй қорапапоқ, –шоҳ унинг бошидаги папоғига ишора қилди, – бу қизлардан қайси бирини ўз ўрнингга карагин қилиб тайёрлаяпсан? Менимча, сизнинг динингизда аёлларнинг карагин бўлиши мумкин эмас, шундайми? Ахир...

Каталикос бу сўзлардан заррача ҳам тутилмади, балки узини йўқотиб ҳам қўймади. Ҳийла билан кулимсираб жавоб берди:

Карагиннинг ялтоқ хушомадгўйлигини Нодир шоҳ биларди, усталиги, ғайратсизлиги шоҳни аччиқлантирди, асабий тарзда деди:

– Менинг жорияларга эҳтиёжим йўқдир! Менинг аскарларга эҳтиёжим бор. Қўшинимда гуржилар, курдлар,

афғонлар, бугун қизилбош тоифалар бор, аммо бир нафар ҳам армани йўқдир. Агарда арманилардан одам топилмаса?

– Амр этинг.

– Чиқаринг, қизларни бу ердан, агар бор бўлса, эркак кишини келтиринг!

Каталикос қули билан қизларининг чиқиб кетишига имо-ишора қилди ва келишининг асл сабабини очиқ айтишга утди:

– Шоҳ ҳазратлари, биз арманилар ҳамиша сиз туркларга тобе бўлиб келганмиз. Бундан кейин ҳам шундай яшашни истаймиз! Биз сиз эркакларнинг қудрагига сиғинамиз, сизни эрларингизнинг ҳам бизга муносабаги яхши. Уларнинг ҳарамларида армани авлодлари, саройларингизда армани жориялари хушбахтдир. Аммо бизнинг, Озарбайжонда яшаган баъзи христианларнинг мушкулумиз бор.

Шоҳ арманининг суйкалишидан асабийлашди, қули билан хато қилмаслиги учун унинг тез чиқиб кетишини хоҳлади.

– Нима мушкулунгиз бор, айтинг!

– Шоҳим, Озарбайжонда бир-бирига тобе бўлмаган уч христиан тариқати мавжуд. Булардан бири биз бўлсак, бошқаси гуржилар, яна бири эса албанлар.

– Нима бўлибди? – шоҳ жавоб берди. – Бизни ҳолимизга қаранг, қанча тариқатлар бор, аммо ҳеч бири исломдан тонмас. Мақсадингиз нима узи?

Карагин аччиқланган бўлса ҳам жилмайган ҳолда:

– Мақсадимиз шуки, бу ерларда бутун христианларни бир чодирда бирлаштириб, шоҳ ҳазратларига жуда яхши хизмат қилсак. – Каталикос туркчада жуда яхши гапирарди ва фикрларини ниҳоятда туғри ифода қиларди.

– Шоҳ ҳазратлари, армани халқининг бунинг учун Сиздан бир кичик илтимоси бор.

– Марҳамат, гапиринг ҳурматли карагин, – Нодир шоҳнинг овозида истехзо сезиларди.

Каталикос яна оғиз жуфтлади:

– Бизнинг ушбу хоҳишимизни ўз жойига етказиш Сиз учун элни ёллашдек бир ишдир ҳамда бу Сизнинг динингизга ҳеч қандай зарар келтирмайди.

Арманининг сўзини чузишдан мақсади бор эди.

Шоҳ асабларини жиловлади:

– Ҳурматли каталикос, марҳамат, хоҳиш-истагингизни айтинг!

Карагин яхши тунгунди, шохнинг асабий булганини билиб, сўз бошлади:

– Истагим деганда, муҳим бир истагим йуқ. Аммо биламанки, Сизнингдек қудратли шох ҳазратлари учун бу орзуни рўёбга чиқариш ҳеч ҳам қийинчилик туғдирмайди. Сиз агар бир фармон берсангиз, Озарбайжонда бутун албан черковларини бизга тобе этсангиз ва бизга ҳам шох ҳазратлари ижозат берсалар, Озарбайжонга, асосан, Қорабоғга бир неча армани оиласини кучирсак, бу сизнинг бизга кўрсатган буюк ғамхўрлигингиз бўларди.

Каталикос гапирганда Муродхон унга таассуб билан қараб турарди, бу истакни билдираётган арманиларга унинг нима нафъи, фойдаси борлигини англай олмас эди.

Нодир шох ҳам кўз остидан Муродхонга қаради. Унинг юзидаги ҳайронлик аломатини ҳис қилиб, деди:

– Истардимки, бу борада Муродхон унга ўз сўзини айтсин. Ахир сен аслида уша тарафлардансан, яъни Озарбайжондансан.

Муродхон қатъий тарзда қўшимча қилди. Дарҳол сўради:

– Шоҳим, Озарбайжондаги албан килса (ибодатхона) ларида ибодат қилган инсонларнинг кўпи христиан турклардир. Уларнинг тақдири нима бўлади? Улар ҳам ўз ибодатхоналарини арманилардан паст кўрмайдиларми?

Карагин тезда тушунди:

– Шусиз ҳам биз дуоларимизнинг аксариятини лотин тилида айтамыз. Улар ҳам, биз ҳам айна бир хилда дуо ўқиймиз. Килса қоидаларига риоя қилинишича, агар шох

ҳазратлари бу ишга ижозат берсалар, биз уларга армани тилида топшириқлар ёзиб юборар эдик. Мен шунинг учун ҳам айтаманки, бу килсаларга хизмат қилиш учун Озарбайжонга бир неча армани оиласини жойлаштириб, яшашига рухсат берсангиз, яхши бўларди.

Муродхон суради:

– Беш гуржи килсаларини нима қиламиз, уларни ҳам сизнинг бошқарувингизга берайликми?

Армани истехзони дарров англади-да, тезда жавоб бермади:

– Шоҳ ҳазратлари билан бу бир маслаҳатдир.

Бу сафар суҳбатга Нодир шоҳ аралашди:

– Сен, бу савдодан воз кеч, хурматли қарагин. – У “хурмагли” сузини яна бир бор алоҳида таъкидлаб, урғу бериб айтди. – Аммо қўл остимда яшаётган бошқа динларга хурмат аломати сифатида сизга ҳадялар бераман.

Шоҳ жавоб кутмасдан қулини бир-бирига уриб қарсақ чалди. Навкарлар мухталиф совғалар билан ичкарига кирдилар. Чунки ҳузурига келган меҳмонларнинг аксариятига Нодир шоҳ совға улашишни севарди. Армани уз хоҳиши муқобилида бу қадар совға олса ҳам хурсанд эмас эди. Кетаркан:

– Бешта жорияни нима қилайлик? – деб суради. – Балки аскарлар учун...

Нодир шоҳнинг аччиғи чиқиб, унинг гапини булиб таъналади:

– Уларни қайтариб олиб кетинг, ҳозир жорияларнинг вақти эмас.

2011 йил.

Жанг майдонида

... Мурод чегара қисмининг бу тарафида, яъни ўзиникиларининг ёнига яширинча келиб кетарди. Бундай шароитдан қачон қутулишига унинг ҳеч ақли етмасди.

Аmmo мажбуp эди.

Уларни армани ҳарбий қисми кашфиёт командирининг муовини, капитан рутбали бир зобит кузатиб борарди. “Овчи” шерикларига ундан куз-қулоқ бўлинглар деб жиддий ҳолда топшириқ берди. Ҳар вақтда тарғибот бўлиши мумкин. Ёки бизникилар, ёки арманилар орқадан отишни бошлайди.. Тун қоронғулигидан ким келаётганлигини билиб бўлмасди, тарғиботчими, кашфиётчими, душманми? Буларни аниқлаштириб олганларига қадар ҳаммасини кунфаякун қиладилар. Узларининг кийимлари ҳам армани ҳарбий кийимида.

У бу ерларда кўп бўлган. Чегара қисмининг бу тараф – у тарафига кўп келиб кетган. Аммо бу сафар чегаранинг бу ҳудудидан биринчи бор ўтиши эди. У тушунди: “Демак, армани кашфиётчиларининг бизнинг тарафга кечиб ўтадиган бир неча жойлари бор. Айтаман-ку ахир, баъзан душман кашфиётчилари билан жангда ўлган, йуқолганлар ҳам буларди. Бу ерларни бир текшириб кўриш шу пайтгача нега хаёлимга келмади экан”.

Узоқдан, Озарбайжон томондаги кентнинг хира-шира ёнган чироқлари кўринди. Одатда, кечаси жанг бўладиган қишлоқларнинг аҳолиси уйлариининг чироқларини ўчириб қўярди, чунки арманилар уларга бомба ташлашлари мумкин эди..

Аввалига армани, унинг орқасидан яна уч нафари жангтоҳ чегарасидан ўтди. Мурод бу ерларни билмайдиган, гўёки уни деб йўл кўрсатаётган капитанга гина ҳам қилди:

– Шунча йўлни пойу пиёда босиб ўтишимиз кераклигини билсам эди, ҳеч розилик бермасдим. Ҳали яна кўп йўл юрамизми? Белим оғриди.

Армани капитанга пичирлаб жавоб берди:

– Ара, чарчама, жуда кам қолди. Бир оздан кийин кайфу сафо қиласан, умринг бўйи буни ёдингдан чиқармайсан. Белингнинг ҳам оғриғи қолади, – хийлагар ифода билан сўз отди. – Улишингга қадар бугуннинг кайфи димоғингда қолади.

“Овчи” юрагида “сен ўзинг уласан” деди. “Ҳали билиб бўлмайдими кимнинг димоғида нима қолади?”.

Яқиндаги кўлларнинг агрофилан уч дафъа бойкуш сайрашига ўхшап овоз эпитилди. Армани капитани ҳам икки марта бойкуш овозини чиқарди ва ўтириб олиб, Муродга бемалол гапирарди:

– Ара, келдик, “бизникилар” кугиб олишга чиқибди, ишимизнинг ҳаммаси жойида.

Капитан урндан туриб буй курсатди. Нариги тарафдан ҳам бир нафари ўзини курсатди. Мурод унга диққат билан қараб, унинг ҳарбий кийимда эканлигини билди. Бошига бир урди. Кунглида “Далли шайтон буларнинг икковини ҳам бурда-бурда қил” дер эди. Яна сабр қилди. Яна ўз-ўзи билан гаплашди: “Секин, “Овчи”, секин! Бу омадсизларнинг бутун итларини аскар қилиш лозим. Буларни тириклайин турга тикиш лозим, бўлмаса бу улим бу мурдалар учун жуда арзон, осон улим бўлади”.

Фикрларини капитаннинг овози бўлди:

– Ўзи ҳам тоза турк тилида гаплашади:

– Ара, Жаник, кўпдан буён шу ердამисан? Қур, қанча вақт бўлди, сени кўрмадим. Кел яқинимга, кўришайлик, яхши юрибсанми?

“Овчи” капитандан суради:

– Ара, биз ҳеч биримиз турк тилини билмаймиз, у билан қайси тилда гаплашамиз?

Армани унга иккиланиб жавоб берди:

– Ара, билмаганингиз жуда яхши. Турк тилида гапириш хирилламоқдай бир гап. Гаплашмасангиз бошингиз саломат бўлади.

Ҳарбий кийимда бўлган озарбайжонлик уларга яқинлашиб, узоқ вақт кўришмаган дўстлар каби қучоқлашди:

– Ара, Жаник, нимага кўкариб кетдинг? – капитан у билан баланддан келиб гапирди. – Биламан, пул сени тирилтиради.

Ҳарбий кийимда бўлган киши аскар рутбасида эди. У ҳам капитандан қолмади:



– Сен ҳам жим юрмайсан, балансингни тўлдириб дўнасанми. Ҳавойи еб-ичгандан кейин ҳаммаси кетади-да.

Сўнгра капитаннинг оркасида турган уч нафарини курсатиб сўради:

– Булар кимлар ёки янги тарғибот гуруҳини олиб келдингми?

Капитан жуда орқада эди, у билан келган уч нафари озарбайжон тилида бир жумла ҳам билмайди. У хотиржам ҳолда озарбайжон тилида бемалол гаплаша кетди:

– Йўқ, ара, булар “қароргоҳ ясовуллари”. Еревандан гафтиш учун келишган, гўё бошимизни эзиш учун, буларни сизга келтирдик. Бу майорга ҳар қанча хушомад қилиб, пул берсак ҳам олмади. Ҳатто командир унга яп-янги “Жип” беришни хоҳлади, у олмади. Куппак ўғли. – у сукиниб ҳақоратлаб, ерга тупурди.

Бу инспектор ҳамма ишнинг очиқ, ошкора булишини хоҳлар эди.

– Энди буларни сенга “қурбонлик” учун келтирдим. Командир айтдики, уларни ўз жойида маҳв этасиз, ҳеч бирини тирик қолдириб бўлмайди, булмаса, Ереванда бошимиз кетади.

Бу эшитганларидан унсиз қузи қонга тулган Панжали буларни айтганлари учун икковини устига шер каби отилмоқчи бўлди, аммо Мурод йугалиб, уни бу ишдан қайтарди.

– Сиз ҳамиша додимни бергансиз, – деди ва рус тилида меҳмонлар билан саломлашди, – жаҳаннамга хуш келибсиз.

Капитан эса ўз уйида ўтирган кишидек аскарга буюрди:

– Ҳа, нимани кутянимиз, уйга кетдик, меҳмонлар чарчадилар, улар дам олиши керак. Келинимиз Боқудан келганми?

Аскар бошини ҳа дегандек қимирлатди.

– Ҳа, жуда яхши, ҳаммамиз маишат қиламиз экан-да. Кетдик.

Жаник дейилган аскар бундай хизматлари эвазига чоғлиққина бир уй олган, табиий, арманиларнинг пули

билан. Қишлоқнинг уйларига қанча бомба тушиб портласа ҳам, унинг уйида ҳеч қачон бундай ҳолат бўлмайди. Уйининг координатларини арманиларга берган, шунинг учун бу уйга бомба, ракета отилмайди.

Бу ўзига хос уй икки хона ва айвондан иборат эди. Ичкарига кирганда қаршида айвон, сунтра меҳмонхона, унинг ичкарисида ётоқхона келарди. Ҳаммом-ҳожатхона ҳовлининг бир чеккасида, бир ерда жойлашган. Уларни ҳам бу уйни олгандан кейин яширинча қурган.

Улар дарвоза олдидан ичкарига кирдилар. Уйдан овқатнинг хушбўй ҳиди келарди. Мурод жудаям қорни очиққанини хис қилди. Меҳмон кутиш хонасида безатилган дастурхон ва икки аёл бор эди. Юзларини упа-элак билан чаплаб тўлдирган аёллар меҳмонларни куриб, қулимсираб қараш қилдилар. Капитан эса аёллардан бирини кучоқламоқчи бўлиб қўлларини ёнга очди ва армани тилида деди:

– Ахчи, Сусаник, қандай гузал бўлиб кетибсан? Боқунинг хавоси сенга яхши таъсир қилибди. – деб уни ўзига тортиб каттиқ-қаттиқ кучоқлади. Бир неча марта ёноғидан, дудокларидан упди. Ёнидаги кизни курсатиб сўради.

– Ахчи, бу қиз ким?

Сусаник қирмизи рангда бўялган дудокларига ярашмаган овозда жавоб берди:

– Бу ҳам Сусаник, танишинг.

Армани яна иккинчи Сусаникни ҳам кучоқлаб упди, сунг деди:

– Ахчи, сиз Сусаниклар ҳаммангиз гузал бўласизларми, бир-бирингиздан чиройлисизлар.

Аскардан бошқа ҳамма қулишди.

Мурод Нотик ва Панжалига қараб арман тилида буйруқ берди:

– Сизлар айвонда утирасизлар.

Улар бир сўз демасдан айвондаги ерга жойлашиб утирдилар.

Дасурхон түрида биринчи капитан ўтирди. Сусаникларга унгидан ва сулидан жой берди, ундан кейин Мурод, аскар эса унинг чап ёнида ўтирди.

Армани тутдан тайёрланган ароқ шишасини кўтариб қадаҳларга қуйди, кейин Муродга юзини буриб соғлик тилади:

– Жаноб, боя бу турк сизга “Жаҳаннамга хуш келибсиз” деди. – “Овчи” эса унга юрагининг тубида ич-ичидан “Асл жаҳаннамни бир оздан кейин кўрасиз” деб жавоб берди.

– Аммо сиз жаннатга келдингиз.

У биринчи Сусаникка буйи-басти келишган, ярашикли Муродни курсатиб сўради:

– Ахчи, бу майорни кўрдингми?

Биринчи Сусаник яна очилиб-сочилиб, ноз билан деди:

– Жуда ажойиб, чой билан ичса бўлади.

Ҳамма кулди. Капитан эса қадахини бироз юқори кўтариб қадах сўз айтди:

– Биринчи қадахни инспекторнинг соғлиғи учун ичайлик!

– у ароқни бир нафасда кутариб ичди ва яна қушимча қилди.

– Ара, Ереванга борганинда бу “жаҳаннам”, “жаннат” ҳақида дўстларингга айтиб берасан.

“Овчи” ёлғиз кулимсираб қуйди. Бешинчи қадахдан сўнг Муроднинг ҳам боши айланди. Қўшиқ-қуй ва суҳбатлардан унинг боши гангиб чайқалиб кетишига бир баҳя қолди. Аскарнинг уйида бунга ухшаган еб-ичишлар ҳар куни ташкил қилинар, жамоатнинг бу ҳолатга ўрганиб қолгани яққол кўриниб турарди.

Бир оз ўтгандан сўнг капитан Муродга юзланди:

– Ара, бу ерга маишатга келдингми, нега утирибсан? – Қулини биринчи Сусаникнинг сийнасига қуйди. – Бу сенга Боку арманиси.

“Овчи” эътироз қилди. Қулини товуқнинг яхна этига уза-тиб иккига бўлиб оғзига олиб борди. Ишгаҳа билан ундан бир парча олиб чайнай бошлади. Лукмасини ютгандан сўнг деди:

– Ара, менми? Йук, жудаям оч қолдим. Қўй қорнимни гўйдириб олай, кейин кўрамиз.

Арманининг қулига жуда бир қулай фурсат тушди. Тили тутилиб зўр-базўр оёғида турарди.

– Ара, жуда яхши! – иккинчи Сусаникнинг қулидан тутди, оёғи чалкашиб кетди. – Бўлмаса мен бу гўзалча билан...

Капитан қули билан тарбиясиз оҳангда бир ишора кўрсатиб оғзидан тупуғини сачратиб хириллади.

Улар гандираклаб-гандираклаб ётоқхонага кетдилар.

Мурод эса биринчи Сусаникга топшириқ берди:

– Қарачи, болалар бир нима ейишибдими? Қанча вақт бўлди, очу наҳор утирибди.

Сусаник қулини пешонасига уриб аччиқланиб деди:

– Буни қаранг-а, болаларга қараш бугунлай эсимдан чиқибди, уларга овқат бермаган эдим. Дарҳол хатойимни тузатаман.

У ўрнидан туриб айвонга чиқди. “Овчи” фурсатдан фойдаланиб аскардан рус тилида сўради:

– Сени капитан қўлга олганми? Купдан буён бунга ишлайсанми?

Аскар чидам билан бошини қуйи солди. Қаршисидаги қадаҳга ароқ қуйиб бошидан тукди.

Юз-кўзини ишқалаб жавоб берди:

– Ҳа, куп вақтдан бери.

Аскар қўлларини столга тираб оёққа туришга уринди. Лекин узини тутолмай олдидаги стулга яна чуқди. Столга ёпишиб қаттиқ йиқилишдан жонини қутқарди. Ўз-узига дерди: “Куп ичмайман дейсан. Бир оз тинчланишим керак. Ҳали сизларни ҳам у тарафга тонгга яқин утказиб қуйишим керак”. Ёғли бир товуқни олишни эса унутмади.

Аскар узини меҳмонхонадаги қирмизи диван устига куч билан отди. Бир неча сония ҳам утмасданоқ унинг хурраги бутун хонага эшитила бошлади.

Мурод оёққа турди. Икки қули билан бошини ушлаб, муаллақ қолди. Айвондан Сусаникнинг рус тилида гапирган овозлари келарди. У қандай қарорга келишни уй-

ларди. Бундай яхши фурсатни қўлдан бой бермаслик керак. Вактни чўзиш, кечикиш дегани бўлади, аммо нимадан бошласин? Одатда, бундай вазиятга тушганда ҳам тезда фикрлаб, бир қарорга кела оларди, боши худди соатдек ишлашга киришди. Нима қилиши кераклигини юракдан ҳис қилди. Пухта уйланган режа энди тайёр, ҳар иш ўз ўрнида.

Унинг фикрларини ётоқхона томондан келган қийқириқ овози бўлди. Дарҳол туриб, хонанинг эшигини очди. Кўрган манзарасидан даҳшатга тушди. Капитан қўлида синган пичоқ билан хонанинг ўртасида чўккалаб олган. Пичоқдан қон томарди. Шалвори ва ички кийимлари эгнида бўлса ҳам пасти очиқ эди. Армани ўз-ўзига гапирарди:

– Фоҳиша, сен шундай ўлимга лойиқсан. Фоҳиша, туркнинг олтинида булган фоҳиша, мараз! Туркнинг нарса-си сенга ширин келганда, ўз арманингдан, меңдан интиқом олмоқчи бўлдингми?

Иккинчи Сусаник ерда қонга беланиб ётарди. Аёлнинг кўзлари косасидан чиққан, ички кийимлари йиртиб-йиртиб ташланганди. Армани капитани синган пичоғи билан унинг кекирдагини кесарди. Аёл бир ҳаракат қилишга уруниб, сунг тинчиб қолди.

– Сен нима қилдинг, эй аҳмоқ? – “Овчи” капитанга бақирди. – Одам ҳам аёл кишига қўл кўтарадими? Сунг билдики, армани бу дақиқада шок ҳолатига тушган ва жуда таҳликада эди. Уни тинчлантиришга уринди. – Яхши, яхши тинчлан, ҳаммаси жойида. Ўлдирдинг, демак, у бунга лойиқ бўлган. Энди эса қўлингдаги пичоғингни менга бер.

Мурод эҳтиёт билан яқинлашиб, пичоқни унинг қўлидан олишни истади, лекин армани ўзича алланималарни гўлдираб нимадир дерди. Пичоғини ҳам маҳкам ушлаб турарди.

– Бер, пичоғингни, сенга айтдим-ку, ҳаммаси жойида деб. Ўзингни тут, биринчи марта одам ўлдирдинг. – Мурод унинг бармоқларини пичоқдан бирма-бир айирди. Пичоқни қўндоғига суқиб, унинг қўлидан ушлаб чорпоёга утирғизди.

Камоднинг устидаги ароқ шишасидан стаканга қуйиб, унинг оғзига яқинлаштирди:

– Ич, – деди, – бу сени енгиллаштиради. Энди хар бир нарсани менга айтиб бер. – Икки юз граммлик стакандаги ароқни бир сонияда бошига қуйди, шундан сўнг у ўзига келди. – Ҳа, энди айт, бу ерда кўрганларим қандай юз берди?

Бироз ўзига келган армани тилга кирди:

– Жаноб майор! – бармоғи билан ерда ўлиб ётган аёлни кўрсатди. Бу фоҳиша мени хоҳламади.

Мурод ажабланди:

– Нега? Бу ерга у шу иш учун келмаганми? Унда Боқудан шу ергача шунча узоқ йўлни босиб нега келган?

Капитан ғулдираб бўлиб утган воқеани эслашга уринди:

– Ҳа, бундай бўлди, шимимни ечдим. У суннати бўлмаган одам билан ётмайман, деди. Бу гапидан жаҳлим чиқиб, уни зурламоқчи бўлдим. Аёл қаршилик қилди. Унинг қаршилик қилганидан кўзим қонга тўлиб, жаҳлим чиқди. Шунда мен алам билан унинг бўйнига пичоқни урдим. Қуй, ўлиб кетсин.

“Овчи” уни гинчлантирди:

– Яхши, яхши, ҳамма нарса жойида. Ўлдирдингми, яхши қилдинг. Дунёда бир фоҳиша камайди. – Мурод эҳтиёт бўлиб чап қўлининг бош бармоғини унинг унғ қўлоғининг олдига олиб бориб, ёнидан нуқтасини босди. Армани дарҳол қаттиқ уйқуга кетиб тўшакка йиқилди, боши болишнинг устига тушди. – Ҳа энди туғри бўлди, ҳар бир иш жойида.

Мурод эшикни очиб, меҳмонлар хонасига ўтиб бақирмоқчи эди. Эшикни очар-очмас кимдир гурс этиб ерга қулади.

Биринчи Сусаник айвонда овқатни бериб бўлганидан кейин, ичкарига кириб капитан билан Муроднинг суҳбатини эшитаётганди. “Овчи” унинг қўлидан тутиб оёққа турғизди, озарбайжон тилида ғазаб билан қичқирди:

– Бизни қўлга туширмоқчи эдингми, армани фоҳиша? – овозини бир оз секинлатди. – Нотиқ, Панжали!

Ҳар икки аскар кўз очиб юмгунча ичкарига кириб бирваракайига дедилар:

– Лаббай, командир!

Сусаник довдираб қолди. Ҳеч тушунмас эди, булар кимлар – арманими ёхуд озарбайжонликми? Ахир унга Еревандан юксак мартабали зобит келади, уни рози қил, сен ҳам рози бўласан, дейишган эди-ку.

Қичқириқлардан диванда ётган аскар ҳам кузларини очди, кўрганларидан ҳангу манг булиб қолди. Озарбайжон тилида гапирган овозларнинг қаердан келганини, қаерда эканлигини англаб етмас эди. Уйлади: “Балки туш кўраяпман”, аммо қулоғига яна озарбайжон тилида овоз эшитилди. “Овчи” буйруқ берарди:

– Бу шарафсиз, ватан хоинининг, онаси армани фоҳишанинг қўлларини боғланг, – бармоғи билан ҳалиям ўзига келмаган аскарни кўрсатди. – Кейин капитаннинг ҳам қўлларини боғланг. У қизларнинг бирини буйин товлагани учун улдирди.

Аскарнинг ҳам, Сусаникнинг ҳам оғизлари очилиб қолди. Нима воқеалар содир бўлганини ҳалиям англаб етмаётган эди. Келишилгандек иккови ҳам бир оғиздан сўради:

– Сиз озарбайжонликмисиз, булмаса, булмаса бу арманининг навбатдаги зарофатими?

Панжали ётоқхонага кирди. У ердаги манзарадан юраги алланечук бўлди. Айвонга чиқди. Қулга олинганларнинг қўлларини боғлаш учун арқон ишни иккига бўлди. Бирини Нотикқа берди, бирини олиб ўртага чиқди.

Нотик аскарга яқинлашиб биқинига бир тепди:

– Озарбайжонлик, туркнинг шарафсиз кўппаги. Энди биласан, бизни осонгина улдириб, ёқанга медал, орден тақишни? “Овчи”нинг панжасига тушдинг, ит ўғли, ит. Сени қайси она тугди экан, билмадим.

Мурод арманининг мундирини ечиб, жирканиш туйғуси билан стулнинг устига отди, сунг аскарнинг чўнтагидан рацияни олиб, тугмани босди. Рациядан аввал хишшиллаб, бир оздан кейин эса тиниқ овоз эшитилди...

2011 йил.  
Ереван, Бош қароргоҳ

Мудофаа вазири қулини ғазаб билан катта стулнинг устига урди. Зарбадан столнинг устидаги ашёлар сочилиб кетди, бўйнининг орқасида бирданига оғриқ пайдо бўлганини ҳис қилди, боши чарх айланиб қалқиди. Қули билан селекторнинг тугмасини босди. Селекторнинг у томонидан котибининг овози эшитилди:

– Эшитаман, жаноб вазир!

– Тез, қон босимига қарши дорини келтир, – қули билан бўйнининг орқасини уқалаб уфлади. Бир оз тинчиб олиш учун креслога чўқди.

– Бир сония, жаноб вазир.

Ёрдамчи бир дақиқа ҳам утмасдан дори ва ярим стакан сув билан ичкарига кирди.

Вазир унга узатилган дорини оғзига солиб, устидан сув ичди. Таъкидлаган ҳолда унга топшириқ берди:

– Бунинг биттасини ҳам келтир. Буларнинг юзидан, – қули билан қаршисида тикка турган кашфиёт ва экс-кашфиёт раисларини кўрсатди, – наинки ғазабинг қўзғалади, балки одамнинг томиридаги қони ҳам тухтайди.

– Бош устига, жаноб вазир! – ёрдамчи жавоб берди. – Кетгани ва қайтгани бир бўлди. Иккинчи дорингиз, марҳамат.

Вазир иккинчи дорисини-да ичиб, сўнг бўйнини уқалади, қули билан ёрдамчисига кетиш ишорасини қилди. Ёрдамчи чиққандан кейин яна бақирди:

– Бу қандай бўлди, ахир?

Бу сафар қулини столнинг устига уришдан ўзини тийди, чунки ўнг панжаси зарбасидан қулининг оғриғи ҳали қолмаганди. Генералларнинг юзига диққат билан боқди.

– Ким менинг бошимга бундай ишларни солди? Қандай қилиб “Овчи” жабҳа чегараси окопларида кезиб, армани зобитни ўлдирди, сўнгра унинг номидан сизда тафтишлар



олиб борди? Ҳар ишнинг қаерда бўлганини аниқлик билан ўрганибди, сизни ҳам қўйган ерида қўйиб, яна қўлга олиб, мажбур этибди.

Вазир ёққа туриб, экс-кашфиёт генералларининг қарши-сида тўхтади.

– Ҳеч шубҳаланмадингизми-а? Армани тилида гаплашганда аксентини сезмадингиз, лаҳжасини ҳис қилмадингиз? Сиздан сўраяпман, жавоб беринг!

Экс-кашфиёт раиси йўталди. Бу хатоларнинг бадалини биларди.

– Тушунмовчилик бўлибди, жаноб вазир, – қўлидаги қирмизи папкани очиб уни тақдим этди, – ҳарбий қисм командирининг бу ерда изоҳи бор. Сизнинг айтганларингизни телефонда сўрадим.

Текширдик, ҳеч бир суҳбати мақомга тўғри келмайди. У топ-гоза арманича гаплашган, ҳатто уни текшириш учун инглиз тилида ҳам суҳбатлашибди. Ахир бу ердан кетган инспектор аслида Англиядан. Лондонда туғилган. Булардан кейин ҳеч бир шубҳали жойи қолмаган. Инглизчаси ҳам мукамал бўлган.

Вазир шуни билдики, бу амалиётнинг ўтказилиши учун мукамал тайёрланиш керак. Умрида бундай ҳолатга тушмаган эди. Рақиблари ундан кулади, маломат тошларини отади, ўрни келса-келмаса игна каби санчиб олади. Аммо вазир ўзини бир оз тинчлантиришга ҳаракат қилди. Ичган дориларининг таъсири бўлди, тазйиқни оҳиста-оҳиста муътадиллаштирди.

– Нима бўлди, ҳарбий қисмдан беш километр оралиғидаги масофада майитларни топдингизми? – у сокин тарзда савол берди. Орқага юриб яна ўтирди. Қўли билан қолганларга ҳам ўтиришни кўрсатди.

Генераллар жойлашдилар, кўрдиларки, вазирнинг бояғидаги асабийлашидан асар қолмаган эди. Шунда улардан бири жасорат билан тилга кирди:

– Аскар Жоник хибсга олинганда улар тарафдан бири бизга хабар беришга имкон топган. Билишимизга кўра,

аскарнинг атрофида бўлганлар ҳаммаси хибсга олинган. Уша одам хабар бердики, уларни қопқонга туширган “Овчи” экан. – Аммо вазирга айтмадик, уларни ўлимга унинг ўзи юборганини. Ҳеч ҳам буни айта олмасди.

У сўзини давом эттирди.

– Бу хабардан сунгра харбийларни ун километрлик масофада излашни бошладик. Бешинчи километрдаги масофада ўзимизникиларнинг жасадларини топдик.

Вазир бу сафар кашфиёт раисига қаради:

– Демак, “Овчи” уз оёғи билан харбий қисмга келган, сиз уни фош этиш ўрнига, аскар кашфиётчини унга қўшиб душман тарафга юборгансиз. Шунчалик ҳам аҳмоқлик бўладими? Кўр, қанчалик сирларимиз очилди, фош бўлди. Биринчидан, Бокудаги хотин исковучнинг кимлиги билинди, иккинчидан, харбий қисмда, турклар тарафини назарда тутаяпман, жосусларимиз асир олинди, учинчидан, кашфиётчи капитанимиз хибсга олинди, тўрт... Давом этайми ёки етарлими? Олинган зарба, қўрилган талофатнинг миқёсини, ҳеч бўлмаса, тасаввур қила оласизми? Туғриси, озарбайжон тарафи биздан кура яхши ишляапти, – вазир генералларга бир чеккадан савол берди. – Бу қадар мукамал амалиётнинг бўлиб ўтиши шундан хабар берадики, уларнинг бу ерда, бармоғини столга никтади, бу қароргоҳда ҳар қадамимиздан хабари бўлган жосус одами ёхуд одамлари ишлайдилар. Бу фикримга қўшиласизларми?

Кашфиёт генерали бошини тасдиқловчи тарзда тебратди:

– Туғри, жаноб вазир, тафтиш сўроқларини бошладик. Бу масала билан боғлиқ кимнинг алоқаси бўлса, кимнинг хабари бор, ҳаммаси текширилади. Мудофаа вазирини ҳам бу ишга қўшдик. Уйлайманки, тафтиш яқин кунларда ўз натижасини беради.

Мудофаа вазири яна бир савол берди.

– Яхши, бу “Овчи” деганингиз ким? Тақдимотингиздан мен шуни тушундимки, бир неча тилни мукамал билади. Агар истаса, эртага Ереванда ё хорижий журналист ё турист номи билан бемалол кеза олади, истаса, тарғибот

яратади. Бизнинг эса ҳеч нимадан хабаримиз бўлмайди. Манбаларимизга мурожаат этмадингизми?

Экс-кашфиёт генерали галстугини туширди:

– “Овчи” лақаблининг кимлиги маълум эмас. Манбаларимизга мурожаат қилдик, аммо натижа йўқ, жаноб вазир, ҳеч ким унинг асл номини, фамилиясини билмайди.

Уларнинг суҳбатини давлат телефонидан бўлган қўнғироқ бўлди. Вазир гўшакни олиб “лаббай” деди. Гўшакнинг у тарафидан Президент ёрдамчисининг овози эшитилди:

– Салом жаноб вазир. Бир дақиқа, сиз билан жаноб Президент гаплашмоқчи. Президентнинг номини эшитган заҳоти мудофаа вазири оёққа турди, қўли билан юрагини ушлаб, бармоғини оғзига қўйиб, “тинч туринг” деган ишорани қилди.

Телефонда Президентнинг овози эшитилди:

– Ҳеч тушунмадим, хайрли кун дейми, демайми. – Оёғида базўр турган вазирни бу сўзлардан совуқ тер босди.

– Касофатларнинг ичига тушибсиз-ку, билмадим, сизнинг ахлатингизни қандай тазалайман? Москва сизнинг устингиздан кулишни ҳам билмайди, ҳатто улар бу ҳодисани бизнинг хайримизга қандай ўтиришгаям ҳайрон. Офарин, сизларга, сизлардек ҳарбийларга!

Мудофаа вазири нимадир демоқчи бўлди, аммо Президент унинг сўзини ярмидан шартта бўлиб гашлади:

– Шарт эмас, энг яхшиси шуки, қайси ўлжаларни олишингиз ҳақида маъруза қилинг, бўлмаса гаплашганингизда генералларингиздан ҳақ ундириб олинг.

– Маъруза киламан, жаноб Президент! Шунини таклиф киламанки, душман томонидан аскар олинган “Н” сонли ҳарбий бўлим дислокация килинади. Чунки турклар у ерни назоратга олиб интенсив бомбардимон қилмоқда. Эътироз билдирмасангиз, эртага дислокацияни амалга ошириш ҳақидаги фармонингизни амалий жиҳатдан кучга киритсак.

– Йўқ, эътироз қилмайман, ҳатто ўйлайманки, бир оз кечикдик. Сўнгра ҳибсга олинганлар ҳақида улжа келтирасизми?

Вазир чорасиз қолди. Нима деб жавоб берсин. Паст овозда суради:

– Қайси ўлжани келтирай, жаноб Президент? Ахир душман тараф энди бизнинг назоратимиздан чиқди, буни нима қиламиз, тўғриси, билмайман. Аммо шу билан боғлиқ “Б” вариантга ўта оламиз.

Президент бақирди:

– Биласанми ўзи, улар сезсалар, ҳаммасини ошкор қилсалар, байналмилал даражада жанжал бўлиши мумкин? Агарда Озарбайжон тарафи уларнинг эътирофини видео тасвирига тушириб, дунё мағбуотига берса, биласанми, нима бўлади? У пайтда сен генераллик пагонингни, бажараётган амалу вазифангни ҳимоя қила оласанми?

Вазир чўнтагидан дастўмолини зўрға олиб, терлаган пешонасининг, қулоқларининг гирдини артди, аммо гапиролмади. Президент эса унинг гик оёқда тургани, қалтираётганини билиб турарди ва бундан куч оларди.

– Зудлик билан уларни йўқ қилиб ташламоқ лозим, бўлмаса, ўзингизнинг йўқ қилинишингиз ҳақида тушунтириш оламан. – бироздан кейин яна бақирди. – Яхши тушундингми, бўлмаса, такрор айтайми?

Генералнинг лаблари учиб-учиб жавоб берди:

– Тушунарли, жаноб Президент! Менга уч кун муҳлат беринг. Бутун халқаро алоқаларимни ишга соламан, мафияни, диаспорани, ички кучларни бунга жалб этаман, куши билан уч кун ичида буйруғингизни жойига келтираман.

Президент унинг сўзларидан мамнун бўлди. Овозининг оҳанги ўзгарди:

– Ҳа, бу бошқа масала, ҳаракат қил, мени бошқа хафа қилма, ишончим тугаш арафасида. Бўлмаса, ўзинг хафа буласан. Тушунарлими? – Президент генералга гапиришни тўхтатмади. – Ҳа, амалиёт кечикканини, “Овчи” лақабли эканлигини эшитдим. У ҳақида яна қўшимча маълумот борми?

– Йўқ, жаноб Президент! Аммо яқин кунларда бўлади, – вазир дарҳол жавоб берди.

– Жуда яхши, бўлиши билан менга маълумот беринг. Қулга тушмас дейишади-ку, – хайрлашишни унутмади. – Яхши, соғ бўлинг, аммо уч кунлик муҳлатни унутманг.

Генерал телефон гўшагини қўйиб, чуқур нафас олди, кейин эса генералларга қараб Президент унинг устига қандай бақирган бўлса, у ҳам уша оҳангда уларга бақирди:

– Эшитдингизми, жаноблар, бизнинг уч кун вақтимиз бор. Ҳал эта олмасак, бўйнимиз қилдан ҳам нозик бўлади. Аввало, “Овчи”нинг кимлигини ўрганмоғимиз лозим, бу шошилинч, Президентнинг топшириғидир. Ҳамма иш жойига марш!

Уч кундан кейин жосусликда айбланганлар ҳибсга олиниб, ҳарбий гарнизонларнинг қамоқхонасида ўлим топдилар. Ҳаммаси захарланди...

## МУРОДГА УРИЛГАН ҚИЗ

2004 йил.

### *Муран Ганжали манзилгоҳи, Собиробод райони*

Севги келганда севинчи, шодлиги, ғам-қайғуси билан келади. Ҳеч қачон ўзинг билмайсан, севинчи қайси-ю, ғам-қайғуси қайси? Ғамни севинч каби қаршилайсан, севинчни ғам каби. Севги шундай бир илохий қувватдирки, юзингдан севинч ёғса ҳам ғами кўринади, ғам ёғса, севинчи.

Булар ҳамиша айрилмаган эгиз опа-сингиллар, худди сиям эгизакларига ўхшатишади. Оталари ҳам буюк ишқдан яралган севгидир, ҳар ким ҳам онадан туғилгандан то ўлгунича шу хис-туйғулар ичида яшайди. У бир-бирларига, атрофдагиларга ўтади. Унинг наздида ё мусбат ҳолда яратади ё манфий. Инсон бу икки хис ила дунёда одимлайди.

Балки шунинг учун инсон туғилганда, севинади, улганда эса ғамга ботади.

Севинчининг ичида ғам, ғамнинг ичида севинч бор. Инсоннинг ғами кўзидан, севинчи юзидан, чехрасидан

кўринади. Баъзан севинчингни яшира оласан, аммо кўзларни алдай олмайсан. Кўзлар юракнинг ойнасидир...

Ҳар иккиси бир-бирига урилиб кетди. Бири чехрасига, бири кўзига. Бирининг юзидан нур ёғиларди, яна биридан ишқ. Бири буз курд боқишли, бошқаси малак сиймоли эди. Айтмоқчи бўлганимиз шуки, Мурод билан Физза афсонаси яралди – севги афсонаси....

Августнинг ўртаси эди. Мурод таътилга чиққанди. Ёши анча улғайган, аммо ҳалиям уйланмаган. Авваллари бу ҳақда ҳеч уйламасди. Ёши йигирма саккизлар орасида эди. Оила қуришни истарди. Уғил истардики, унинг иши ҳарбий бўлсин, ватанини, миллатини, оиласини, давлатини кўриқласин. Қиз истардики, отага, онага орқалик бўлсин.

Бир қарорга келди, уйланмоқчи бўлган қизини кўриб, билиб рози бўлади. Отасидан, онасидан хайр-дуо, ҳалоллик олсин. Қиз ҳам унга бир кўнгилдан минг кўнгилга урилганди, аммо жамиятнинг қоидалари, элнинг урф-одатлари бор. Уларнинг қаршисида элнинг урф-одатлари охириги девордек турарди. На ўғлон, на қиз бу девордан ўзбошимчалик билан ўтиб ёки ошиб кетолмайди.

Эл дуоси ҳамиша бор. Шунинг учун ҳам у кентга келди. Отасини, онасини кўриш учун энг камида йилда бир марта келарди, уларнинг ҳидини, нафасини юракдан туюр, онасининг пиширган лаззатли овқатларидан туйгунча ер эди. Унинг назарида дунёда гуё онасидан бошқа ҳеч ким бундай маззали таомларни тайёрлай олмайди.

Бу сафар келиши эса тамоман бошқача эди.

... Дарвозанинг бир томони очилди. Мурод эса нариги тарафдан қичқирди:

– Она!

Гуллибейим оқшом кўп безовта ётди, саҳарга яқин қолганда эса туш кўрибди.

Тезда туриб “Оллоҳ хайрга чиқарсин, хайрлик бўлсин” деди. Энди у кўрган туши ҳақида ўйлаб-ўйлаб, айвонда ҳамир қорарди. Эшик оғзига машина овози келганда, бунга

этибор ҳам бермади. Фикру хаёлига: “Кунда кучадан шунча куп машина ўтадики”, деган уй келди. Аммо юраги хамиша саросимада эди.

Ҳар сафар машина ўтганда уиларди, энци дарвозанинг эшиги очилиб, ўғли кириб келади. Гуллибейим, ўғлининг овозини ғойибдан эшитгандек бўлди: “Она, Она!”. Яна оқшомдаги тушини ёдига олди. Қўллари хамир қорарди, қулоғи остида эса “Она” овози эшитиларди.

– Она!

Йўқ, бу сафар овоз ғойибдан келмасди, худди яқинидаги овоздек эди. Бу овоз ҳақиқатдан ҳам ҳовлидан келарди. Шошганича хамирли қўллари билан ҳовлига чиқди. Кўзларига ишпонмади. Мурод ҳарбий кийимда кула-кула у томонга келарди.

– Болам, болам, келдингми? Сен келган йўлга қурбон бўламан, болам менинг, ўғлим менинг, – қўлларини кенг очиб она тўғри келарди.

Мурод кўлидаги халтани ерга отиб, у ҳам қўлларини кенг очди:

– Онам менинг, меҳрибоним менинг.

Гуллибейим бир зумда ўғлининг паҳлавон қўллари орасида кўринмай қолди. Қўли хамирли бўлганидан, кийимига хамир юкмасин деб ўғлини тирсақлари билан кучоқларди. Бир муддаг ҳаракатсиз қолдилар. Гуллибейим ўғлининг ҳидини юракдан ҳис қилар, Мурод онасининг қадоқ қўллари орасидан чиқишни истамас эди.

Бирдан онанинг эсига нимадир тушди-да, бирдан чекиниб унга диққат билан қаради ва кичик ўғли Сулаймонни чақирди:

– Ҳай, Сулаймон. Ҳай Сулаймон. Аканг Мурод келди, аканг.

Сўнгра Муродга деди:

– Оёқ остида нега турипсан, юрмайсанми? Кел, уйга кир, кела қол, болам. Йўл юриб чарчагансан. Кел, юз-қўлингни юв. Отанг уйда эмас. Ҳозир Сулаймонга айтаман, чақириб келади.

Қий-чув қилиб сингиллар ҳам, Сулаймон ҳам акаси томонга, ҳовли супасига югуриб келдилар. Ҳаммаси Муродни кучоқлаб олган, упардилар.

Она кичик ўғлига топшириқ берди:

– Югур, отангни хабардор қил...

Оқшомга яқин бутун оила айвонга йиғилди. Онанинг пиширган янроқ дўлмасининг хушбуй хиди етти уйгача тарқалди. Мурод ҳеч кимга эътибор бермай иштиёқ билан лағандаги дўлмани ерди. Бушаган лаганни онасига оҳиста узатиб деди:

– Она, дўлмангиз мазали булганки, ҳатто туйганимни ҳам билмайман. Булса яна бир лаган беринг.

Ҳамма хандон отиб кулишди.

Отаси Телман ҳам оҳисталик билан деди:

– Ман биламан, онангнинг дўлмаси, бошқа овқатлари булмаганда эди, сен бу кишлоққа оёғингни йилда бир кўярдинг, ё кўймасдинг.

Яна ҳамма кулишди.

Чой дастурхонига утирдилар. Ҳамма шу қадар хурсанд эдики... Бояқиш овқат еганда Муроднинг, Сулаймоннинг, қизларнинг болаликлари, бошларидан ўтган саргузашту можароларни эсладилар. Шунчалик мазза қилиб кулишдики...

Она ҳам тез-тез фарзандларининг отаси томон қараб кўяр, ниманидир айтишни истайди, аммо журъат этолмасди. Бу Муроднинг кўзидан, назаридан четда қолмади.

– Ҳа, яна нима бўлди? – ярми ҳазил, ярми жиддий суради.

– Бир-бирингизга нега кўз-қошингиз билан имо қиласиз, уртада бир гап бор, шекилли?

Тельман бир булак қанд олиб оғзига солди, бир култум чой ичиб стаканни қўлидан қўймади ва:

– Йўқ, унчалик муҳим бир иш эмас, – онасини кўрсатди. – Шу онанг кеча-кундуз бошимни гаранг қилади. Дейдики, Муродни нега уйлантирмайсиз? Мен дейманки, ай онаси кўнгил қўйгани бўлса, бўлди. Мурод қачон



бирортасини деса, мен туриб, элнинг урфу одати билан совчиликка бораман, тўй-маърака қиламан-ку. Бу ҳақда аввал сўз, фикр Муроддан. Қачон деса, биз тайёрмиз.

Сулаймон ҳазиллашиб деди:

– Отам тўғри айтадилар. Уйланинг, сиздан кейингиларга ҳам йўл очилсин.

Гуллибейим суҳбатга аралашди:

– Мурод, отанг тўғри айтдилар, сенинг тўй-ҳолвангни уғил, қизлар егилари келган, сен эса кундан-кунга чўзасан, – йиғламсиради. – Бизнинг орзуимизни, истагимизни нега инобатга олмайсан, уғлим? Биз ҳам неварга соҳиби бўлишни хоҳлаймиз.

Суҳбатнинг бу тарзда очилгани Муроднинг юрагидаги гап бўлди. Унинг қишлоққа келишидан мақсади ҳам шу ниятини билдириш, айтиш эди.

– Ҳа, ҳаммангиз менга қараб турибсиз, нимадир дейишимни кутяпсизларми? – бошини қуйи солиб, ютиниб гапирди:

– Уйга келишимнинг бир сабаби ҳам шу. Келдим, мана сизларга айгишим мумкин, куз остимга олганим бор, агар эътироз, қаршилик билдирмасангиз. мен шу ердалигимда совчиликка борсаларингиз.

Ҳамманинг бирданига чиройи очилди, ҳатто сингилларидан бири унга жуда хурсанд бўлганлигини айтди:

– Айтинг, Ҳазрат Аббос ҳаққи, тўғри сузим деб!

Мурод синглисининг қалбини қиришни истамади:

– Ҳазрат Аббос ҳаққи, тўғри сузим!

Дарҳол унинг бошида савол ёмғири ёғдирилди:

– Қаердан?

– Ким?

– Исми нима?

– Нима иш қилади? Уқиганми?

– Отаси, онаси қаерда, кимлардан?

Шунда отаси қўлини мушглаб столнинг устига урди:

– Эй болалар, жим бўлинглар, муҳлат беринг-да. Савол, қатор саволлар бераверасиз. Нима бўлди?

Ҳамма жим қолди. Мурод эса кулимсираб хонага бориб келди ва қўлида бир суратни келтирди. Қизлар дархол онасининг бошига йиғилишиб, расмга диққат билан боқдилар. Бири гапира бошлади:

– Чиройли экан, сочи бирам ярашиқли.

Онанинг шодликдан юраги жойидан чиққудек бўлиб, кучли урарди. Ахир унинг хам орзуси, истаги бор. Йиллар давомида рўзгоридан орттириб, секин-секин болаларининг тўйи учун тайёргарлик курарди. Оёққа турди:

– Келиннинг кўнраги юринлар. Кўринлар, келинимга нималарни олди. Келин ва хонанинг бир бурчагида тахланиб устига нақшли чиройли сузана ташланган сандик томонга юрди.

Қизларнинг бири суз бошлади:

– Э, э ...она, у сизнинг даврдаги сарполар-ку. Энди замон узгарди. Энди ҳамма нарса бор, бир куннинг ичида олиб, ҳаммасига улгурасиз.

Мурод онасининг дилини оғритишни истамади:

– Кетдик, кўрайликчи она, сиз ҳам келинг, қизлар, кўрайликчи, гузал онам, шу йилларда келин олиш учун қандай тайёргарлик курибдилар экан...

\* \* \*

Улар Шаҳидлар хиёбонини кездилар. Биринчи навбатда Мурод ва Фаризанинг қабри устига бордилар. Айтишга эҳтиёж йўқ эди. Ҳар иккиси уларнинг севги афсонасини биларди. Физза ҳали бола эди, олти, етти ёшларда чамаси. 1990 йилнинг 20 январ кунида рус қўшинлари ўраб олган халқага қарши қурол олганда Мурод ҳам рус қўшинларига қарши чиқади. Баррикадалар куриб олганларнинг Бокута киришига қарши бўлганлар қаторига қўшилади.

Ҳайратланарли, рус аскарлари ҳеч кимга омонлик бермайди, аҳолини қирғин-барот қилади. Натижада 137 нафар киши шаҳид бўлди, 1000 дан ортиқ инсонлар жароҳатланди. Шаҳид бўлганлар орасида Мурод ҳам бор

эди. Олти ойдирки, ҳалок бўлганлар учун Фариза бу айрилиққа чидолмай, алам чекди. Ҳайратланарли! Бирини шаҳид қилдилар, иккинчиси ҳам шаҳид бўлди.

Сўнгра улар шаҳид қабрларга қараб-қараб, Абадий машғал комплексига яқинлашдилар. Бу ердан денгиз ва шаҳар гўзал кўринар эди. Икки ойдан ошдики, нишонлидир. Икки ойда бу уларнинг иккинчи кўришиши эди. Шу йил октябрь ойи салқин бўлди. Эгниларида калин бўлмаган қуйлак бор эди. Физза оқ, Мурод эса қора рангдаги кийимда эди. Бу икки ойда ҳали бир-бирларига у қадар яқинлашмадилар.

Физза денгизга қараб-қараб унинг яқинига борди, сул тарафдан унинг юзини, кўзини назари билан кузатди. Ҳис қилдики, Муроднинг назари бир нуқтага тикилиб қолгандек эди. Унинг кўзи йўл терарди.

Қиз унинг касби ҳарбий эканлигини биларди, аммо аниқ нима иш билан машғул бўлишини билмасди. Ҳар сафар Муроддан сураганда, у аввалдан партизан каби жуда оз гапириб, Физзанинг олдига шарт кўярди:

– Кел, яхши гаплардан гаплашайлик, жоним! Оилада ҳарбийдан савол бермайсан. Инда ҳарбийман, уйда оила бошлиғиман. Уйда оиламиз ҳақида, қўшни-қариндошдан, дўстлардан гаплашайлик. Розимисан?

Қиз ҳам кулиб, ширин жилмайиб, розилик аломати сифатида бошини тебратди.

– Мурод, сенга бир саволим бор. – Физза унинг юз, кўзларига меҳр билан боқди. – Сен сўз бер, самимий жавоб берасан. Розимисан?

Мурод кўзларини қисиб, жилмайиб кулимсиради:

– Розиман, – деди. – бер, саволингни.

Қиз жиддий тус олди:

– Бу унаштирилганимиздан кейинги иккинчи кўришишимиз. Ҳар икки учрашувни ҳам Шаҳидлар хиёбонидан бошладик. Нега? Ўйлашимча, унаштирилганларнинг кўришиш жойи жуда романтик маконларда бўлиши керакмасми?!

Мурод хаёлга чўмди. Аммо бу саволга жавобини билмасликдан эмасди. Аксинча, Физзанинг ҳам мантиқли саволига, ҳам диққат эътиборига ҳайратланди, қизнинг сўзлари маъноли ва бир-бирини тўлдирарди.

– Тўғри мушоҳада юритибсан, жоним! – бироздан сўнг деди. – Биласан, ўлкамиз муҳораба шароитида, ҳар онда уруш бошланиши мумкин. Усиз ҳам чегарадан ўлим, ярали хабарлар келаяпти. Ўйлайманки, у шаҳид қабрларини кўрсатди, мен ҳам қачонгача тупроқ устида юра оламан.

У тилига шаҳид бўлиш сўзини келтирмади. Биларди, шаҳидлик жуда юқори мартаба ва ҳамма одам ҳам бу мартабага эриша олмайди. Яна жилмайди.

– Бироз сени бу ерларда айлантираман. Ҳеч вақт ёдингдан чиқармагин, келажакда уруш шароитида бўлган бир давлат зобитининг хотини бўласан. Буни унутма!

Физза унинг елкасига суянди. Айни дамда у дунёнинг энг бахтиёр қизи эди. Малакдек учишга фақат қанотлари йўқ, аммо келажакдан жуда хавотирда эди. Биларди, ҳарбийлар бир кун уйда бўлса, бир ҳафта қаерга юборсалар ўша ерларда қолади.

– Буни унутмайман, – деди, – бас қил! Оллоҳ кўрсатмасин, қулоқлар эшитмасин. Сенга бирор кор-ҳол бўлса, нима қиламан, қандай яшайман?

Мурод қўли билан шаҳидларнинг қабрини кўрсатди:

– Нима биласан, буларнинг оилалари йўқ эдимиз? Кўр, қанча оилалар бошсиз қолди, қанча қизлар. Қанча келинлар, оналар, уларнинг фарзандлари яшамокдалар, уларнинг қаҳрамонликларини келажак насларга етказадилар, мен сенга куймасликни ўргатаман жоним. Сенинг сабрли бўлишингни истайман. Бу шундай сабрки, гуё у тошни тешадигандек.

Физза фаҳр билан, айни замонда ҳазил билан жавоб берди:

– Менга тоғ керак, менинг тоғим сенсан, суянчиғим сенсан, – пичирлаб деди, – ишқим, севгим сенсан. Аммо сўз бер, борлиғим, тоғим бўлсангда, мени ҳеч қачон тоғ демай-

сан. Битта тоғ етади. Иккинчи тоғ бизга керакмас. Сен тоғ бўл, мен унинг чуққисида туришни хоҳлайман.

Қизнинг илҳом билан, шоирона лутф билан айтганлари Муродга ёқди. Уйлади: “Дейсанки, шарбат олдим деб, асал чиқибди. Баракалла!”. Яқин кунларда Физзанинг айтган шеъри ёдига тушди. Ютина-ютина деди

– Яхши, розиман, уйда бир тоғ бўлсин, менинг энг баланд чуққим сен бўласан. Розимисан? Ҳа, сенга бир байт шеър кўшаман. Сенсиз бўлганимда, сен ҳакингда уйлаганимда ёзгандим. Истайсанми, айтаман?

Қиз ажабланди:

– Менга атаб шеър ёздингми? – деди севинч билан, – Мен жуда бахтли инсонман!

Севинчла ғам, орада тул,  
Ё Рабб, сирмиш бунча кўнгул,  
Гул узганда ёришмас гул,  
Гул ҳам сулар кулиб-кулиб...

Физзанинг ҳеч ишонгиси келмас эди, унинг Муроди бундай гузал шеърни ёзган бўлса. Овоз чиқариб шеърни бир неча марта такрорлади. Хотираси кучли эди. Биларди, ҳеч қачон бу шеър ёдидан чиқмайди. Унашган инсонига гурур билан қаради. Бу курд қарашли уғлон туғрисида ва орқасида тоғдек суянчиғдир.

Фуникулор денгизканорли парккатушибанча айландилар, суҳбатлашдилар, келажакдаги оила режаларини туздилар. Улар жуда бахтли эди.

Икки ойдан кейин Мурод билан Физзанинг муҳташам тўйи бўлиб ўтди.

## ***XI аср, Кур қирғоғи***

...Карвон аҳли келганларни қочоқ-жулдур қийимда бўлмаганини куриб бироз тинчланди. Карвонбоши жадал юриб остонага яқин келган отнинг жиловидан тутди ва “хуш келибсиз” дея қаршилади.

– Хуш келибсиз! Келинг, жойлашинг, Аллоҳим берган ризқ-насибадан еб, ичинг.

От устидаги одам ҳам оғиз очди ва уктам овозда суради:

– Соғу омон булинг, сиз қаердан келиб, қаерга кетасиз?

Карвонбоши қўлини карвонсарой тарафга узатди.

– Табриздан Бокуга қараб йўл оламиз. Бу ердан йўлимиз

Ганжага.

Бу дафъа бир айри отли сарт овозида сурашди:

– Карвон кимники, а биродар?

Карвонбоши отликнинг бу сартлилигидан пинагини бузмади.

– Карвон Султон Алп Арслонники, – деди. Сунгра кийимининг ичидан букланган бир қоғоз чиқариб унга узатди.

Отлик қоғозни олиб эҳтиётлаб очди, уқиб булиб қайтариб берди.

– Жуда яхши, – деди. – мен Ширвондан Ферибузин уғли Фаридун бейман. Шоҳимиз Кур қирғоғига овга чиқдилар. Пастда сизнинг ҳайвонларингизнинг овози эшитилганда, қўнғироқ овози қулоғимга чалинганда, тушундимки, бу карвон узоқдан йўл босиб келяпти ҳамда меҳмондилар. Шоҳимиз мени сизнинг олдингизга юборди, яъни сизни унинг чодирига меҳмонга таклиф қиламиз.

Яна қўшиб қўйди:

– Бир эшитайликчи, дунёда нима гап бор, нима йўқ? Ахир савдогар халқи бутун дунёни кезади.

Карвонбоши таажжубланди:

– Ҳаммамизни меҳмонга чақирдиларми?

Шаҳзода мулойим кулимсиради:

– Албатта йўқ! Карвонбошини, Султон салоҳиятли вакилни таклиф қилади.

Ҳамманинг юзи Уста Мурод тарафга ўирилди. Бой билан косиб, ҳаким билан мазлум, оға ила навкар дарҳол танланади. Бу ерда инсонлар буйруқ берадиганларга ва буйруқни маромига етказиб бажарадиганларга булинади.

Соҳиблари ўз хизматкорларига қудратларини кўрсатишар, узидан баландда турган шахсларга эса ялтоқланардилар.

Бу ерда таом пишириб, уни тайёрлаб дастурхонга торганлар билан дастурхон бошида чордана қуриб уни мазза қилиб еганлар орасида еру осмонча фарқ бор.

Фақат шоҳ тўйганидан ва дастурхон йиғиштирилганидан кейингина хизматчилар шоҳ дастурхонидан қолганларини ейиши мумкин. Аммо бунга ҳам баъзан вақт етмай қоларди. Шоҳ дастурхони учун шунчалик кўп овқат пиширилар эдики, хизматчилар бу дастурхонни йиғиштириб тозалаб олгунларигача, қозону товоқни ювгунча янги овқатни пиширишга тайёргарлик бошланарди ва шу билан вақт жуда тез фурсат билан ўтиб кетарди.

Чодирларнинг тиргақларига овланган баъзи ҳайвонлар ва ов қўшлар осиб қўйилган. Атроф дарахтзор ва ям-яшилликка бурканган манзарадан иборат эди.

Меҳмонлар чодирга кирганда ўзгача, қаттиқ бир ҳаяжон билан ўтирдилар. Шоҳ башанг кийинган, чунки Гулистон қалъасида расмий меҳмонларни ҳам шу тарзда қабул қиларди. Жуда шоҳона либоси бор эди. Кўринишидан шоҳ Фарибурз унга “Овчи Фарибурз” дейишларини хоҳламасди. Ҳар ҳолда меҳмонлар дунёни ларзага келтирган Алп Арслоннинг расмий бўлмаса ҳам яқин одамлари. Улар Султон ҳақида ва йўлда кўрган, билганларини унга айтиб бердилар. Ширвондан ўзи ҳақида ёмон таассурот эмас, балки дабдаба яратишни истарди.

Қўноқлар унга бош эгиб эҳтиром кўрсатганларида Фарибурз тик туриб табассум билан уларга яқинлашди ва:

– Хуш келдингиз, азиз меҳмонлар! Афсусдаман, сизни саройимда кутиб ололмадим. Насибамиз шу ерда кўришиш экан. Яқин йўлингиз тош-кесакли бўлмасин деб Шомаҳидан эмас, чулу биебондан ўтибсиз. Менга чегарачиларим шу ҳақда айтганда, уйладим, ҳам овга чиқай, ҳам сизларни кўрай, бироз суҳбатлашай деб. Ахир сизлар дунёни кўп кезасизлар, кўп нарсаларни кўрасизлар, кўп нарсаларни биласизлар, –

сўнг ҳазиломуз кўшимча қилди. – Айтишадик, тоғ Муҳаммадга яқин келмаса, Муҳаммад тоққа яқин келади!

Меҳмонларга ўтиришга жой кўрсатди.

– Марҳамат қилинг, азиз меҳмонлар!

Фарибурз ўғли билан биргаликда меҳмонларга юзма-юз жойлашди, икки қўлини урди. Дарҳол ичкарига хизматчилар кирдилар, дастурхон ёзилди. Бир зумда дастурхонга юз хил нозу неъматлар қўйилди.

Шоҳ:

– Марҳамат, хурматли меҳмонлар, “бисмиллаҳ” дедик, ош бўлсин! – дея парранда гўшгининг бўлагини оғзига олиб борди. Меҳмонларнинг ҳам қўли ихтиёрсиз равишда парранда гўшти қайласига узатилди. Шоҳ овқатни иштах билан еб, оғзидаги бўлакни ютганидан сўнг яна деди:

– Қандай жойларни кўрдингиз, қаердан келиб, қаерга кетаяпсизлар?

Шундай деса-да, ўғли унга карвон ҳақида батафсил маъруза қилган эди. Карвонбоши гапирмасдан ўнг қўлини сийириб, кийимининг ич тарафидан қизилдан ясалган ва тош-қошлар билан безатилган ханжар чиқарди. Одатда, сафарга чиққанда ўзи билан ҳар эҳтимолга қарши бир неча ҳадя олиб юрарди. Баъзан бундай ҳадялар карвонни ҳар қандай таҳликали вазиятдан халос этар, ортиқча гап-сўзларга нуқта қўярди.

У ханжарни узатиб деди:

– Шоҳ ҳазратлари, изн берсангиз, лойиқ бўлмаса ҳам, Сизга шу кичик ҳадямни тақдим қилсам. Сиз билан бундай тарзда кўришишимизни билмадик, бўлмаса, Сиздек шоҳларга лойиқ ҳадяларни ҳузурингизга келтирган бўлардик.

Шоҳ ҳадяни миннатдорлик билан қабул қилиб олди ва у тараф, бу тарафини кўриб, секин ёнига қўйди, аммо яна бояги саволини қайтарди.

Карвонбоши шаҳзодага айтган сўзларини яна қайта такрорлади:



– Шоҳ соғ бўлсин! Табриздан Бокуга, Бокудан эса Ганжага кетаяпмиз. Юкларимиз фақат қора ёғ тадоригидир. Султон ҳазратларининг амридир.

– Шунча қора ёғни нима қиласизлар?

– Шунчаки, бир неча йиллик эҳтиёжимизни тўлдираемиз, – бироз дудуқланиб қўшимча қилди. – Албатта, билсангиз, шоҳ ҳазратлари, Боқунинг қора ёғи битиб туганмас-ку! Аммо биз фақат дарёдан бир томчи келтирдик, холос. Қолганларни шоҳ ҳазратларининг ўз ихтиёрларидадир. Ундан нимага ишлатишни шоҳ ҳазратлари ўзлари яхши биладилар.

Аслида қарвонбоши ҳам Султоннинг шунча қора ёғни нима қилишини билмас эди. Бу фақат Уста Мурод ва Алп Арслонга маълум эди.

Шоҳ иккинчи саволни берди:

– Қайси бирингиз Султонни кўргансиз? – сузига аниқлик киритди. – Яъни айтмоқчиманки, у билан алоҳида гаплашганингиз борми?

Қарвонбоши Уста Муродга қараб:

– Мен кўрганман, шоҳ ҳазратлари! – деб қўлини Уста Мурод томонга узатди. – Аммо Уста Мурод ҳам у билан кўришиб гаплашган.

Шоҳ бир қўл тум кийик ўтидан тайёрланган сувни ичди ва уй суриб, яна гап бошлади:

– Жуда яхши. Тез-тез у билан кўришиб турасизми, Уста Мурод? Агар у билан кўришсангиз, демак, Султоннинг назари вожиб ерларнинг бирини бошқарасиз, лозим бўлган муҳим ишларни кўрасиз, бажарасиз.

Уста Мурод шоҳнинг ундан гап олмоқчи бўлганлигини тушунди. Шоҳ Фарибурз унинг шу ерга келишининг асосий сабабини билишни истади. Энг катта найранг тўғрилиқдир. Асосий сирдан бошқа қолган ҳар бир иш шу ерда билишга муносиб ҳисоб эди.

– Шоҳ ҳазратлари! Мен Султоннинг оддий темирчисман, силоҳ, отларга нал тузатаман, бузилган, синган қурооларни ясайман. Султонимизнинг вақти бўлганда темирчилик

устахонамга келадилар, хамиша ўз отининг налини тузатишимни айтади. Шундай вақтлардагина у билан гаплашаман, суҳбатлашаман, баъзан дунёнинг келиб-кетишидан ҳам суҳбатлашамиз.

Шоҳ сирли тарзда кулимсиради ва яна бир саволни берди:

– Яхши, ундай бўлса, Султон ҳазратлари қора ёғ учун темирчини нега юборади?

Уста Муроднинг юраги шув этиб кетди. Ўзини қўлга олиб қатъият билан жавоб берди:

– Шоҳ ҳазратлари! Қора ёғни Султон ҳазратларининг карвони билан юборишни карвонбошига бош вазир Низомулмулк буйруқ берган, – карвонбоши унинг сузларини боши билан тасдиқлади. – Мен эса Султондан шуни хоҳладим, бу сафар карвонга мен ҳам қўшилсам, бориб бошқа мамлакатларни кезсам, бизнинг ҳунаримиз-санъатимизда нима янгиликлар борлигини ўз кўзим билан кўрсам дедим.

Мен умрим бўйи Гойча ва Табриздан бошқа ерларни кўрмадим. Билганларим эса устозимнинг ургатгани. Энди кўрдимки, яхши ҳам келган эканман. Боқуда налнинг неча хил тайёрлашларини кўрдим. Уни кўп давомли бўлсин, ҳеч чиримасин деб қора ёғда урар эканлар.

Уста Муроднинг жавоби Фарибурзни у қадар қониқтирмади. Бу унинг тунд чехрасидан ҳам билиниб турарди. Аммо жуда чуқур кетишни ўзи ҳам истамади. Энди бу устани мажбурлаб, ундан гап олиш яхши иш эмасди. Бу Султоннинг қўшини, лашкари кўпми дея бошқа бир савол берди.

Уста Мурод бу савол билан тахликадан қутулганини тушунди. Яйраб тилга кирди:

– Қўшин-лашкари сони-ҳисоби йўқ, шоҳ ҳазратлари! Халқ бир армиядир. Урушганда ҳамма урушади, урушмаганда эса ҳеч ким. Ўзи ҳам Оллоҳнинг йўлида, Исломи аҳкомиде юради.

Шоҳ эринмай Муродни саволга тутарди. Яна бир савол берди:

– Султоннинг hozir qushini kaerda, u kaerga xujum qiliшни istайди?

У уиламасдан сўзлади:

– Ҳозир Алп Арслоннинг қўшинлари Ани шахрининг яқинида. Куп ўтмай уни тасарруфига олади.

Ферибурз таажжуб билан суради:

– Нега шунчаки Ани? Мен биламанки, у шаҳар тижорат йулининг устида жойлашган.

Мурод бир қултум мева шарбати ичди. Пиёлани ерга қўйиб, гапира бошлади:

– Масала шундан иборатки, шоҳ хазраглари! Ани шахрининг учдан бири мусулмон туркманларидан, учдан бири византияликлардан, учдан бири эса армани христианларидан иборатдир. Иш шу жойга бориб етдики, Византия императори бир қанча фикрларни асос қилиб олиб шаҳарга армани фуқарони ҳоким этиб тайинлаган.

Ана шу вақтдан бошлаб мусулмонларнинг қуни қора бўлиб, ойни булутлар қоплаган. Ўз қавмидагиларга вазифа тайин этган бу армани ҳоким мусулмонларга зулм қилади, осади, кесади, булар-бўлмасга ерларини тортиб олиб, одамларни улдиради, қиз-келиндарининг номусига тегади, кул каби, жория каби христианларга сотади.

Бир сўз билан айтсам, у шуни истайдики, мусулмонлар Анидан чиқиб кетсинлар ва шаҳар фақат христиан шаҳри бўлсин. Туркманларнинг оқсоқоллари Султонимизга хабар кбориб, уни бу гаплардан хабардор қилдилар. Султонимиз ҳам сўз бердики, Анини яқин вақтларда ҳал этаман деб. Мана шунинг учун ҳам Алп Арслоннинг қўшини Ани яқинида.

Ширвоншоҳ унинг батафсил гапирганидан қониққан бўлса ҳам, мусулмонларга қилинган зулмдан паришон бўлди. Юзини уғлига буриб суради:

– Бизнинг мамлакатда армани, ё христиан яшайдими?

Шаҳзода дарҳол жавоб берди:

– Хайрли, шохим, Ширвонда армани йўқдир, христианлар яшайдилар, аммо улар ўзларини албан туркманлари

ҳисоблайдилар. Қадимдан шу ерларда черковлар қурган, ибодатларини ўша ерда қиладилар. Тинч ҳаёт тарзида кун кечирадилар.

– Қорабоғдачи?

– Қорабоғда ҳам армани йуқ, у ерда ҳам албанлар яшайдилар.

Шоҳ навбатдаги саволни бера оларди. Аммо бундай қилмади.

У бир оғир гавдали темирчининг вужудига уйғун келмаган жуда нозик ва асил сиёсатчидек фикр юритганининг фарқига борди. Аммо қаршисида ўтирган бу одамнинг қадок қўллари ҳақиқатдан ҳам унинг темирчи эканлигидан дарак бериб турарди.

Шоҳнинг тикилиб қарашларидан “Бизда бундайлар нега йуқ” саволини берса буларди. Яна фикрига куч бағишлади: “Бутун Салжуқ ҳукмдорларидан фойдаланиш керак. Янги дунё учун, ўғиз-салжуқ ҳукмдорларининг ҳукми уйғун келади.”

Хаёлидан яна “Бу туркманларнинг темирчиси бунингдек турфа фикр юритганда, ундан юқорилари қанчалик ақлли булса” деган фикрлар кечди.

Ширвоншоҳнинг фикрга толиб қолиши ҳам Уста Муроднинг назаридан четда қолмади. Сўради:

– Билмадим, саволларингизга батафсил жавоб бера олдимми ёки йуқми, шоҳ ҳазратлари?

Фарибурз ўрнидан турди. Ҳар икки қўноқ ва шаҳзода ҳам турдилар. Ва бу ҳолат қабул тугаганини, кетиш вақти етганини англатарди.

Меҳмонларни кузатар экан, шоҳ юзини Уста Муродга қаратди:

– Тамомила муфассал маълумот, жавоб олдим. Султонни курганингда менинг хоҳиш, истагимни унга етказа оласанми?

Аслида эса шоҳ Шомаҳига қайтганидан сунг дарҳол Султонга чопар юборишни дилига туккан эди.

– Албатта, шоҳ ҳазратлари! Юборган ҳам соғ бўлсин, олиб борган ҳам омон қолсин.

Фарибурз ҳалитдан бери ўйлаганларини тилига чиқарди.

– Султон ҳазратларига етказгинки, мен унинг ёнидаман, нима ёрдам керак бўлса, қилишга ҳозирман!

– Бош устига, шоҳ ҳазратлари, етказаман!

### *“Овчи” овга чиқади, 2013 йил, декабр.*

Уша кун ҳарбий қисмда машғулотлар биров кеч тугади. Машғулотнинг асосий мақсади ёмғирли ҳавода уч соат овозсиз қолиб, жойида рақибига билдирмай, ҳаво шароитидан фойдаланиб, оддий душманни кутмаган еридан зарба бериб зарарсизлаштиришдан иборат эди.

Учинчи соат тугар-тугамас шартли душман объектлари йўқ қилинди. Командир махсус тайинланганларга миннатдорчилигини билдирди, кўрсатма берди, бор-йўғи икки соат вақтлари бор, бу муддатда кийимларини қуриштириб, узларини тартибга келтиришсин. Майор Мурод Мирзаевга эса алоҳида буйруқ берди:

– Майор Мирзаев, икки соатдан кейин кабинетда кутаман.

Мурод ун қулини қулоғининг ёнига олиб бориб:

– Бош устига, жаноб командир! – деди.

Икки соатдан сўнг Мурод командирнинг кабинетига вақтида етиб келди:

– Жаноб командир, буйруғингизга биноан...

Командир унинг охиригача маъруза қилишга имкон бермади:

– Кел, утир, Мирзаев!

Мурод утиргунга қадар телефоннинг қўнғироғи жиринглади. Командир телефонни кўтариб “Алло” деди, овоз эшитилган заҳоти дарҳол узини йиғиштириб, ўрнидан турди. Мурод ҳам ўрнидан турди.

– Эшигаман, жаноб вазир!

Телефоннинг нариги тарафидан овоз эшитилди:

– Жаноб генерал, вазият қандай?

– Соғуомонбулинг, жаноб вазир! Нокулай ҳаво шароитида ҳарбий бўлимнинг жанговарлик қобилиятини йўқотиш мақсадида олиб борган машғулотларни битирдик. Шартли душман постлари асосий тайинланганлар тарафидан аъло даражада ўтказилди, “душман” асир олинди.

– Жуда яхши, жаноб генерал! Машғулотларни бир зум ҳам бўшаштирманг, – командир телефонда унинг истехзоли овозини ҳис қилди. – Суворов айтганидек: “Машқда ҳар қанча қийин бўлса, жангда шунчалик осон бўлади”. Тушунарлими?

– Албатта, жаноб вазир, худди шундай. Нуқтаси, вергулигача ҳаммасини тўғри айтдингиз.

Вазир тасдиқлади:

– Ҳа, худди шундай, Суворов тўғри айтган, аммо узимизникилардан ҳеч ким мисра келтирмайди. Масалан Нодир шоҳдан, Амир Темурдан, Шоҳ Исмоилдан... Эшитинг, Нодир шоҳ қўшини ҳақида нима деган: “Менинг қўшим бир муштдир! Муштимни қаерга йўналтирсам, қўшим уша ерга кетади”. Биласанми, бу нима дегани, генерал?

Генерал бироз тўхтади.

– Бу, демак, армияда ғалабанинг асосий калити низоминтизом, тартибда дегани.

– У бўлган жойда машқлар жуда кўп бўлган, жанговарлик қобилияти ҳамиша юқори даражада бўлган. Нодир шоҳ Суворовдан тахминан олтамиш етти йил олдин Ироқда Янқиз тоғидан ошиб ўтиб, душманга орқадан зарба бериб ва бунинг натижасида бугун Ироқни қўлга киритган. Наинки, Ироқни, ҳатто Ҳиндистонни, Ўрта Осиёни ҳам ўзига тобе этган.

Агар Нодир шоҳ христиан бўлганида, дарҳол Суворовдан олдин у ҳақида ўрганарди, ҳарбий иш тарихида ундан мисоллар келтирарди. XIX асрнинг тадқиқотчилари уни Шарқнинг Наполеонига ўхшатардилар. – вазир фикрларини тугатиб асосий масалага ўтди.

– Бугун, булар туғрисида қисқача айтганим шуки, Бизнинг ҳам шонли ҳарбий тарихимиз бор ва бу тарихни аскарларга, зобитларга билдириш лозим. Аскар ҳарбий тарихи билан ғурурланса, боболарига муносиб бўлиш учун қаҳрамонлик қилишни истайди. Энди эса асосий масалага ўтамиз. Сизга бериладиган топшириқ уч кун муддатида бажарилиши шарт. Тушунарлими?

– Тушунарли, жаноб вазир! – генерал ўзини хотиржам ҳис қилди.

– Топшириқни кимга буюрасан?

– Майор Мурод Мирзаевга, жаноб вазир. Ҳозир ўзи ёнимда, амалиётнинг деталларини музокара қилмоқчи эдик.

Вазир унинг ечимини ўйлади:

– Ҳа, Арманистонда овоза бўлган “Овчи”ни назарда тутяпсанда, ечиминг яхши, аммо амалиётга бирузи кетмасин. – Эсига нимадир тушгандек қулди ва яна сўради. – Менга қара, Мирзаев, “Овчи” тасодифан сенинг қариндошинг эмасми?

Генерал бироз тутилгандек бўлди, аммо дарҳол жавоб берди.

– Туғри, жаноб вазир, биз деярли қариндошмиз!

Вазир телефон суҳбатини якунлади:

– Яхши, сизларга омад, аммо ёдингдан чиқарма! Уч кун вақтингиз бор.

Командир телефоннинг гушагини қуйгандан сўнг эркин нафас олди, креслода айланиб, стаканга сув қўйиб ичди. Қули билан майорга ўтириш учун ишора қилди. Муродга қараб деди:

– Узинг ҳамма гапни эшитдинг, вазир бизга уч кун муҳлат берди.

Мурод ҳали қайси амалиётга кетишини, қайси жойга кўборилишини билмасди. Шунинг учун сўради:

– Командир, мен нима қилишим керак, шуни айтинг, амалиётнинг моҳиятини тушунтиринг.

Генерал хотирасидагиларни янгилагандек бўлиб, қўлини пешонасига тираб, гап бошлади:

– Вазир билан суҳбат, мени бироз чалгитди, – кулди. – Яна ишимизга ва бизга қўйилган топшириққа қайтамыз.

Шу пайт осмон гумбурлаб, чақмоқ чақа бошлади. Стол устидаги топографик харитани келтириб Мурод билан юзма-юз ўгирди. Харитани очиб, унинг қаршисига қўйди.

– Хуллас, топшириқ шундай. Мурод, душман тарафида икки махсус снайпер пайдо бўлган. Жуда гумонли, балки атайин ёллангандир. Тинч аҳолининг кўзини очирмайди, чироқ ёқишга қўймайди. Мол-ҳолини олиб кетиб, ташқи ҳовлига чиққанни ўлдиради. Бир сўз билан айтсам, уларнинг отгани отишмадагидек жойига тушади. Аскарларимиз ҳам саргардон, бошларини кўтара олмайдилар. Бизнинг снайперлар ҳам уларнинг каердалигини тополмаяпти. Бир марта отишма бўлган жойга иккинчи марта отмайдилар. Жойини энг ками билан йигирма-йигирма беш метр масофага ўзгартирадилар

Камфуляжларига ҳам гап йўқ. Атрофдан, табиатдан ҳеч ажратиб бўлмайди. Аҳоли ва аскарлар орасида ваҳима кўтариляпти. Социал ношуд-кўппаклар маълумотлар жойлаштирадилар, армиямиз ҳақида салбий фикр яратадилар. Сенинг вазифанг уларнинг ерини ошкор қилиб, ишғол қилиш. Бирортасини асир ололсангиз, жуда яхши, келтира олмасангиз икковини ҳам йўқ қилинг. Мана шу ҳолат. Топшириқ тушунарлими?

– Тушунарли, жаноб генерал! – харитани кўрсатиб сўради. – Снайперларини каердан отадилар?

Командир қаламини хаританинг юзида айлангириб бир нуқтада тўхгади.

– Қара, улар тахминан шу ерларда ҳаракатланади, аммо доимий ерлари йўқ, бир кўринишсиз адаптирувчи снайперлар.

Мурод харитага диққат билан қаради. Бошини силкитди:

– Мен бу ерларда кўп бўлганман, рельефи оғир, қоялик, ўрмон, ҳатто ёрлари ҳам бор. Бундан юқори томони кент,



гуё ҳовучнинг ичидагидек, ҳамма нарса ойдин кўринади. Табиий, кентдан пастда жойлашган сангардаги аскарлар ҳам уша пайт назоратда буладилар, – нимани билса, кўшимча қилди. – Аммо топшириқни бажариш мумкин. Армиямиз учун бажара олмайдиган топшириқнинг ўзи йўқ. Иншааллаҳ, бунинг ҳам уддасидан чиқамиз.

Командир “Омин” деди ва суради:

– Кўрамиз, бошингда кўп режаларинг бор. Нима қилишни хоҳлайсан? Ўзинг билан неча нафар одам олиб кетасан? Балки иккисини ҳам, Нурланни, Мухутни ҳам кўшимча қиларсан.

Мурод эътироз қилди:

– Йўқ, командир, тўрт нафари етарли.

Сунг планини генералга тушунтира бошлади. У тушунтирганда командир бошини тебратиб рози булганини билдирди, айрим муҳим маслаҳатларни берди. Мурод суҳбатни якунлаб, деди:

– Рухсат берсангиз тайёргарлигимни курасам, йигитлар ўртасида вазифаларни булишаман.

Генерал деди:

– Аммо ёдингиздан чиқмасин, сизнинг уч кун вақтингиз бор...

...Қиш. Қуёшнинг нурлари кўзгунинг устига тушганда, кўзгу порлаб ялтирайди. Аммо кўзгу бир ерда турмасди. Тинимсиз кезарди. Рубин қоянинг устидаги қарағайдан беш юз метр оралиғида кейинги бутазорни милтигининг бинокли билан кузатарди. .

– Жупен, Жупен, мени эшитяпсанми?

Рациядан овоз келди, ўзи француз тилида:

– Ҳа, Рубин, эшитаяпман, нима бўлди?

– Жупен, беш юз метр оралиғида, бутазорда кўзгу порлаяпти, у ерга бир қара.

Жупен унинг айтгани учун бутазорга дурбинда қаради, туғри эди, икки кўзгу порларди, нур анча вақт қимирламай туриб, гоҳида ўннга, гоҳи юқорига қалқиб турарди.

– Ҳа, кўрдим, охирги бугазор жуда ёрқин порлаганидан кўзимга ҳеч нима кўринмади. Бу нима бўлиши мумкин?

Жупен эътироз билдирди:

– Йўқ бироз сабр қил. Куёш бизнинг тарафда, ҳали бироз уларнинг оптикасини ёритиб туради. Ярим соат кутайлик.

– Кутайлик, нимани кутамиз? Караб кўр, менинг нишоним кўзгу оптикасининг ичида турибди. Отайми?

– Йўқ, отма, бу пистирма бўлиши ҳам мумкин, бироз кутайлик.

– Ара, ахир нимани кутамиз? – Рубин рацияда пичирлаб гапирди.

– Олдинда узимизникилар, орқада эса сизникилар. Уларнинг қурбонига айланишни кутамизми?

Рациядан овоз эшитилди.

– Унда бундай қиламиз. Сен отма, қайрағочдан тушунимча вақт кетади. Ҳаракат қилиш эса сенинг турган ерингни билдириб қўяди. Мен отаман, сен эса бугазорни диққат билан кузат...

...Беш юз метр оралиғидан уларни беш жуфт кўз диққат билан изларди. Бундан бир соат олдинроқ елкасидан бир ўқ отилди. Мурод уларнинг турган жойини тахмин қилди, бироқ ҳар икки снайпер қоя тарафдан ёки дарахтданми билолмади. Қарши тарафда ҳеч қандай ҳаракатни сезмади.

Ўлим даҳшати чўмган бир сокинлик эди. Милтиқларга овозини пасайтирувчи мослама қўйилганидан ўқ отиларкан ёлғиз уни тутуни кўринарди, холос. Бундай ахволда кетса, “Овчи” уч кун қолиб, бир ҳафтада ҳам уларни топа олмасди. Бирдан ўқотардан чиққан тутунни кўриб, рацияда Нотик ва Бобекка топшириқ берди:

– Ҳозирлан, манимча, улар қояликда. Уларни қизиқтириб, тузоққа олиш керак. Ишга киришинг!

Рациядан овоз эшитилди:

– Хуп, командир!

Нотик ва Бобек кўзгуларнинг қопкоғини беркитиб пастга, юқорида қолган бугазорга эмаклаб-эмаклаб кетдилар.

Қолган уч нафарнинг қузларига қуролдошларининг оптикаси тушмас эди, улар қарши тарафни диққат билан қузатардилар. Орада “Овчи” сабрсизлик қилиб ўзига-ўзи гапирарди: “Ҳа, бул, ўт оч, нимани кутасан, қурбонлик ўз оёғи билан келади”.

Ўқ отилди. Қўзунинг чил-чил синган овози эшитилди. Ҳар учаласи қоянинг устидан аввал чакнаш аралаш тутун чиққанини, кейин эса ҳаракатланаётганларни кўрдилар. Снайпер жойини ўзгартираётганди.

Мурод рацияда секин пичирлади:

– Биттасининг жойи аниқ, иккинчиси қолди. Нотиқ, қайси бирингизнинг қўзунгизга ўқ тегди?

Жавоб келди:

– Меникига, командир.

– Қўй унда, Бобек давом этсин, сен эса турган жойингдан қимирлама. Турган жойингдаги буталар ҳам қимирламасин, – Мурод буйруқ берди.

Бироз вақт ўтганидан сўнг иккинчи қўзғу ҳам чил-чил бўлди. Бу сафар Мурод қайрағочдан тушган шарпани кўрди, аммо жойидан жилмади. Тезда буйруқ берди.

– Иккинчи снайпер ҳам дарахт устида. Қимирлаганини кўрмадим, жуда гумонли, у ўша ерда турибди. Бобек жойингдан жилма. Мен, Панжали, Муҳаббат орқадан, юқори тарафдан уларни зарарсизлантиришга ҳаракат қиламиз. Ишорамни кутинг, унғача ҳаракат қилманг.

Уч нафари яширинган жойларидан чиқиб, бир километр оралиғидаги масофада тепага чиқа бошладилар. Энди жуда тез ҳаракат қилиш керак эди. Вақт энди ё ҳаётга, ё улимга тенг эди. Йўлнинг торлиги, буталарнинг тикани уларни тўхтата олмасди. Улар нима қилаётганликларини жуда яхши биларди...

...Иккинчи ўқ отилгандан кейин Жупен рация билан Рубенга деди:

– Ара, Рубен, иккисини ҳам йўқ қилдик. Бутазорда буталар қимирламапти. Бориб кўрсам, яхши буларди.

Рубен рози бўлмади:

– Нима керак, Ара? Уликлар жаҳаннамга кетсин!

Жупен эътироз билдирди:

– Ара, бундай дема, махсус снайпер кимни улдиришни билади. Бу одамга яна куч беради. Снайперчини улдириш биласанми, нима дегани? Қуролини қўмондонликка юборсак, айтиш мумкинки, маошимизни кўпайтиради.

Рубен унинг бу фикрига қўшилди:

– Тўғри айтасан, қуролларини юборсак, балки пулимизни оширадилар. Кечамиз, кундузимиз йўқ, берганлари пулга боғлиқ!

Жупен унга таклиф берди:

– Кел, бундай қиламиз. Мен бутазорга кетаман, сен эса турган ерингдан мени кузат. Қимирлаган жойни кўрсанг, ўт оч. Рация орқали алоқани узма.

Бу тарафдан овоз келди.

– Бўлди.

Жупен ўрнидан туриб қояликдан пастга тушиб, бутазор томонга илгарилади...

Қояликни дурбинда кўрган Нотик қимирлаётган ҳаракатни кўриб Муродга хабар берди:

– Командир, қояликдан битгаси эгилиб-букилиб биз томонга келяпти. Тез келиб қайтадиганга ухшайди.

“Овчи” буйруқ берди:

– Биз бу ердагини зарарсизлантирганимизга қадар ҳеч нима қила кўрманг. Жуда яқин қолдик. Бироздан кейин унинг орқасида бўламиз. Иложи борича уни тирик тутинглар.

– Хўп бўлади командир!

Мурод йигитларни тезлаштирди:

– Тезроқ йигитлар, узингиз ҳамма гапни эшитдиларингиз.

Энди уларнинг ҳаёти бизга боғлиқ.

Улар кўзлаган жойга егиб келдилар. Панжали снайперининг оптикиси билан ёлғиз қайрағочдан душманини қидиришни бошлади. Бу тарафдан қайрағоч ёруғ кўринганлиги учун уни топиш қийин бўлмади.

– Командир, мен уни кўряпман. Буйруқ нима бўлади?

Мурод ҳам дурбинда қайрағоч тарафни кўрди, дарахтда снайперчининг утирганини кўриб, дарҳол буйруқ берди:

– Уни ерга тушир! Шундай қилки, улиги ерга тушсин. Чунки уларда ҳам рация борга ўхшайди. Агар биттаси сезиб қолса, ишимиз йўққа чиқади. Ҳа, Панжали, маҳоратингни кўрсат.

“Улганларимизнинг, яраланганларимизнинг қасдини олишинг керак. Айни вақти ўзи ҳам”. Муҳаббат ҳам ҳар эҳтимолга қарши қуролларини қўзларига олиб борди. Овозсиз оташ отилди. Қайрағочда ўтирган снайперчи ўзини дарахтга боғлаб қўйгани учун ерга йиқилмади. Ҳаракатсиз ҳолда дарахтга осилиб қолди.

Мурод дарҳол пастдагиларга маълумот берди:

– Нотик, Бобек, биттаси тайёр бўлди. Энди навбат сизники. Уни зарарсизлантиринг, буун ҳаммаларингизни уйлариңизга юбораман.

Нотикнинг рациядан овози эшитилди:

– Бўлди, командир, аммо мени бир ҳафтага юборасиз.

– Сен уни ўйлама, Нотик...

Нималар бўлганидан беҳабар Жупен эҳтиёт бўлиб бута-зорга кирарди.

У Нотик ва Бобекнинг нишонидан эди. Улар биттадан елкасига тушириб, уни тирик тутишни келишиб олишди.

Ун беш метрлик масофада ҳар иккаласи кутилмаганда ўт очди. Армани нима бўлганини англаб олмасданоқ юзтубан ерга йиқилди. Нотик хабар берди:

– Командир, бу ҳам тайёр бўлди, манимча, тирик қолди. Қуролсизлантиришга кетяпман.

– Нотик, эҳтиёт бўл! – “Овчи” ташвишланиб топшириқ берди.

Нотик снайперчига яқинлашиб, уни орқадан утирмоқчи бўлди. Шу вақтда арманининг қўлидаги гранатани кўрди. Армани унинг ҳалқасини чиқаришга уринаётганда қўлини очди. Нотик гўё мушукдек келиб, уни ён томонга йиқитди.

Бир зумда унинг кўзи-унига янги туғилган боласи, сеvimли хотини келди. Бирдан баданидан иссиқ тер оққанини ҳис қилди. Граната парчалари унинг оёғини илма-тешиқ қилиб ташлаган эди.

Муроднинг рациядан овози эшитилди:

– У ерда нима бўлди, портлаган нима эди?

Бобек жавоб берди:

– Манимча, Нотиқ яраланди, командир.

“Овчи” дарҳол буюрди:

– Нотиқни кўтариб олиб, зудлик билан у ердан узоқлаш, эски йулимизга қайт, биз ҳам ун дақиқада етиб борамиз. Портлаш овозини эшитган ноҳақлар ҳозир галалашиб келадилар...

### *XVIII аср, Нодир шоҳнинг ўрдаси*

Аҳмад подшо сарҳадининг кучли мудофаа чегарасини қурди, истехкомлар яратди, деворлар қурдирди ва атрофида узоққа юрадиган оғир тупларга турадиган жойлар қилдирди.

Аҳмад подшо Бажилининг ҳеч эсига келмадики, Нодир шоҳнинг шундай бир амалиётни тайёрлай олади деб. Бу амалиётни ҳаётга татбиқ қилишини ҳам билмасди. Аммо Нодир шоҳ қонун чиқарди. Шу мақсадда шоҳ Муродхонни ёнига чақирди.

– Муродхон, сенга оғир бир топшириқ бермоқчиман. Демак, бу ҳал қилиниши мушкул бўлган топшириқ. Аммо биламанки, сен буни эплaysан, ёлғиз сен уддалaysан.

Муродхон қўлини кўкрагининг устига қўйди:

– Буюринг, шоҳим! Нимани амр этсангиз, бажонидил жойига қўйиб бажаришга тайёрман.

Чодир тепанинг устида қурилган усмонлиларнинг истехкомлари, орқасида эса тик қояли қорли тоғлар оппоқ қуринарди. У қўли билан тоғларни курсатиб сўради:

– Күрөпсанми қорли тоғларни? Қарагин, сен бу тоғларнинг Янқиз тарафидан кесиб ўтиб, истехкомга орқадан ҳужум қилишинг керак. Менинг топшириғим шу. Бажарасанми, шу вазифани?

Мурод боши қорларга бурканган тоғларга қаради. Энг ози уч минг беш юз метр унгурликлардан иборат эди. Кўзини тоғлардан узмай гапирди:

– Жуда мушкул, аммо бажараман, шоҳим!

Унда “йуқ” сўзининг ўзи йўқ эди. Улимга ҳам юборсалар кетарди. Шу вақтда ҳам садоқатини, ҳам мардлигу жасурлигини курсатди.

– Бу истехкомда жами уч минг жангчи бор. Бу қўшин очиқ ердан ҳужум қилган ўтгиз, қирқ минглик қўшиннинг ўрнини боса олади, – шоҳ ўзининг уй-хаёлларини Мурод билан бўлишди, – Биз ҳам очиқ ердамиз. Қўшиннинг ярмиси илк ҳужумдаёқ қирилиб кетишини истамайман. Ҳали олдимизда бизни кўп жанглар, кўп ғалабалар кутяпти. Бунинг учун эса сенинг хизматинг керак. Сен буни эплайсан. Беш минг жангчинини олиб, уша тоғларнинг орқасидан утасан, кутилмаганда ҳужум қиласан. Сенга лашкарбоши ҳам қўшилади. Асосан тоғли ерда юрасан, тоғдан тоққа мушукдек тирмашиб чиқа оладиган жангчиларни танлаб ол. Бунга ҳам тайёرمىсан?

Муродхон бош эгди:

– Хўп бўлади, шоҳим! Токи ҳазратим буйруқ берсалар, бас!

Шоҳ унинг жавобидан жуда мамнун бўлди:

– Ёдингда ту! Сенинг ҳаммаси бўлиб бир кун вақтинг бор. Эргалаб тезда, бомдод намозидан чиқиб, келаси куннинг бомдод намозига азон айтиладиган вақтига қадар у ердаги истехкомларда бизнинг байроқлар ҳилпираши керак, аскарларимиз намозларини уша ерда ўқисинлар.

Мурод гаажжубланиб суради:

– Менинг измимда қанча вақтим бор?

– Жами бир куну бир кеча, – ҳазил аралаш гапирди Нодир шоҳ, – кўпми, йуқса?..

Ҳазил қилганига қараб Муродхон яхши тушунди, шохнинг бу гапи оддий гап эмас. Дарҳол жавоб берди:

– Шохим, бундан бошқа камайтирмасангиз етарли.

Айғоқчиларнинг маълум қилишича, қанча вақт ичида тоғдан ошиб, у томонга етиб бориш ва орқадан хужум қилиш кераклигини Нодир шоҳ ҳисобини олган. Қолаверса, шоҳ Муродхонга жуда ишонарди ва у биларди, бу жангнинг қаҳрамони, ёлғиз ва ёлғиз Муродхон була олади...

Саҳарга яқин эди. Бироздан сунг бомдод намозига азон айтилди. Аҳмад подшоҳ Бажили истехкомида подшолар учун аталган кенг бир хонада утирарди. Намоз ўқиш учун жойнамозни олди, аммо намоз ўқигиси келмай, негадир дили жуда хира бўлди. Қаршисида Нодир шоҳ борлигини биларди, истехкомчилари шоҳнинг хужумларини осонлик билан даф қила олади, деб ортикча хотиржамликка берилди. Аммо нимагадир ичида, кўнглида бир ғашлик борга ўхшайди.

Милодий тақвим буйича 1638 йилда Усмонлилар ва Сафавийлар орасида боғланган ришга битими тузилгандан буён бу истехкомлар Ироқда жанубий-шарқ, жанубий-ғарбий ерларини ҳам назоратга оларди. Бу истехкомлар солинганидан то шу пайтгача ҳали бир марта ҳам душман томонидан забт қилинмаган эди. Ўзига жуда ишонган Аҳмад подшоҳ Нодир шоҳ шунчаки олдингидек оддий хужумга ўтади деб ўйларди.

Унинг фикрини маслаҳатчиси Ҳасан бейнинг саволи бўлди. Маслаҳатчиси ҳам уйқудан уйғонгач, рухсат олиб гапга аралашди.

– Подшоҳим, сизнингча нега Нодир шоҳ устимизга жанубдан келяпти, унинг учун шимол тарафдан келса, яхши эмасми?

Аҳмад подшоҳ бу ҳақда бир неча кундан буён ўйларди. У ўзининг ўйлари асосида шундай деди:

– Аввало, шимол йўли жуда узоқ ва кўп вақт кетади. Бу қадар кўп аскарни едириб-ичкизиш, кийинтириш, ниҳоят,



хамма нарсалар билан таъминлаш лозим. Иккинчидан, шимолда ҳозир жуда совуқ ҳаво ҳукмрон, бу эса Нодир шоҳга қийинчилик туғдиради. Учинчидан эса бу ердан Ироққа кириб, Бағдодда истиқомат қилиш осон. Янқиздан кейин Ироқ кенгликлари бошланади.

Ҳасан бей ўзидан мамнун бўлиб жилмайди:

– Нодир шоҳнинг буларни силлиққина қилиб ҳисобга олгани яққол кўриниб турибди, ёрдамчилари ёмон ишламас экан.

Подшоҳ Нодир шоҳни таърифлади:

– Мен сенга айтдим-ку, у Шарқнинг мўъжизасидир. Улар билан аслида ҳеч ҳам тўқнашишни хоҳламаган булардим.

Маслаҳатчи эътироз билдирди:

– Аммо Шарқнинг бу мўъжизаси бир неча ишларни ҳисобга олмабди-да.

– Нимани назарда тутяпсан? – подшоҳ у билан ҳисоблашмай савол берди.

– Бизнинг истеҳкомлардан ўта олмаслигини биламиз. Бир тарафдан истеҳком деворлари, бошқа тарафдан эса орқамизда табиий тошлар, чўққили қоялар бор булса.

Нодир шоҳ бу ерларга ўтишни истаса, қўшинининг учдан икки қисмини йўқотади, яъни Янқиз тоғларида уларни мурдадек сақлашга мажбур бўлади.

Бирдан Аҳмад подшоҳнинг эсига бир воқеа тушди:

– Сен нима дединг?

Ҳасанбей ўзини гийди:

– Нима дедим, подшоҳим?

– Сен бир тарафда нима, иккинчи тарафда яна бир нима дединг-ку?

– Ҳа, бир томонда деворлар...

– Йўқ, кейин нимани айтдинг?

– Айтдимки, бошқа тарафда табиий тошлар, чўққили қоялар, тоғ силсиласи.

– Чўққиси билаңд қояларми? – подшоҳ ажабланиб суради.

– Шундай, подшоҳим!

Аҳмад подшоҳ хаяжон билан маслаҳатчисидан сўради:

– Чўққиси баланд қояларга қуриқчилар қўйилганми?

Ҳасан бей ҳеч нимани тушунмади. У ишонч билан жавоб берди:

– Хайрли бўлсин, подшоҳим! Чўққили қоялар бизнинг орқамиздадир, уни қуриқлашга ҳожат йўқ.

Аҳмад подшоҳ жуда кучли ҳаяжон билан бақирди:

– Тез, тез Ҳасан бей, тез бўл! Биз, менимча, кечикдик.

Энди англадимки, Нодир шоҳ нега бизга бу томондан ҳужум қилиш фикрига келган.

Айни шу вақтда ташқаридан қилич ва ўқ овози эшитилди.

Ҳасан бей ирғиб ўрnidан турди:

– Нима бўлди, подшоҳим, бу қандай овозлар?

Подшоҳ ташвиш билан:

– Энди кеч бўлди, Ҳасан бей! – деди, – мен сенга айтдим-ку ахир, у Шарқнинг янги мўъжизасидир деб.

Шу пайт Муродхон қўлида қилич беш-олти жангчи билан ичкарига югуриб кирди. Аҳмад подшоҳ бунга ҳайрон бўлмаса ҳам, Ҳасан бей ўзини тамомила йўқотиб қўйди.

Аҳмад подшоҳ Муродхоннинг ўрнига жавоб берди:

– Биз кечикдик, Ҳасан бей! Булар қизилбошлар. Нодир шоҳ бизни қамал қилди.

Муродхон таслим бўлган усмонлиларни ўлдиришни хоҳламади. Шундай гофил ҳужумдан чорасиз қолган аскарларнинг ўзи озроқ ўқ узилди. Қолган қисмини эса озод қилиш мумкин эди. Шу сабабдан Аҳмад подшоҳга мурожаат қилди:

– Аҳмад подшоҳ! Истеҳком мудофаасидагиларнинг учдан икки қисми қирилди. Амр этинг, қолганлари таслим бўлсинлар!

Аҳмад подшоҳ ҳозирги ҳолатда мағлуб бўлганликларини тушуниб, Ҳасан бейга кўрсатма берди:

– Ҳасан бей, буйруғимни етказинг, байроқлар туширилсин, аскарлар қуроқларини топширсинлар.

Ҳасан бей эътироз билдирмокчи бўлди:

– Аммо подшоҳим...

Қуёш шафақлари кўрина бошлаганда Нодир шоҳнинг байроғи истехком қалъасининг устида ҳилпирарди.

2016 йил 1-апрель

Асосий қисм

Хона эшиги тақиллади. Генералнинг шўх овози эшитилди:

– Кел!

Мурод ичкари кириб маъруза қилди:

– Жаноб генерал! Буйруғингизга биноан бригада командири, полковник-лейтенант Мурод Мирзаев етиб келди.

Генерал ўрnidан туриб у билан жуда самимий куришди, ўтиришга жой кўрсатди, ўзи ҳам у билан юзма-юз жойлашди. Топографик харитани очди. Қаламини хаританинг устида юргизиб гап бошлади:

– Мурод, жаноб Али Бош Қумондон ва жаноб вазир бизнинг олдимизга жуда муҳим топширикни қўйди. Бугун жуда ҳам локал уруш бошланади. Ўзинг биласан, уз номи билан уруш, бу, албатта, давлат сири. Буни ҳатто оилангга ҳам айтишинг мумкин эмас. Энди эса бу ерда бўлган ва бўлаётган ҳамма телефон қўнғирокларига жавоб берилмайди, яъни зарарсизлангирдик.

“Овчи”нинг кўзлари ёшланди. Юрагида “ниҳоят” деб чуқур нафас олди.

– Азаддан қилиниши лозим бўлган иш эди, бу командир, азаддан! Йигирма беш йилдан кўп вақт бўлди, халқ буни кутаётганди.

Генерал унинг сўзини тўлдирди:

– Азаддан керак эди ва ҳам бўлди, бу бизнинг ишимиз энди, – бармоғини юқори қилди.

– Биз ҳарбиймиз, бизга буйруқ ва вақт берилса, уни бажарамиз. Тушунарлими?

Мурод буйруққа буйсуниб, дарров жавоб берди:

– Тушунарли, жаноб генерал!

Генерал сузини давом эттирди:

– Сенинг бир батальонинг, – қаламини хаританинг устида юргизди, – бу кентга киради, йўл очасиз, армани аҳолисини шу йўл орқали Хонкентига кетишига шароит яратасиз. Айни замонда хужум қилган аскарларимизни қўллаб-қувватлаймиз.

Эсингдан чиқарма, батальонинг кирган кент ҳар томондан армани аскарларига қуриниб туради. Биз юқорини олгунимизча, сен юз нафар кисминг билан отишмаларга жавоб бериб турасизлар. Олдинда сенга берилган топшириқ, тушунарлими?

– Тушунарли, жаноб генерал! – У урнидан турмоқчи булди. Генерал қули билан ишора қилди, керакли жиҳатларни ўтириб, билиб олишинг мумкин. Мурод столга ўтириб сўради:

– Жаноб генерал! Батальоним ҳақида яхши биласиз, ҳар ҳолда мен у ерда йўқман. Тўғри тушундимми, сизни?

Генерал унинг сўзларини тасдиқлади:

– Тўғри тушундинг! Бу амалиётда сиз бирваракайига бригадага раҳбарлик қиласиз, фақат батальон эмас.

– Командир, мен билан ҳамиша амалиётга чиққан, ҳар доим улим билан юзлашадиган йигитларга ҳеч нима демайманми? Бу менга ярашмаган иш бўлади, командир! Истайманки, менга ҳам рухсат берсангиз батальонга қўшилсам, – бироз тугилиб давом қилди. – Бир марта раҳматлик бобомга сўз бергандим, арманилардан бир қарич булсаям тупроқларимизни қайтариб оламан. Мурод бобомнинг руҳи шод бўлсин. Аллоҳим уни раҳмат қилсин! Қирқ саккизда жони узилди, аммо ватанидан чиқишни истамади. Ўз еримда улар қўллайдилар. Бригадани муовиним бошқаради, яна сиз ҳам борсиз. Ҳамма иш сизнинг назоратингиз остида бўлади. Командир, бу хурсандчиликдан мени маҳрум этманг!

Генерал “Аллоҳим мадаккор бўлсин” дея уни йўлга кузатди:

– Мени тўғри тушун, Мурод, – бармоғини юқори қилди. – Бу менинг буйруғим эмас, жаноб вазирнинг буйруғи. Бригада командири бу ерда қолади. Уруш вақти асир тушсанг, биласанми қандай шармандалик бўлади. Арманилар ҳар ерда жар солиб юрибдилар, – у қўли билан “Овчи” га ўтириш ишорасини қилди, аммо Мурод ўтирмади. – Беш бригада командирини асир олдик ҳам дейлик. Бу амалиётда тўрт тарафингиз душман билан ўралган бўлади. Сиз аскарларга оғир техникаси билан қарши чикасизлар...

Муроднинг қайсарлиги тутди. Аклига келтира олмайди, бу урушда бир ўзи иштирок этмаса. Хаёлида шу уруш жонланди. Аскарларини, дўстларини яраланганини, кимнидир шаҳид бўлишини тасаввур қилди, қалби ўртаниб кетди. Командири гапирарди, у эса хаёлига эрк берганди. Фикрини тўхтатиб ўктам овози билан деди:

– Жаноб генерал! Мен асир тушиш нелигини билмайман. Агар шундай бўлиб қолса, охирги гранатамни ўзимда портлатаман. Улишим мумкин, йигитлар ҳам ўлсак ўламизки, аммо асир тушмаймиз. Бу шараф ва номус масаласи. Бу кунни мен тўрт ёшимдан буён кутаман.

– Яхши тушун, Мурод, бу вазирнинг буйруғи. Мен буйруқни буза олмайман. Буйруқни у берган, фақат уни ўзи ўзгартириши мумкин.

“Овчи” давлат телефонига ишора қилди:

– Бўлмаса жаноб вазирга қўнғироқ қилинг, вазиятни унга тушунтиринг, – у охирги усул билан қўлини ёйди. – йўқса, Аллоҳга онт ичаманки...

Генерал асабийлашди:

– Бўлмаса, бизнинг олдимизга шарт қўясанми?

– Тўғри, жаноб генерал! Ҳеч бир шарт қўймайман, – у мулоким, аммо қатъий жавоб берди.

– Агар бу амалиётда ишгирок этмасам, ҳарбийдан кетаман. Амалиёт ўтгандан кейин аризамни ёзаман.

Генерал унинг феъли қайсарлигини биларди, унинг ватан учун чексиз хизматлари бор. Ун йил ичида тўртта медал олган. Иккитаси “Шарафли хизматига кура”, иккитаси эса “Ҳарбий хизматдаги аъло фаолияти учун” орденлари эди. Яна унда учта “Юбилей” медали ҳам бор эди. Бошқа тарафдан эса командир уни яхши тушунди, агар Мурод амалиётга бормаса, фикри-зикри аскарларининг ёнида бўлади, бу умумий бошқарувга халақит бериши мумкин.

– Яхши, – деб оёққа турди ва вазирга телефон қилиш учун аппаратга яқинлашди. Гушакни олди.

– Кўрамиз, жаноб вазир нима дейди?

Телефон гўшагидан овоз келди:

– Алло, жаноб корпус командири! Салом! Вазият қандай? Тайёргарлик тугадими? Нима тушунмовчиликлар бўлса, бир бошидан айт, шахсан менга кўнғирок қил. Бу уруш Озарбайжон армиясининг кучини, салоҳиятини бутун дунёга кўрсатади. Арманилар узларича уруш чўзилса, Озарбайжон армияси бутунлай чорасиз қолади ҳамда аскарларимиз, куролларимиз, ерларимизни олиб, бир қаричини ҳам уларга қайтармаймиз деб ўйладилар.

Генерал маъруза қилди:

– Ҳамма иш жойида, жаноб вазир! Ҳамма тайёргарликлар тушунарли. Жангчиларимизнинг аҳвол-руҳияти яхши. Али Бош қўмондон буйруқ берса, Еревангача кетадилар. Аскарларимиз ва халқ бу дамни йигирма икки йилдан буён кутади.

Вазир қўшимча топшириқ берди:

– Бу аҳвол-руҳиятни охиригача сақлаб туриш керак, генерал. Арманилар тушунсин, билсин, улар билан фақат Озарбайжон армияси эмас, халқи ҳам кураш олиб бормоқда.

Корпус командири тарадудланиб гапирди:

– Ишимизда бироз муаммо бор, жаноб вазир?!

Вазир овозини бироз қириб, уқтамлик билан деди:

– Бу ишда муаммо бўлиши мумкин эмас. Нима бўлди, қандай масала эди?

– Жаноб вазир! Бригада командири Мурод Мирзаев

амалиётга шахсан ўзи иштирок этишини талаб қилаяпти. У айтаяптики, у жойларни яхши билар экан.

У ерга кетаётган йигитлар билан тегирмонга бирга кириб, тирик чиққанлар. Иштирок этган амалиётларда ҳамиша муваффақият қозонган. Ҳамда у яна айтаяптики, бу унинг шарафли масаласи экан. Аммо унга нима деб жавоб беришни билмайман, сизнинг буйруғингизни ҳам унга тушунтирдим. Яна қўймапти.

Телефондан жавоб келмади. Куриниб турибдики, демак, вазир ўйлаяпти. Бу бир зумлик сукут Муродга соатлардек узун туюлди. Хаёли тез суръатлар билан ўша кунга – бобоси Фарзалининг айтиб берган фожиали ҳаётини ҳикоясига қайтди.

Бобосининг ғамли кўзлари, қайғули сиймоси кино лентасидек кўз-ўнгидан ўтди. Кўллари қалтирарди, бу унинг ҳаёжонидан эди. Ниҳоят телефонда вазирнинг овози эшитилди:

– Яхши, нима дейман, бўла қолсин! Агар умумий ишимизга хайр келтирса, майли борсин, лекин... бу хусусий топшириқнинг бутун масъулияти сизнинг жавобгарлигингизда, жаноб генерал! Муваффақият!

Генерал телефон гушагини жойига қўганидан кейин кўзларида ташвиш кўринди. У Муроднинг юзига қарашни истамасди. Муроднинг хохиши ҳал бўлганди. Қувончдан гўё учишда қаноти бордек.

\* \* \*

Гуллибейим уйқудан сапчиб уйғонди. Тушида аралаш-қуралаш рўёларни кўрганди. Юрагига шубҳали фикрлар келди. Кичик ўғли Сулаймон Ҳазар<sup>1</sup>да ишларди. Денгизда кучли тўлқин бўлганда саҳарга қадар ухлай олмасди. Эри Телманга ҳадеб Сулаймонга кўнгироқ қилинг деб ҳоли жонига қўймасди.

<sup>1</sup> Ҳ а з а р-Каспий денгизи.

Бундан бир неча йил олдин у ишга бормаганида “топасиз, унга нимадир бўлган” деганди. Уша пайтда Телманнинг аҳволи танг бўлиб, уғлига телефон қилишни хоҳламас эди. Ота гапириб-гапириб унинг буйруғини бажарди. “Эй онаси, Сулаймон ишда эмас, Ширвонда уйида ухлаб ётибди. Сени қурган тушларинг чоллардай бўлди, энди ёта қолайлик”, деганди.

Шундай ҳолатда Гуллибейим қурбонлик суйдириб, етти кишининг уйига садақа қилди. Муроддан эса кунгли тинч эди. Биларди, у ҳарбий, аммо нима ишлар қилишини аниқ билмасди. Мурод ўз иши ҳақида ҳеч ҳам гапирмасди.

Онаси ҳар сафар сураганда, у: “Эй онажон, жуда қуймайсизда, фалон ишлар билан машғул бўламан. Яна сурайсиз, фалон ишининг ўзи нима? Мен ҳам айтаманки, у-бу ишлар. Сиз яна сурайсиз, у-бу ишларинг нима деб?

Кейин эса кулиб, онасини кучоқлаб қушимча қиларди: “Айтаманки, бу ҳарбий сир”.

Гуллибейимнинг бу кеча уйқуси қочиб кетди. Тушида унинг Муроди денгиз қирғоғида оёқ яланг юрганмиш.

Денгиз сувлари унинг оёқларини ювар эмиш. Мурод эса онасига ўзига хос табассуми билан кулиб қарар эмиш. Шу пайт оёғига синган шиша парчаси кирибди. Мурод эгилиб оёғига ботган шиша парчасини олиб ёнига қуйибди. Оёғидан қон оқса ҳам Мурод кулиб турган эмиш.

Гуллибейим уғлидан аччиғланиб:

– Сенинг қачондан буён бир жойинг жароҳатланса, қон чиқса кулиб турасан. Нега? Кўп болалар қонни кўрсалар оҳвоҳ қилишади, ўзи баданингда чандиқ бўлса, сенинг жонинг оғрийдимми?

Мурод жилмайиб жавоб берарди:

– Инсон ўзини оғриқларга алмаштирганда оғриқ бўлмайди, она. Мен бундай оғриқларга кўпдан буён урганман.

Шу пайт денгиз тарафдан кучли шамол эсибди, қум тўфони бошланибди. Қум тўфони Муроднинг атрофида айланибди. Бироздан кейин Мурод кўринмай қолибди.



– Ай Телман, уйғонсангизчи, Муродни тушимда кўрдим. Оллоҳим охирини хайрли қилсин. Туринг, унга бир телефон қилинг, боламдан бир хабар олинг...

Телман кўзларини ишқалаб-ишқалаб камоднинг учидаги лампани ёқди. Соатга қаради, ишлаётганди.

– Ай онаси, соат тург бўлибти, туриб телефон қилайми, нима дейман? Онанг туш кўрди, шунинг учун телефон қилдим дейманми? Бир озгина чида, барвақт кўнғироқ қилсам, ўғлинг хавотир бўлади. Уйлайдики, отамга ёки онамга бирор кори-ҳол бўлган деб.

Чироқни ўчириб, ёнбошга чўзилди.

– Булди, ёт, онаси. Эрталаб ўзим кўнғироқ қиламан.

Эри “ухла, ёт” деса ҳам Гуллибейимнинг кўзига уйқу келармиди, ҳеч ҳам? Юраги жуда нотинч. Ҳаловатсизлик ичида қоврилган она саҳарга қадар кўз ёшлари билан ёстиғини ҳул қилди.

\* \* \*

Физза ҳам бу кеча туш кўрди. Тушида Мурод ой-юлдузли уч рангли байроқни баланд жойга қадаб қўйди. Байроқ ҳилпираса, у севиначи, жилмаярди. Уч рангли байроқ гўё денгиздек тўлқинланарди. Шу пайт байроқнинг ўртасидан Озарбайжон харитаси чиқармиш. Байроқнинг остида Мурод кўздан ғойиб бўлибди...

Физза кўзларини очди. Ўзини беҳаловат ҳис қилди. Қўли билан юрагининг устини уқалади. Туриб ташқарига чиқди. Стаканга сув солиб, бир қултум ичди. Кейин болаларнинг хонасига кириб чироқни ёқди, уларга қаради. Нурланнинг усти ҳар доимгидай очиқ эди. Қизи Денгиз эса оёқларини қорнига босиб ётарди.

Физза уларнинг устини ёпиб мехмонхонага қайтди, деразининг рупарасига борди. Болаларига қараб уйга толди, ваҳимадан тезда қутулса эди. Буни талаба бўлганида Тибб Университетида синаб кўрган. Инсон бир ўйу фикрдан қутулиш учун бошқа бир ўйу фикр ҳақида уйлаши керак.

Аммо у ҳар қанча уринса ҳам бўлмади. Бутун борлиги кўрган тушида эди. “Майли, ўтиб кетади”, деди ўзига. Энди уйқуси қочган, ухлай олмасди.

Даҳлизга чиқиб жийдадан бўлган ўтинни ёндирди. Кўзларини ёнаётган оловга тикди. Ҳар ҳолда бу олов секин-секин жонига оро кирди. Чой ичгиси келди. Жийданинг чуғи сўнғач, ётоқхонасига кирди. Чузилиб, кўзларини шифтга тикди.

Кун бўйи ўзига келолмади. Шунчалик ҳорғин эдики, даҳлиздаги бир икки идишни ҳам қўлидан тушириб синдирди. Аммо буларнинг ҳаммасига сабр қилар, асабийлашмасликка уринарди. Болаларининг ёки бошқаларнинг унинг тинч эмаслигини, асабийлашганини куришни истамасди. Ўз дардини ўзи ютди.

Атрофидагиларга эса ўзини бахтиёрдек тутди. У энди ортиқ бундай туrolмас эди. Ҳарбийнинг хоними, эри каби фавқулodдаги ҳолатда яшарди. Бундан у мамнун эди. Тупдан сўнг унга кўнғироқ бўлди. Бугун у ҳеч бир кўнғироққа жавоб бермади. Телефон мониторингининг юзига боқди. У ерда Муроднинг номи ва номери ёзилган эди. Севиниб тутмани босиб “Алло” деди.

– Яхшимисан, жоним? – Муроднинг соғинч ва хаяжонга тўла овози эшитилди. Уларга бугун кўнғироқ қилишга рухсат берилган эди.

Физзанинг буғзида жуда оғир бир юк босиб турарди.

– Оллоҳга шукур! Овозингни эшитиб жуда яхши бўлдим. Неча кун бўлди, кўнғироқ қилмадинг... Кўрқдим, бошингга бирор ташвишли иш тушдим деб, – Физза тушини унга айтгиси келмади.

Мурод унинг саволларига жавоб бермади.

– Арслоним, Финдиғим қандай? – ўглини “Арслоним”, кизини эса “Финдиғим” деб эркаларди.

– Яхши. Денгиз ҳар кун сени уйқусида чақиради, – Физза тушундики эри савол бериб чалғитяпти. Гапни чузмади. – Мурод...

– Ха, жоним!

– Биладан, гаплашишга ҳам, кунғироқ қилишга ҳам вақтинг булмайдди ёки сенинг ҳарбий бўлимингда бу мумкин эмас. Қурбонинг бўлай! – хотини озгина қолди ёлворишига. – Мен шуни айтаманки, кунғироқ қил, ҳеч бўлмаса бир смс юбор. Бўлмаса фақат “С” ҳарфини ёз, бу менга етади. Мен борлигингни ҳис этсам бўлди.

Мурод унинг қалбини тирнашни истамади:

– Бош устига жоним! Хавотир булма, яқинда қуришамиз. Гаплашиш лимитим тугаяпти. Мен учун ҳам болаларимни упиб қуй, мени ҳам...

– Ростданми, яқинда чиндан қуришамизми?

Мурод ишонч билан жавоб берди:

– Албатта.

– Физза қаноатланди:

– Яхши, Муродим, ўзингни эҳтиёт қил!

Мурод хазиллашиб деди:

– Мен ўзимни аясам, менинг оиламни, тупроғимни, ватанимни, давлатимни ким қуриқлайди? Яхши, жоним, соғ бўл, қуришгунча.

Телефон ўчди. Физзанинг юраги қаттиқ сиқилди. Эри билан гаплашган дақиқаларининг асло тугамаслигини истади. Муроднинг овозини бир эшитса, туйиб нафас олгандек бўлади. Телефонга қаради. Экран коп-қора эди. Ўзини болаларинг хонасига отди. Яхшики, улар ёнида эди...

\* \* \*

Апрель урушлари бошланди. Жаброил ва Татардан айни вақтда душман истехкомига тинимсиз артиллерия-ракета оташлари ёғиларди. Армани истехкомидаги аскарлар нима руй берганини тушунмас, қочиб-қувиб ҳужум қилардилар. Бомба ва ракеталар аниқлик билан истехкомларни урар ҳамда орқада жойлашган зирҳли техникани ишдан чиқарарди. Зобитидан тортиб аскаригача ҳаммасининг юзида ҳайронлик тула савол бор эди:

“Уруш бошландими?”.

Озарбайжон армияси душманни тайёргарликсиз қўлга туширарди. Ракеталар уларнинг озиқ-овқат, алоқа тизимини ишдан чиқарарди. Ҳатто иш шу даражага етиб бордики, истеҳкомдан қароргоҳгача қўнғироқ қилиб нималар бўлаётганини аниқ айта олмай қолдилар.

Истеҳкомлардан, қароргоҳлардан қоча бошладилар. Ҳозир уларни фақат бир иш қизиқтирарди. Истеҳком ва қароргоҳлардан қанчалик узоққа кетса, бир қадар жонини сақлаб қоларди. Армани аскарлари Озарбайжон армиясининг ракеталаридан, артиллерия бомбаларидан бошларини яширишга жой қидириб қолди. Ҳамма жой ўқ-олов овозига тўлди, бу овозлардан қулоқ битиб қоларди.

Ҳали .....қўшинлар ҳужумга қўшилмаган, аммо ҳар жойда ташвиш, ҳаяжон бор эди. Тез фурсатда ўлган, яраланганларнинг сони юздан ошди. Ҳамма бир-бирига кичқирарди:

– Қоч, қоч жонини кутқар, турклар келяпти, ҳеч биримизни соғ қўймайдилар.

Истеҳкомларнинг бомбардимон қилиниши бир жойга бориб етганда, арманилар телефон алоқасини тиклашга, бўлган талафотлар ҳақида маълумот беришга уриндилар. Ҳайхот, алоқа йўқ эди. Алоқа воситаси буткул ишдан чиққан эди. Бошларини қаерга уришни, нима қилишларини билмай қолишди.

Иккинчи бомбардимондан сўнг истеҳкомларда ҳеч ким қолмади. Ҳатто шундайлар ҳам бор эдики, қуроқларини ва узун этикларини ташлаб қочишарди. Ярадор булганларга эса ҳеч ким ёрдам бермасди. Армани характери бу ерда ўзини намоён қилди. Ҳар ким ўз хоҳиши билан турли томонга қочди. Сангарда фақат ракеталарнинг зарбасидан яширинганлар қолди.

Арманилар оташ кесилгандек бўлганда туриб қочса бўлади деб ўйлашарди. Аммо қочаётганларида уларни ҳам ракета, ҳам бомба парчалари илма-тешиқ қилиб юборарди.

Озарбайжон жанчиларига иккинчи буйруқ берилди:

“Олға! Олға, арслон аскарларимиз! Энди ҳамма нарса сизларга боғлиқ. Лолатеп ва Талиш тепалигини олмагунча орқага қайтиш йуқ! Олға!”.

Зирҳли техникаларнинг моторлари ишга тушди. Моторларнинг куткуси арманиларнинг, ҳатто орқадаги қисмларигача эшитилиб турди.

Куп ўтмай озар аскарлари ҳар икки тепаликни қўлга олди. Йўқотишлар энг кичик даражада эди. Душманнинг куп сонли қурол-аслаҳаси қўлга киритилди.

Хужум шу қадар жадал суръатда эдики, армани аскарларининг қочиши уларнинг аввалги кентларда яшаган аҳолисини, сўнгра Хонкентида, ундан нари Еревандагиларни ҳаяжонга ва ташвишга солди. Кентларнинг аҳолиси қочинлар, турклар келяпти деб бир-бирига хабар берарди. Аҳоли бўлиб қолганлар кимнинг машинаси бор бўлса машинада, араваси борлар аравада, ҳеч нимаси йўқлар елкасига борини олиб Хонкентидан чиқиб кета бошладилар.

Ҳарбий раҳбарият яхши билардики, бу тепаликларни олиш биринчи вазифа бўлса-да, асосий мақсад эмасди. Асосий мақсад шундан иборат эдики, қўлга олинган тепалик қуриқланиши, сақлаб қолиниши шарт эди. Шу жойга урнашиб олиб, бошқа акс-хужумларни қайтариш учун бу ерда шароит ярагиш керак эди. Бу қилиниши керак бўлган ниҳоятда муҳим иш эди.

Армани қумондонлиги шуни билардики, қўлдан берилган тепаликларни дарҳол қайтариб олиш керак. Бунинг сабаблари бор эди. Улар бу тепаликларни қайтариб олиш, биринчидан, Озарбайжон армиясида руҳий юксалиш қалқиб чиқмаслиги ва армия бошқа ерларни ҳам озод этиш фикрига келмаслиги учун эди. Иккинчидан, Озарбайжон иктидори халқнинг бутунлай қўллаб-қувватлаши оқибатида Арманистон ҳокимияти назардан тушиб, армиядаги порахурликлар, коррупция нагижасида вазиятнинг нима билан туғаши аниқ эмас эди.

Учинчидан, бу Озарбайжон тарафининг жуда кучли халқаро ҳамкорларига дастак, баҳона буларди. Масалани гўёки сулҳ йули билан ҳал эгишни истаган давлатларга “мен ерларимни уруш йули билан озод кила оламан” деган хабар юборилади. Бу сўзлар агар мавқелар ортга қайтарилмаса, Озарбайжон тарафи ўз шартларини қуйиб ташларди.

Ҳар икки тараф бунга яхши тушунарди. Бир тараф бу ҳужумнинг қаршисига чиқиб, қайта ҳужум билан йўқотганларини қайтариб олиш, вазиятни аввалги ҳолида сақлаш, бошқа тараф эса, бу муваффақиятларни давом эттириш фикрида эди.

Озарбайжон армияси шу ишларни бажарди. Олинган тепаликларни қуриқлаш, энди душманнинг орқа томонида парокандалик яратиш, булган ҳужумдан қочган аҳолини тинчлантириш ва қаерга жойлаштириш ҳақида ўйлаш лозим эди.

Мурод юз нафардан иборат булган махсус тайёрланган гуруҳни вазирнинг вазиятига қараб сақлаб турарди. Уларнинг кийимларини табиат рангидан ажратиб бўлмасди. Асосан, енгил қуроллар билан қуролланган эдилар. Кичик ҳажмли автоматлари, кўп патрон кетадиган тушпонча, граната, мина, бир неча пулемётлари ва танқуарлари бор эди.

Йигитлар ҳеч нимадан чекинмас эди. Биринчи маротаба бундай амалиётга кетаётганди. Аҳвол-руҳиятлари жуда баланд эди, ғалаба қозониб, қайтиб келишларига амин эди. Борган жойларида ғалаба қозониб, яна бошқа тадбирга кетардилар. Ҳеч бирининг юзида ҳаяжон аломати йўқ, чунки нима учун урушга келганликларини яхши биларди.

“Овчи”нинг қулоғидаги рация хириллади, сўнгра тиник овоз эшитилди:

– Мурод, тайёرمىсизлар?

“Овчи” жавоб берди:

– Лаббай командир, тайёرمىз!

– Жуда яхши! – Генерал унинг овозидан тушундики, бу вазиятда унга таъкид қилиш шарт эмас. Энг яхшиси

берилган топшириқни бир марта яна такрорлашдир. – Мурод, энди ҳар бир иш сенинг бўлинмангга боғлиқ. Талиш тепалигининг қулимизда қолиши учун қўлингдан келгани ва ҳатто келмаганини ҳам қилишинг керак.

“Овчи”нинг тиник ва сокин овози эшитилди:

– Хавотирланманг, командир! Ўн дақиқадан сўнг кент атрофида амалиётни бошлаймиз. Уша пайт ҳамма жиҳозларимиз ўчирилади. Иншааллаҳ, бир неча соатдан кейин ўзим сизга маъруза қиламан.

Генерал: “Аллоҳ йўлингизни очик қилсин”, деди...

...Тепаликнинг асосий қароргоҳи шу кентда жойлашган бўлиб, тўрт тарафига назоратчи постлар қўйилганди. Кентнинг ҳар жойида олдиндан билганларидек назоратчиларни орадан олиб ташлаб, клубда жойлашган қароргоҳни босиб олиб, тинч аҳоли учун йўл очиб, уларни Хонкелди тарафга йўлга солиш лозим эди.

...Назоратчи постларни ишғол қилиб, қўл олиш қийин бўлмади.

Кечанинг қоронғулигидан фойдаланган махсус гуруҳлар бу кентда арвоҳ каби кезарди. Қаршисига чиққан армани аскарини қуролсизлантирар ва клуб томон илгариларди. Ҳали бир дона бўлса ҳам граната отилмади. Мурод “рациялар ишга тушсин” деган буйруқни берди...

Қароргоҳ сифатида фойдаланилаётган клубда тўрт арман зобити жойлашган эди. Қаршиларидаги столда тузланган бодринг ва бир неча консерва банкиси бор. Зобитлар утириб, тут ароғидан роса ичиб, Озарбайжон армиясининг ҳужумларидан гапириб, ниманидир музокара қилишар, орада баҳслашиб ҳам қўйишарди.

Эшик оғзида икки армани аскар қўриқчилик қилиб турарди. Махсус гуруҳ уларни қийналмасдан орадан олдилар. Мурод тўрт аскари билан оёқ учида ичкарига кириб даҳлизга суянди ва арманиларнинг суҳбатини эшита бошлади.

Армани майори қўли билан столнинг устига қаттиқ-қаттиқ уриб, қичқирди:

– Ара, сизга айтаман, турклар бизнинг тепаликка келиб чиқа олмайди. Биласанми, нега?

Ундан бир поғона паст даражали капитан савол берди:

– Нимага келолмайди? Улар энди биздан анча кучли. Хохласалар, Еревангача кириб келсин. Ҳали мен уни Нахчивондан хужум булиши мумкинлигини айтмадим, буни ҳам жуда осонликча қила олади, – у қўли билан столнинг устини чертди, – Ҳайф, вақтида Нахчивонни бу турклардан тортиб ололмадик, эссиз, жуда ҳайф!

Майор унинг айтганларига тайинли фикр билдирмасда стаканга ароғ қуйиб бир нафасда ичди, башарасини буриштириб, ундан кейин гапирди:

– Айтдим-ку, келиша олмайди деб, чунки руслар қўймадилар. Улар бизнинг орқамизда тоғдек турибдилар.

Лейтенант қўлларини силтаб ташлади:

– Ара, руслар деб жуда хогиржам булма! Бизга эски қуроолларини берадилар, туркларга эса энг замонавийсини.

Майор истеҳзо билан кулимсиради:

– Сен нимани билардинг? Руслар бизга қуролининг устидан пул ҳам беради. Ара, маошларимизни биласанми, Еревандан оламизми? – бош бармоғини эътироз шаклида кўрсатди. – Тўғри, тўғри! Москва Ереванга пул беради, Ереван эса бизга, аммо Бокудан куп пул оладилар. Бир, ара...

У буш стаканга, сунгра лейтенантга қаради. Лейтенант унинг нима демоқчилигини тушунди. Ароғ шишасини келтириб яна буш стаканларга ароқ қуйди.

Майор арокни бир зумда ичиб, сўзини давом этди.

– Бир, ара, бу турклар қуён каби купаядилар. Нима қиладилар, билмайман. Биз озчиликмиз, улар кўпаяверадилар, – нимадир эсига тушди, шекилли, қўлини столнинг устига тиради. – Бир нарсани айтаман. Турклар бу ерга кела олмайди. Бу ерга келиш учун аввал тепаликни олишсин.

Майор ҳақоратли бир-икки сўз айтди.

Мурод ҳақоратта чидаб туролмади ҳамда вақтини бу арманининг чиранишига сарф қила олмасди. У тўғрисиға



куйилган биринчи босқични битираётганда эшикни очилиб турт нафар офицер ичкарига кирди ва тоза армани тилида гапирди:

– Нега кела олмайди, аммо бу ерлар бизнинг ўз тупроқларимиз. Вақт келади Ереванга-да етиб борамиз. Бунга ҳеч шубҳа қилманг.

Офицерлар бирма-бир турт арманининг бошида пайдо булди. Армани зобитлар худди туш кураётгандек эди. Майор кузини ишқалади, узини силкиди, курганлари тушими, ё унги. Панжали майорнинг бошига тирсаги билан бир уриб бақирди:

– Эй, армани, уйғон! Ухлаганинг йўқ, туш ҳам кўрмаяпсан. Жонингни суғуриб олишга келдик.

Зобитлар нима қилишларини билмасдан энди ўзларига кела бошладилар. Капитан қўлини пистолети томонга отиб бақирди:

– Ара, ҳали! Булар турклар. Турклар келди.

Бошларининг устида турган офицерлардан уч нафари пичоқларини олиб уларни буғизлади. Ёлғиз армани прапоршикка тегмадилар. У уйқусираган кузлари билан атрофдагиларни изларди.

Мурод рацияда генерални чақирди. Марказдан жавоб келди.

“Овчи” хотиржамлик билан маъруза қилди:

– Жаноб генерал, кентни олдик. Берган буйруғингизнинг биринчи қисми бажарилди. Талафот булмади.

Генералнинг қувончли овози эшитилди:

– Офарин йигитлар! Иккинчи босқични ҳам худди шундай жадаллик билан бажарасиз. Аммо ёдингиздан чиқмасин! Турт тарафингиз душман ва зирҳли техника билан тула. Сизнинг ғалабангиз топшириқни тезда бажариш булади. Олға, арслоним!

– Яхши командир!

“Овчи” бу сузларини айтиб армани прапоршикни ёнига чақирди. Армани қурқа-писа унга яқинлашди.

– Яшашни истайсанми?

Армани бошини ҳа дегандек кимирлатди.

– Булмаса, ишга кириш, кентга хабар бер. Турклар келди, қочинглар деб айттин. Сизга йўлак очамиз, жами бир соат вақтингиз бор.

Армани ишга киришди. Мурод топшириқ берди. Бригада жойлашиб, ҳавога граната отишни бошлади. Армани прапоршик кент кўчаларида югуриб кичкирарди: “Жамоат, қочинг! Турк аскарлари кентга кирибди. Қочинглар, жонингизни кутқаринг!”

Кўп вақт ўтмай Хонкелди тарафдан йўлак очилди. Кентда бакириқ-чақириқлар авжига чикқан, бу овозлардан кулок кар буларди. Ҳамма қочиб жонини кутқаришни истарди. Бу ерларда Арманистон телевидениясидан ташқари Озарбайжон телеканаллари ҳам яхши ишларди.

Ўзлари ҳам аксарияти Озарбайжон тилини яхши билишади. Ҳар йилнинг феврал ойида Хўжали фожиаси билан боғлиқ тадбирларни улар кўрарди, ҳатто шундайлар бор эдики, бу фожиалардан фахр туярди.

Ҳозир кентда отишма юзага келганда улар шуни билардики, турклар Хўжали фожиасининг қасосини олишади. Шунинг учун тапшип, ҳаяжон, кичқириқ ҳаддан ошганди. Эр хотини, она болани ташлаб қочипарди, касал ва қариларга эътибор беришмасди.

Аммо уларнинг уйлаганларидек бўлиб чиқмади. Ҳеч кимга қўл теккизилмади, ҳеч бир уй ғорат қилинмади. Ҳатто булинманинг кўп аскарлари кўзга кўринмади. Уларнинг иши фақат ҳавога граната отиш, аҳолини очилган йўлакдан тез чиқиб кетишларини тезлаштириш эди.

Охирги кентнинг четида одам кўринмай қолганидан кейин Мурод яна рақияда генералини чақирди.

– Жаноб генерал, “Овчи” ман.

Рақиядан овоз келди:

– Эшитаман.

– Жаноб генерал, маъруза қиламан. Кент бушатилади, йўлак очилди. Аҳоли Хонкелди тарафга йўлга чиқди. Ҳеч

кимга қўл теккизилмади. Бизнинг тараф ҳам талофат кўрмади. Шу билан икки босқичли топшириқ бажарилди.

– Офарин, йигитлар, офарин, арслонларим менинг! Диққат билан қулоқ сол Мурод, энди энг оғир учинчи босқичга ишга киришасан! Биздаги тулланган маълумотларга кўра, сиз турган кентдан чиқариш учун тўрт тарафдан зирҳли техника устингизга ёпирилади. Тепалик бизда. Энди душман тепаликни қайтариб олишни истайди. Топшириқни биласан, аммо яна такрорлайман. Сизнинг бўлинмангизнинг энг муҳим вазифаси тепаликка келаётган оғир техникани ишдан чиқариш. Улар устингизга келишидан олдин сизлар яна тезда амалиётни бошлашингиз керак. Ёдингдан чиқарма! Тепалик кимнинг тарафида қолиши сизларга боғлиқ. Тушундингми?

– Тушундим, жаноб генерал! Рухсат беринг, учинчи босқич амалиётини бошлашимизга.

Генерал “бошланг” деб дуойи-хайр қилди:

– Йўлингиз очиқ бўлсин!

Мурод отряд командирларини ёнига чақириб топшириқ берди:

– Тепалик тарафга кетган зирҳли техникаларни йўқ қилишимиз керак. Ҳеч кимга омонлик берманг.

Буйруқ берилгандан кейин йигирма дақиқа ўтмасдан ҳақиқий уруш бошланди. Бўлинманинг ихотасини арманиларга ўтиши учун тепаликка ҳужум қилишни истаган армани томони Озарбайжон армияси уларни исканжага олишини биларди.

Енгилқуролларбиланқуролланганмахсустайёрланганлар учун оғир зирҳли техникага қарши уришиш қийин ва оғир бўлса-да, душман танклари бирма-бир ишдан чиқарилди.

Муроднинг бўлинмасида ҳам шахидлар ва яраланганлар бор эди. Баробар бўлмаган уруш, ўзи ҳар тарафдан душман билан ўралган командир ҳар бир ҳужумни юрак оғриғи билан кутиб оларди. Аммо арманиларнинг кентга киришига имкон бериб бўлмасди.

Рациядан генералнинг овози келди:

“Овчи” вазият қандай?

Мурод овозини дадил тутди:

– Чарчадик, жаноб генерал!

Генерал яхши тушундики, вазият жуда оғир. Аммо бўлинма топширилган ишнинг уддасидан чиқди.

– Кентда кўпи билан қанча вақтгача қола оласиз?

– Ҳар томондан бомба, граната ёғилишига қараган Мурод беихтиёр жавоб берди:

– Улгунимизча, жаноб генерал, аммо бир истагим бор.

– Гапир.

– Жаноб генерал! Бизнинг янада тезкор ва аниқ урушишимиз учун шаҳид ва ярадорларимизни бу ердан олиб чиқиб кетиш керак.

Генерал бир қадар жим қолди. Шаҳид ва яраланганларни уруш майдонидан қайси йўл билан олиб чиқиш ҳақида уйлай бошлади. Одатда, унинг қарори бундай ҳолларда соат дақиқаси билан ишларди.

Мурод урушга отилиб чиқишни истарди. Аслида, бугун умр шу кун учун яшади-ку.

– Жаноб генерал! Биздан хавотирланманг! Бир неча нафар одамнинг бу ерда улиши кифоя, кентни бир кун қўлимизда сақлаймиз. Сариқ қуролдан бир кунда кўр бўлишдан чекинмаймиз. Душмандан қўлга олганларимизни ўзларига қарши ишлатамиз.

Командир нимани уйлаган бўлса, унга қарорини айтди:

– Яхши тайёрланинг. Бироздан кейин йўлакни қўриқлаш учун ҳавода икки вертолёт қолдираман ва у жойни назоратда сақлаймиз, икки танк сизга ёрдамчи бўлади. Тайёрланинг! Ишни жуда тез қилиш керак!

– Ҳўп бўлади, командир!.

Мурод жангчиларга мурожаат қилди:

– Арслонларим! Шаҳидлар ва яраланганларни у тарафга ўтказиш учун, – қўли билан Озарбайжон армиясининг жойлашган тарафини курсатди, – қўмондонлик икки вертолёт

ва икки танкни йулакка назоратта қуяди. Айни шу вақтда қўмондонликнинг буйруғи билан кентни яна бир кун қўлимизда сақлашимиз керак.

Бу ишни жуда тез фурсатда ва қўшимча талофатларсиз амалга оширишимиз мақсадида бир қисмимиз шу ерда қолади, душманнинг ҳужумларини қайтаради, кетганларимиз токи хатарсиз жойга етиб олишлари учун.

У ғамгин овозда:

– Мен ҳеч кимга буйруқ бера олмайман, бу ерда қолиб йулакни қўриқлашнинг асосий шарти, кўнгиллилар қолади. Мен билан ким бу ерда қолиб ҳам йулакни, ҳам кентни бир кун қўриқлашни истайди?

Соғ жангчиларнинг ҳаммаси бир оғиздан “мен” деди. Капитан Муҳит сўз сўради:

– Командир, агар ишни кўнгиллиларга қуйсанг, бу ердан яраланганларимиз ҳам кетмайди.

– Қўли билан шаҳидлар ётган ерни кўрсатди.

– Ҳамма улардек шаҳид булишни истайди. Таклиф бераман, бошда сиз билан ўлиш учун йулакдан ўтсин. Мен ва етти нафар бу ерда қолиб, ҳам сизнинг хавфсизлигингизни қўриқлаймиз ҳамда кентни бир кун қўлимизда сақлаймиз.

Овозлар келди:

– Тўғри айтасиз, командир!

– Маслаҳатимиз, сиз кетинг!

– Лозим бўлса, сиз учун жонимизни берайлик!

Мурод бошқа гапирмади, чунки бироз кечикса, жангчилари уни зўрлаб ўзлари томонга юборарди. У қўлини юқори кутариб ҳаммани тинчлантирди:

– Эътиборингизни қозонганим учун ҳаммангизга “соғ бўл” дейман, бироқ менинг кетишим истиснодир, чунки генералга сўз бердим. Кентни бир кун қўлимизда сақлаймиз деб, – яна ким эътироз билдиради, аммо у имкон бермади. – Мен деган одамлар бу ерда қолади, кетадиганлар эса биргалашиб муовиним бошчилигида дарҳол йулакка чиқинглар!

Жангчилар бир-бири билан видолашаётганда, рациядан овоз келди:

- Командир йулак назорагда.
- Бошланг...

## XI аср Анининг олинishi

... Анига ҳар тарафдан оқинлар келарди. Алп Арслон узини Султон деб эълон қилганидан кейин илк сафари Озарбайжонга бўлди. У Сенид шаҳрини қўлга олиб, Анига бошқа тарафдан яқинлашди. Бошқа тарафдан эса ўғли Маликшоҳ билан бош вазир Низомулмулк келарди. Аммо бу шаҳар олинмас қалъа эди. Буни Султон ҳам яхши биларди.

Алп Арслон аввал шаҳарга элчи юбориб, Анини жангсиз топширишни таклиф қилди. Лекин шаҳарнинг армани ҳокими элчининг бошин кесиб, Султонга юборди. Бу мисли кўрилмаган шафқатсизлик эди, чунки бутун дунёда элчи омон қоларди. Алп Арслон бу шафқатсизликни кечирмади.

Шаҳарнинг қаерда жойлашганини ҳам у яхши англаган эди. Шунинг учун билардики, Ани олинмаса, Бизанс тупроқларига ҳужум қилиш қийинлашади.

Қамалнинг биринчи куни Уста Муроднинг қуроляроғлари ишга тушиб кетди. Юздан кўп манжаниқ қалъа деворларидан тўқсон-юз метр оралиғида қурилган эди. Ҳар манжаниқнинг устига нозик ва нафис шаклда темир қўра қўйилди. Сўнгра уларнинг уст тарафига қора ёғ тўкиб, ўт олдирдилар ва ёнар қўраларни шаҳарга ота бошладилар.

Портлашнинг дахшатли овозидан шаҳар аҳолиси ваҳимага тушди. Шаҳар мудофаачилари нима қилишларини билмас эди. Гоҳида уларнинг бошларига оловли қўралар ёғиларди. Бироздан сўнг шаҳар уликларга тўлиб кетди. Шаҳар ёнишни бошлади.

Энди ҳамма осмондан келган балодан қутулиш учун чора излар, вақтинча булса ҳам яширинишга уринарди.

Уста Муроднинг қуролининг табиқи аҳолини қўрқувга солди, шаҳар ярадор аскарларнинг фарёди билан тўлди. Бу қуролининг ишлатилиши шаҳарнинг олиниши учун кифоя эди.

Аслида ҳам Султонга Уста Муроднинг қуроли умид берди ва очиқ жангларда бу темир қураларнинг ўрнини босадигани бўлмади. Энди эса қўшимча бир ишни ҳал қилиш керак эди.

Муҳофаза бошлиғи чодир эшигидан ярим қуриниш берди, бош эгди. Султон бошини қимирлатиб унга қаради. Юзида ҳеч бир ташвиш қўринмас эди.

Бу кеча Алп Арслон уни кутмаган эди. Демак, бирор жиддий хабари бор.

– Чақир келсин!

Бироздан сўнг бош вазир қора қийимда ичкарига кириб, бош эгди. Султоннинг рухсатини кутмай олдинга чиқди.

– Султоним! Анидан, зох тоифасидан бир руҳоний келган, сизни кўришни истайди.

Алп Арслон ҳайратланиб суради:

– Зох тоифасидан? Ҳайларни назарда тутяпсанми?

Ниҳоят, кимдир бу махлуқнинг асл исмини тилида айтди. Бўлмаса, бизнинг арман туркларининг номини буларга армуғон этасизми? Бироз уйлади.

– Яхши, мен ҳали шаҳарни олмадим, булар қандай тез фурсатда кўришишга жонларини бағишлайди. Балки билмасдан эрта қайтиб ҳам кетишимиз мумкин. Ҳа, эсимга келди, сураин. Ани қамалда бўлса, бу руҳоний бизнинг қароргоҳнинг ўртасигача қандай келиб қолди экан?

– Гуноҳқормиз, султоним!

– Бу ерга кейин қараймиз, улар бу ерда яширин йул борлигини айтишди... Яхши, чақир келсин. Улар яқин келганда, сен бир неча қўнғирокни орқаларидан юбор. Улар сирли йўлни ошқор қилсинлар. Эртага бу бизга жуда керак бўлади. Ўша жой ошқор бўлганидан кейин у жойнинг муҳофазачилари томонидан яна бизга ҳужумлар бўлмасин.

Бироздан кейин яширин меҳмонлар – қора кийимли уч армани руҳонийси ичкарига кирди. Руҳонийлар султонни кўришлари билан тиз чўкиб, унинг этагидан ўндилар, туркманча “Аллоҳ Султонимизнинг умрини узун қилсин” деб олқишлади.. Алп Арслон руҳонийларнинг ўрнидан туришини истади. Меҳмонлар ўрнидан тургач, сунгра у сўради.

– Сиз ...армани руҳонийлари бу ерга нима сабабдан ташриф буюрдингиз? Ёки шаҳар дарвозаларини бизга таслим қилиш учун келдингизми?

Улардан бири тезда жавоб берди. Қуринишидан у бошчилари эди:

– Йўқ, султон ҳазратлари! Биз олий ҳазрат қабулига шаҳар дарвозаларини очишиб бериш учун келмадик. Чунки дарвозани очадиган ҳокимлар бор, уларни император тайинлаган. У Бизанс садоқатини танлаган. Бизни Сизнинг ёнингизга бошчимиз карагин юборди.

Армани руҳонийси ширин тилини ишга солди:

– Султон ҳазратлари! Маълумотингиз бўлсин, бизнинг туркманлар билан ҳеч бир ишимиз йўқ. Биз арманиларга жиямизни бериб қўшничиликда тинч яшаса, Сизга тобеликка ўта оламиз.

– Аллоҳ учун онт бўлсин, – у хочини айлантирди, – онт бўлсин Масихга, онт бўлсин Муқаддас Рухга! Бизанс императори бизни зўрлик қилиб, қилич кучи билан ўз асоратига солди. Биз чорасиз қолдик, зўрлик ва қилич остида яшашга мажбур бўлдик.

Бош вазир унинг сўзини бўлди:

– Сиз арманиларнинг феъли шуки, ким кучли бўлса, ўша тарафга қочасизлар. Энди оғаларингиз заифлашди, уларнинг кўксига ханжар уришга тайёрсиз.

Руҳоний ним табассум билан жавоб берди:

– Биз ҳеч қачон туркманларга хиёнат қилмадик. Улар ҳамиша бизга нон бердилар.

Султон сабрини бошқа боса олмади.



– Оғасига садоқат учун онт ичиб, уни бузмоқ хиёнат.

– Карагин сизни нега бу ерга юборди?

Руҳоний дарҳол жавоб берди:

– Султон ҳазратлари, карагин сиздан истайдики, аскарларингиз Анини олгандан кейин армани жамоатига тегмасинлар, шуни омонлик сўрайди...

Алп Арслон ўрнидан туриб бироз юрди. Сўнгра келиб боядан бери дир-дир титраб ўтирган армани руҳонийсининг қаршисига келди, кузларига тик қараб гапирди:

– Биз тинч аҳоли билан уришмаймиз. Ким бизга тобе бўлмасдан уришишни хоҳласа, улар билан уришамиз. Карагинга ҳам буни айтинг.

Аммо шу пайт унинг хаёлидан чақиндек чақнаб яхши фикр ўтди: “Арманилар келиб омонлик исташдими, демак, улар уста Муроднинг қуролидан ёмон қўрқибдилар. Офарин, уста Мурод!”.

– Бунга жавобан эвазига нима берасиз? – Султон овозини баландлатди, – балки индинга қадар зўрлик кучи билан христиан қилган туркманларни янгидан исломга даъват қиласизми? Гуё билмагандек, сиз бу шаҳарда мусулмонларнинг бошига қандай уйинлар қилиб, уларни ўз динингизни қабул қилдириб, сўнгра арманилаштирармишсиз?

Султоннинг ўткир ва ғазабга тула қарашидан руҳоний узини йўқотиб қўйди, худди жонини оладигандек қалтиради:

– Султон ҳазратлари! Биз сизнинг қулингизми! Сизга, – секин овозда гапирди, – садоқат онтини ичдик.

– Бизанс императорига ичган садоқат онтидекми?

Алп Арслон тахтига ўтириб уз қарорини айтди:

– Ани олингандан кейин фақат мусулмонларга қўл теккизилмасин. Қолганлар ғораг қилинсин! Қарорим шу, чунки оқибатсизлик қилдингиз, элчимнинг бошини кесиб менга юбордингиз.

Қули билан суҳбагнинг тугаганига ишора қилди.

– Кета оласизми. Ани шаҳрининг олинишига оз қолди.

Кечаси билан аскарлар йирик тошларни ташиб дарёга тўқдилар. Араз оқими шиддатли вазиятга келтирилди. Охирги йирик тошни жойига қўйиш қолди, холос.

Анига ҳар тарафдан ҳужумлар бошланди. Уста Муроднинг темир қўралари шаҳарга янгидан олов пурқади. Айни замонда охирги йирик тош дарёнинг қаршисига қўйилганда, сув ўзанини узгартирди. Сел шунчалик кучли эдики, шаҳар мудофаачилари кузларини очишга мажол тополмадилар.

Сув қаршисидан нима чиқса, ювиб кетаверди. Ҳатто шаҳар дарвозалари жойидан кутарилиб сел оқизиб кетди. Селнинг орқасидан салжуқ аскарлари узларини селдек шаҳарга урдилар. Сел етиб бормаган жойларни салжуқлар ер билан яксон қилдилар...

Элчининг бошини кесгани учун Султон аниликларни кечирмади ва 1064 йилда Бизанс империясининг шарқ сарҳадидаги энг кучли шаҳри бўлган Ани фатҳ қилинди ва харобага айлангирилди.

**2016 йил 3 апрель.**  
**Муроднинг сўнги жанги**

Тўққиз нафар эдилар. Тўққиз нафар йигит, тўққиз нафар жанговор. Кузларига ҳеч нарса кўринмасди. Улим билан ўйнашарди. Энди улар учун гуё ҳеч нима йўқдек эди. Ёлғиз ерлари хоинларча тортиб олинган Ватан бор эди...

Ҳар кун армани оловларини тиз чўктирган инсонлар бор эди. Гуноҳсиз болалар, қариялар, хотинлар бор эди. Асир тушган, ҳар кун зўрланган, таҳқирланган Ватан қизлари бор эди. Хожалининг охи бор эди. Энди уларнинг кўзларида шаҳид оналари бор эди. Бу оналарнинг “боламнинг касосини ол” деган мунгли боқишлари бор эди. Улар тўққиз нафар эдилар.

Тўққиз нафар бир қўшинга қарши. Тўққиз ўғлон – Уғиз, Мурод, Муҳит, Самид, Турол, Мирсалом, Элнур, Панжали,

Бобек шикаст кўрмаган армани қўшинига қарши. Бу тўққиз нафар бутун армани армиясини маҳв этишга тайёр эди... Тўққиз нафар минг нафарга қарши. Бундай адолатсиз урушни фақат арманилар қила оларди.

Яна шуки, уларнинг махсус кучлари ёлғиз тинч аҳоли учун мулжалланган. Одамларнинг кўзини қўрқитиб, гўё тантана қилар, аммо тўққиз нафардан иборат бир гуруҳнинг устига бутун бошли полк, зирҳли техника юбордилар.

Қаердан ақлларига келсин? Қаердан ақлларига келсинки, бу ерда уларнинг тахмин қилганлари каби бир корпус эмас, жами тўққиз нафар жангчи кутмоқда.

Душманга қарашли диверсант гуруҳи кент клубининг атрофида булганлиги ҳақида маълумот бор эди, аммо гуруҳ таркибида қанча жангчи бор, буни ҳеч ким билмайди.

...Турт тарафдан зирҳли техника кент клубига туғри илгари юрди, орқадан эса армани аскарлари келардилар. Улар эгилиб-эгилиб танкларнинг орасида, ПДМнинг орқасидан чиқар, клуб тарафга олов ёғдирар, сунгра янгидан зирҳли техникаларининг орқасига яширинарди. Аммо қарши тараф жим-жит, на граната, на бомба отиларди. Бу арманиларни жуда шубҳалантирса-да, қумондонлик клубни қўлга олишни буйруқ берганди. Тўққиз нафари тупрокқа беланиб камфуляжда эди, атрофга борликлари ҳам билинмасди.

Биринчи танк кўчанинг охирига етиб клуб майдонига чиқаётганида, Мурод рацияда буйруқ берди:

– Биринчи танк йўқотилсин.

Тутма босилди. Танкнинг атрофига кумилган мина ишга тушди. Портлаш овозидан еру осмон титради. Танкнинг тумшуги жойидан синиб ерга тушди. Орқадан келган зирҳли техникаларнинг олдини портлаган танк тўсгани сабаб бурилишда тўхташга мажбур бўлдилар. Аскарлар ҳам илгарига юришга журъат қилмадилар. Шу пайт армани командир буйруқ берди.

– Клуб бомбардимон қилинсин!

Танклардан, ПДМлардан отилган ўқлар кент клубининг

деворларини илма-тешик қилди, аммо яна жавоб ўги отилмади.

– Погосян, жаноб подполковник, клубдан жавоб ўқи чиқмади. Аскарлар ҳам ҳужумга ўтиш ҳақида буйруқ олмадилар. Буйруқ берайми?

Рациядан овоз келмади.

– Командир, нима қилайлик? – у биров ўтиб, бундан олдин айтганларини яна такрорлади.

– Йўқ, пиёдалар ҳали ҳужумга ўтмасин, – ниҳоят рациядан аччиғланган овоз келди. – Энди бошқача усулда ҳаракат қиламиз...

Советдан қолган Т-64 танки клубнинг бир тарафидан оғир-оғир ириллашга тушди. Бу сафар танк бир ўзи келарди, орқасида ҳеч ким ва ҳеч нима йўқ эди.

– Муҳит, энди сенинг навбатинг.

Узоқдан бошқариладиган тутманинг босилишидан танкнинг атрофи чанг-тўзонга бурқанди. Танкнинг бурни ерга тегиб тик турди. Танқдагилар танк ичидан чиқиб, бомба отилган тарафга граната ота-ота орқага қочишни бошладилар.

Аслида душманга ўқ отмаслик қарори қатъий эди. Чунки тупроқнинг пастадаги яширин жой ошкор бўлиши мумкин эди. Бу эса режаларининг остин-устун бўлиши демак.

Арманилар саросима ичида эди. Граната отилмайди, аммо илгарилашга интилган танк йўқотилади. Погосян биладики, бу ерда Озарбайжон аскарлари бор. Аслида, кашфиёт хабари тасдиқланган эди, кентда махсус кучлар бор, аммо қаердалиги маълум эмасди.

Танкларнинг портлаши уни тасдиқ қилардики, зирҳли техникалар узоқдан бошқариладиган миналар билан портлатилади. Қўл остидаги кашфиётчилар эса аник, тўғри хабарни бера олмасди.

Жанг жойини бир неча соат дурбинда текшириб кўрганларида ҳеч бир ҳаракат кузатилмади, кузларига шубҳали ҳеч нарса кўринмади. Улар Озарбайжон аскарлари

турган жойини тополмасдан бошлари гаранг эди, жонларига кўрқув кутқу соларди.

Чунки Бош қароргоҳдан ҳар ярим соатда бир кўнғироқ бўлар, “кент олиндим икки йўқми” деган маълумотни олишни хоҳлашарди? Олинган бўлса, кентнинг ичида бўлган бу жанг, олов овозлари нимадан бўлиши мумкин? Йўқ, олинмаган бўлса, душман нимага йўқ қилинмаяпти? Командир айта олмас эдики, отганлар фақат бизникилар деб. Айта олмас эдики, икки танкимиз йўқ бўлди деб.

Бундай бўлаётган шароитда Ереванда унга вазифа поғонасининг қаршисида катта бир савол ишораси қўйиларди. Аслида, бу армани командири ушбу ерлардан кўпдан буён кетишни истарди. Биларди, улар Озарбайжон тупроқларини босиб олган. Аммо қаерга кетади?

Қорабоғдаги бир командир биларди, унинг ҳам оиласи Ереванда гаровга олинган эди. Бирор бир сўз айтиб, эътироз қилинса, дарҳол сенинг оилангнинг бошига қандай кўнларни солишлари билан кўрқитади. Унинг ўзи ҳам бу ерда, гаровга олингандек...

– Клуб ракета билан урилсин, бомбардимон қилинсин, тоши тош устида қолмасин! Танклардан отилган ўқлар клубга тегиб, кентнинг ўртасида советлар даврида қурилган бино ҳам секин-аста ёнар ҳамда қолган қисми қулашни бошлаганди. Энди қарши тарафдан оташ овози келмасди. Погосян бу сафар яна бир амин бўлдики, улар клубнинг ичида ҳамда тамоман қирилиб кетди. Рацияда қатъият билан гапирди:

– Ичкаридан уларнинг улигини ёки тиригини топинг! Иулимиз бемалол очик.

Танклар, ПДМлар ишга тушганда Мурод буйруқ берди:

– Турол, Панжали, Мирсалом, Бобак навбат сизларники, – кулимсираб қўшимча қилди. – Бу ердан билиб турибман, кутишдан чарчаб кетдиларингиз. Олға, арслонларим!

Тугмалар босилганда олд ва орқа томонга кўмилган миналар бирин-кетин портлай бошлади. Пиёда армани

аскарлари жон ҳовучлаб, порглаш овозидан талвасага тушиб, турли томонга қоча бошладилар. Улар учувчи самолетлардан уққа тутилмоқдамиз деб уйлаган эдилар.

Погосян ҳам душманнинг учувчисиз самолёти орқа жабхада уларнинг қароргоҳларидан бирини бузиб, натижада генерал ва бир неча полковник ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабарни олди. Энди эса унинг аскарлари қочар, нима қилишни билмас эди? Оқшом ҳам тушмоқда. Бир қарорга келди, биринчи навбатда кучларни бир ерга туплаши керак. Сунгра уларга бироз дам беради. Бу вақт орасида Бош қароргоҳ билан алоқа боғлаб, айти пайтда кечаси бу ерга кашфиётчиларни юборишни сурайди, уни бу ерда асир қилган туркларнинг ерини жуда аниқ урганади. Рация орқали муовинига буйруқ берди.

– Майор, клубнинг тўрт тарафини қамал қилиб, назоратга оласиз, уч тарафлама кузатувчилар қўясиз.

– Қолганларни жанг шароитидан жами икки соат тинчлантиринг, – буни шунинг учун айтардики, кечаси Озарбайжон тарафи уларга ҳужум қилиши мумкин. – Тушунарлими?

Рациядан овоз келди:

– Тушунарли, командир!

Сунгра Погосян рацияда тугмани босиб, амирона овозда гапирди:

– Кашфиёт раиси, ёнимга!..

Мурод билардики, апрель ойида қоронғулик тез тушади. Қоронғида эса жойи билинмаган нуқтага жиддий ҳужум уюштирмоқчи эди. Бўлмаса арманиларнинг талафоти бирга йигирма нисбатга бўлиши мумкин. Чунки унинг аскарлари кун давомида бир марта бўлса ҳам граната отмадилар. Бу уларга устунлик берарди. Фақат кўмган миналарини портлатдилар, шундан ҳам душман талвасага тушди.

Истаган ҳолда бугун улар ғалаба қозонган эдилар, аммо бу вақтинча эди. Чунки арманилар билдирмаса ҳам тўрт томондан уларнинг ҳаракатини кузатардилар. Тупроқ та-

гида ҳам жуда куп қола олмас эдилар. Ёмғир ҳам бир тарафдан уларни қора нуқтага айлантиришига оз қолди, аммо бу гапларни арслонларига айта олмасди. Эрталабгача ҳали куп вақт бор эди. Асосийси, арслонлари руҳан тушкунликка тушмаса бўлди. Бунга катъиян йул қўймаслик керак. У Муҳитни рация орқали чақирди:

– Муҳит, яхшимисизлар? Маҳкам бўлинглар, укаларим, жанг ҳали тугамади. Бу армани томони ҳар онда ҳужум қила олади.

Рацияда Муҳитнинг овози эшитилди:

– Яхшимиз командир, бу куппак болаларини ҳар доим кутиб олишга тайёремиз.

– Яхши ишга тайёр булинг! Армани тадқиқотчилари бу кеча бу ерга ўрмалайдилар. Бир дақиқа булса ҳам вақтни қўлдан бериб бўлмайди. Улар келмасидан аввал мен, кейин сен, охирида эса Панжали. Аммо ҳаммамиз бирдан чиқмайлик фақат рақамларга қадар.

...Кеча қора ёпинчиғига ўраниб олган. Кундузи қурол овозлари, бомбаларнинг портлаши эшитилмади. Орасирада эгасиз итларнинг ҳуриши, оғилхоналардан боқувсиз қолган сигирлар, қўй-қўзиларнинг маъраши эшитиларди.

Бу кечанинг ҳавоси бошқача эди...

Армани командири эртага кент озод қилинади деб Бош қароргоҳни ишонтириб, хотиржам қилди. Талиш тепалигини Озарбайжон армиясининг олиши ва бу кентда содир бўлган ҳодисалар душманни кўрқитиб қўйди. Озарбайжонликлар бу тепаликдан фойдаланиб, ерларини озод қилишни яна ҳам тезлаштириб, жанглар катта урушга айланаётган эди.

Армани армияси эса бунга тайёр эмасди. Икки кунлик жанглар шуни курсатар эдики, Озарбайжон армияси энг замонавий қуроллар билан қуролланган ва улардан жуда куп жиҳатдан устунликда эди. Озарбайжон армияси туқсонинчи йилларнинг армияси эмасди. Жанглар кучайса, наинки бу кентда, Хонкелдида ҳам бирорга армани одам қолмасди, ҳаммаси Ереванга, у ёқдан хорижга қочишарди.

Тепаликларни қўлдан беришдан воз кеча олмасдилар. Армани раҳбарлари ўз халқига “мана, кентни олдик” деб кўрсатмоқчи эди. Шу билан халқнинг ғазабидан қутулишни истарди. Командирга махсус топшириқ бериб, “ҳатто бир полкнинг ҳаммаси талафот кўрса ҳам, албатта, кентни қўлга олишимиз керак”, деди.

Кеча ярмидан ўтишига қарамасдан, армани командири полкнинг бутун салоҳиятли одамларини ёнига туплади. Чодирда кўрққанидан чироқ ёқдирмади. Кўзлари қоронғуликка мослашгунча ҳамма бир-бирини овозидан таний бошлади.

Полк командири кўрсатма ва топшириқларини берди. Еревандан, Бош Қароргоҳдан буйруқ келганини, улим баҳосида бўлса ҳам эрта кентни олишларини таъкидлади. Қуёш чиқмасидан ураб олинган атроф қаричма-қарич тозаланиши, диверсантларнинг ёки ўлиги ёки тириги топилиши кераклигини уқдирилди.

– Тушунарлими, жаноб зобитлар! – аскар зобитлар “тушунарли” деганидан кейин Погосян сузида давом этди, – аскарларимизга яхши тушунтирингки, бу жанг асосий жангдир. Акс ҳолда уруш оловланади, кенгайиб Хонкелдини ҳам оладилар, кейин туғри Ереванга йўналиши турган гап. Турклар ўз ерларининг ҳаммасини қайтариб олади. Сизнинг оналарингиз, опа-сингилларингиз дунёга тарқалиб кетади.

У кашфиёт раисининг овозини эшитишни хоҳлади.

– Майор Бабаян! Тадқиқотчилар амалиётга чиқдиларми? – у савол берса ҳам барибир билар эдики, кашфиётчилар кўп вақтдан буён полқда эдилар.

Ва диққат билан ҳар ишни мушоҳада қилардилар, бироздан сўнг эса ишончли маълумот келади. Ахир у ердаги диверсант гуруҳини тутиб олайлик, икки кун оч қолиб, қуруқ емиш билан қаноатланиши мумкин, лекин кейин барибир ўрнидан туриб ҳаракатланишга мажбур бўлади. Шунча вақт ҳаракат қилмай ётиб бўлмайди-ку, ахир?

Тадқиқот раиси деди:



– Хуш булади подполковник. Эртагача бир хабар билан келадилар.

Мурод боши устида оёқ қўйилганини ҳис қилди. Нафасини ичига ютди. Аниқ билдики, устида юрган армани тадқиқотчисидир. Аввал уларнинг ётган ерига аскарлар келганмикан деб ҳам ўйлади. Бироздан кейин билдики, ўйлагани тўғри эмас.

Тадқиқотчи ҳудудни текшириш учун бундан яхши жой топа олмасди. Армани секинлик билан чўзилиб атрофга боқарди. Тўққизовининг жойи ҳам шу ерда танланган эди, ораларидаги масофа ўн-ўн беш метр эди ва ҳаммаси бир-бирини назорат қила оларди.

Мухит бир шарпа командирнинг яширинган жойида чўзилганини кўрса ҳам бундан хавотирланмади. У бундан бошқа кўпроқ учовининг ерини билдирди. Гаплашганларидек, “Овчи” биринчи ҳаракатга келиши керак эди. Аммо у ҳали қимирламас эди. Демак, қулай вақтни кутяпти.

Бирдан шу пайт эртақлардагидек сеҳрли бир қўл тупроқни сурди. Мурод йўлбарс чангали билан бир қўлини арманининг оғзига олиб борди. Иккинчи қўлини унинг бўғзига қўйиб сиқишни бошлади. Армани нима бўлганини англаб улгурмай, иккови ҳам тупроқнинг ичига кириб кетди.

Унинг чиқиши бир неча сонияда кечди. Сунгра курд атрофга қаради. Мухит ҳам ундан сўнг ўз ишини бажарди.

Овозсиз мушук юриш қилиб, арманининг орқасида пайдо бўлди, оёғи билан йиқитиб, чўзилган жойида бўйинини синдирди. Панжалининг аниқ отган пичоғи овозини чиқаришга имкон бермади, Самид эса кашфиётчини ип билан бўғиб ўлдирди. Аммо тўққизови армани тадқиқотчилари неча нафар эканлигини ҳали билмас эди. Яна яширинган жойларига қайтадан кириб олдилар.

Шу пайт Мурод ўлдирган арманининг қулоғидаги мосламадан овоз келганини эшитди. Мосламани олиб ўз қулоғига тақди. Овоз тиниқ эшитила бошлади.

– Учинчи, учинчи, иккинчига жавоб бер. Ўлиб қолдингми у ерда? Бешовингиздан бирингиз жавоб беринг!

“Демак, беш нафар эканлар, бири омон қолибди”.

Мурод соатига қаради. Сахарга яқин эди. Бироздан кейин тонг отади. Шошиладиган жойи йўқ. Ҳақиқий жангга ўтиладиган вақт яқинлашмоқда. Шусиз ҳам қўмондонликнинг буйруғини бажариб бўлишди, душманнинг катта бир қувватга эга кучини ўзларига жалб қила олдилар. Энди бемалол ҳаракат қила оларди. Армани рациясини ишга солди:

– Эй армани олчоғи, сенинг тадқиқотчиларингни кўргани... – у армани тилида ёғли сўкиш айтди. – Энди бешинчини қидиряпмиз. Уни ҳам топиб сенинг орқандан борамиз.

Арманилар тадқиқот раисининг боши гарант бўлиб қолган эди. Ҳеч нимани англаб етмасди, озарбайжонликлар унинг ҳамма кашфиётчиларини қандай йўқотди. Бу гапларга ишонмай, қайта сўради:

– Сен кимсан, ахир? Рухмисан, арвоҳмисан, нимасан? Қирқ саккиз соатдирки бошимизда уйин уйнайсан, билмаймизки, нима қилайлик, кимсаааан?...

Рацияни бошқа тарафидан сокин бир овоз эшитилди:

– “Овчи”...

Раис аввалига ҳеч нимани тушунмади. Бирдан эсига тушиб қичқирди:

– У, “Овчи”ми? У афсонами?

Мурод бошқа ҳеч нима эшитмади, чунки рацияни қулоғидан чиқарган эди...

Биринчи армани тадқиқотчиси эса қўпдан бери қайтмаётганди, чунки жангчи шериклари билан алоқа йўқ ва у Муроднинг раис билан бўлган суҳбатини эшитганди.

Ёмғир кўп кўз ёшларини туқа бошлади, ҳарир қўйлакли булутлар қувилди, унинг ўрнига юлдузлар чақнай бошлади. Осмон ёришди, демак, янги тонг отарди...

Мудофаа вазири учинчи кечадирки, ётмасди. Ҳатто бир маротаба ёрдамчиси унга бир соатлик дам олишни таклиф қилганда, юз-кузидан уйқу тукилган бу одамга терс-терс қараб, жавоб бермади. Умумий Бош қароргоҳда, умуман, қароргоҳларда ҳамма тик оёққа турган, ҳеч ким ухлашни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Қандай ухлай олади?

Йиллардан буён ишғол қилинган ери узига қайтариб олинди. Бу халқнинг давлатга, унинг раҳбарига бўлган эътибори, умидини, ишончини ниҳоятда кучайтиради. Халқнинг узи ҳам тик оёқ усгида турарди, ҳарбийга чақирув минтақаларида ёшларнинг, ҳатто аёллар мурожаатларининг охири кўринмасди.

Ҳамма жанг майдонига боришни, жанг қилишни ёки нима биландир ёрдам беришни истар эди. Фақат Бокуда эмас, бутун ҳудуд аҳолиси кўчаларга чикиб, машиналарга миниб, Озарбайжон байроқларини қилпиратиб юрардилар. Бундай шароитда баъзилар тарғибот ишларни ўтказардилар.

Бундан биров аввал бу ҳақида ички ишлар вазири миллий хавфсизлик хизматининг раиси билан телефонда суҳбатлашди. Бусиз давлатнинг бутун махсус кучлари апрельнинг биринчисидан кучайтирилган иш режимига ўтдилар.

Вазир билардики, бу тушунча уни жуда севинтирарди. Бир томондан хотиржам бўларди, бу халқнинг давлатга, ватанга меҳри ниҳоятда кучли эди. Дунёнинг ҳар жойларидан вазирликка интернетдан ёзувлар, телефондан кўнғироқлар қилинарди, нима ёрдам керак бўлса, тайёрликларини айтардилар. Хорижий улкаларда яшайдиган озарбайжонликлар ҳам тик оёқда эдилар.

Шу вақт селекторнинг тугмаларидан бирининг чироғи ёниб ўча бошлади. Бу ижтимоий алоқалар шуъбасининг раиси эди. У тугмани босди. Селектордан овоз эшитилди:

– Жаноб генерал-полковник, хабар бюллетенида кўрсатганингизга тузатишлар киритдим. Юборайми ё шу ердан ўқиб берайми?

Эшик қия очилди. Ёрдамчи бир финжон қахвани келтириб унинг олдига қўйиб, охишта чиқиб кетди. Вазир қахвадан бир қултум ичгандан кейин ўзида хорғинликни ҳис қилди. Секин деди:

– Уқи, полковник.

– Хўп, жаноб вазир! – Полковник ўқишга киришди. – “Мудофаа вазирлиги аҳолига шуни билдирадики, Арманистон билан Қорабоғда олиб борилаётган жанглarda Озарбайжон армиясининг юзи ва ҳиссаси иштирок юқори бўлиб, Озарбайжон давлати, унинг Президенти жангчиларнинг муваффақиятли жанг қилишлари учун барча давлат ташкилотларига зарур бўлган кўрсатмаларни берди”.

У қўшимча қилди.

– Тузатиш ана шундан иборатдир, жаноб вазир!

– Яхши, – вазир яна изоҳ берди, – мувофиқ ташкилотлар билан келишиб, матбуотга чиқиш қил. “Ҳарбий хабарлар” сайтига эса менинг ташаккуримни билдир.

У тугмани босиб селекторни ўчирди. Қахвадан яна бир қултум ичди. Бу вақт селектордан “комплекс” ёзилган тугманинг чироғи ўчиб-ёнди. У тугмани босди.

– Жаноб вазир! – ёрдамчи тез гапирди, – Россия мудофаа вазирининг ёрдамчиси қўнғироқ қилиб, вазир Шойгу сиз билан гаплашишни истаётганини айтди.

– Улаб бер, – деди, ўзи эса ўйлай бошлади. “Тували буласан, меҳнаткаш бир оилада туғилгансан. Бажарган ишларингга қараб дунё майдонида бўлган Россиянинг қуроли кучларининг бошида турасан. Қизиқарли... Унга бир катта эътибор бор эди”.

Бироздан сўнг ёрдамчи тугмани босиб, уларни боғлади.

– Салом, Зокир Аскарлович! У Озарбайжон мудофаа вазири билан озарбайжон тилида саломлашди.

У Шойгуни кўпдан бери, ҳали Ички қўшинлар командирини вазифаси ўрнида ишлаган вақтдан буён танирди. Бу вазифага ўтгандан кейин эса ташвишлари кўпайган эди.

– Сизга ҳам салом бўлсин, Сергей Кужугетович! – Вазир куруқ овози билан гапирди. Аслида Москванинг нега кўнғироқ қилганини биларди.

– “Яхшимисиз” саволини бермайман. Усиз ҳам биламанки, жуда чарчагансан, овозингдан ҳам билиняпти, – у дарҳол муддаога кўчди. – Арманилар билан сизларнинг орангизда нималар бўляпти? Ереван бор овози билан шовқин кутариб, бутун дунёга турклар яна арманиларни ўлдирыпти деган гапларни айтяпти. Бироздан кейин Хонкелдини оладилар, арманиларнинг Қорабоғдан кўчиши ва яна билмадим нима гапларни гапиряпти...

Вазир унинг сўзларини эшитиб, пинагини бузмади, юмшоқлик билан жавоб берди:

– Жаноб, генерал-полковник! Аввало, шуни айтаманки, биз ўз ерларимизни озод қилиш учун халқаро ҳамжамият, шу жумладан, сизлар қабул қилган иттифоқлигимизни барпо қилишга келишдик. Иккинчидан, ҳар кун бутун дунёга ҳамда сизга бир сутка ичида ўтиш чизиги қанчалик бузилганини билиб, хабар юборар эдик.

Қизиқиш учун айтаманки, ҳозирги бир ҳафтада чегарадан ўтиш чизиги икки минг мартадан зиёд бузилган. Бу бир суткада уч юздан кўп бўлади дегани. Учтинчидан эса арманиларнинг асосий мақсади тинч яшовчи аҳолининг тинчлигини бузишдир.

Телефондан овоз келди:

– Нега, яъни тинч яшовчилар?

– Шундайки, Сергей Кужугетович! – У ишонч билан жавоб берди. – Ана шу тинч аҳоли, гуноҳсиз инсонлар 31 мартда чегара чизигидаги бир кентда беш нафар бўлган оила машинага ўтириб район марказига кетаётган бўлган. Кентдан чиққанда ҳозир қайтариб олган тепалиқдан ракета шу машинани урган, оқибатда бутун оила машинаси билан бирга тириклайин ёниб кетди. Уларнинг гуноҳи нима?

Гушакнинг нариги тарафидаги овоз бироз пасайди. Аслида, бу воқеаларни у биларди. Аммо...

Мудофаа вазири сабр билан ҳамкасбининг нима дейишини кутарди. Ниҳоят, Шойгу ҳеч нима билмагандек гап бошлади:

– Ҳм, аммо менга бошқа гап айтдилар-ку. – Менга деганларингиз...

Зокир Ҳасанов ҳамкори нимани исташини тушунди. Сузини охиригача айтишга қўймади.

– Жаноб вазир! Ким нима демасин, қўлга олинган чегара ҳудуди арманилар томонидан тинимсиз бузилмоқда. Бу сузларимни уларга айтсангиз яхши буларди.

Россиянинг мудофаа вазири эътироз билдирди:

– Биладан, Зокир Аскарлович, биладан. Дунёдаги арманилар оёққа туриб, бутун давлатларга гайзиқ утказяптилар.

Вазир киноя билан деди:

– Шу жумладан сизга.

– Шу жумладан бизга. Қарагин, бу ерда киноя керак, менимча.

– Нима тушундингиз, – кулимсираб деди. – Саркисян менга қўнғироқ қилди. Телефонидан сездимки, сочини юлиб, қўзининг қорасини чиқаряпти. Шуҳба қилмайман, мендан кейин жаноб Президентга ҳам телефон килади. Биласизми, нима дейди? Нимани хоҳлайди? Айтадики, урушни гўхтатинг!

Вазир ҳамкасбининг кулаётганини билди.

– Агар бу илтимосини қондирмасангиз, турклар бироздан кейин Ереванга келиб қоладилар дейди.

– Сиз қандай жавоб берган булардингиз, Сергей Кужу-готович?

Шойгу амаллаб турган вазифасига уйғун тарзда жавоб берди:

– Жаноб мудофаа вазири! Жангни тухтатиш керак! Урушнинг давом этиб, қизгинлашуви бошқа бир неча давлатларнинг фойдасига ишлайди. Бу на Россиянинг, на

Кавказ улкаларининг фойдасига булмади. Урушга билиб-билмай бир неча давлат қўшилиб қолиши мумкин.

Вазир аввал тушунтиришни истади, аммо бу фикридан дарҳол воз кечди. Унинг ўз шахсий фикрларини айтишга ихтиёри йўқ эди. Аввало, айтганларини давлат раҳбари билан расман маслаҳатлашмоқчи эди. У ҳарбий, ҳарбий буйруқларни жойига қўяди. Иккинчидан, ўз фикрларини айтса, Россияни ўздан хафа қилиб, ёки ранжитиб арманилар тарафга ёнбосишлари мумкин эди. Шойгунинг берган таклифига мулоимлик билан жавоб берди:

– Сергей Кужугетович, сиз ҳам мен каби ҳарбийсиз. Бизнинг муносабатларимиз нима бўлишидан қатъи назар, ҳар иккимиз икки давлатнинг Олий Бош Қумондонлигига боғлиқмиз. Улар бизга қандай буйруқ берсалар, биз шу буйруқни бажарамиз.

Шойгу тутиди. Ҳамкори савол ва жавобини жуда усталик билан етказганди. Жавобга чуқур ёндашмади. У ҳам муносабатларни бузишни истамади. Билардики, Озарбайжон тарафи Россиядан катта маблағ эвазасига қурол олади. Айтиш мумкинки, Россия Арманистонга пулсиз қурол берарди.

Озарбайжон тарафи бу қурооларни Америкадан ҳам олса бўлади. Бир ўртада Туркия бор. Дунё Россияни ёлғизлатган ҳолда ҳам Эрдуган Россия билан стратегик иттифоқчилик қиларди. Нима бўлганда ҳам, муҳими, Туркия Озарбайжонни мудофаа қиларди. Вазирнинг фикрига қўшилди:

– Туғри айтасиз, Зокир Аскарлович. Бизнинг ишимиз ҳарбий буйруқларни бажариш. Уйлайманки, Президентларимизнинг ўзлари бу ҳақда қарор чиқарсалар яхши бўларди. Бир соат вақт утар-утмас Владимир Путин жаноб Илҳом Алиевга кўнғироқ қилади. Бизнинг ишимиз Кавказда тинчликни таъминлашдир. Сиз билан хайрлашаман.

Вазир яна ўзини куч билан тўхтатиб қолди. Демак, унинг хоҳиш-истаги Озарбайжон ерларини ишғол қилинишига

имкон беришга оид сулҳми? Аммо тинчимади ва кўнглида шу ва шунга ўхшаш саволларга тўлиб кетиб хайрлашди:

– Тўғри айтасиз, Сергей Кужугетович! Олий Бош қўмондонликлар ўзлари келишиб оладилар. Мен ҳам сиз билан хайрлашаман.

Тугманинг чироғи ўчди. Бу эса суҳбат тугаганини билдирарди. Уйкусизликдан шишган кўзларини ишқалаб, қуйилган қаҳвадан бир қултум ичди. Креслога чўкди, оғирлашган кўзларини юмиб Шойгу билан бўлган суҳбатини таҳлил қилди, аммо ухлаб қолишдан қурқди. Анчайин қизарган кўзлари билан кабинетининг пастига тикилиб бир неча дақиқа ўилади. Сўнгра бирданга Олий Бош қўмондонга телефон қилди.

### *Жанг майдони, эртанги кун*

Оттилган кўпсонли бомбалар уларнинг буғзигача келди. Мурод кетма-кет тўрт марта хужумга ўтди. Билардики, бироздан кейин яна тўрт тарафдан арманиларнинг хужуми бошланади. Ўйинларни маҳорат билан режалаштирардики, келган хужумларни ҳар томондан қайтара олсин. Энди уларнинг вазифаси кўп сонли душманни улдириш. Уч печга икки, бир печга эса уч нафар жойлашдилар. Енгил қуроллар билан қуролланганликларига қарамай, жангга тайёр эдилар. Ҳаммаси билардики, улимлари баҳонасида бўлса ҳам ерларини кўриқлашга келганлар.

Рациядан овоз эшитилди:

– “Овчи” мени эшитяпсанми, “Овчи”.

Бу уларнинг командири эди. Мурод жавоб берди:

– Лаббай, командир! Эшитаман.

Командир чуқур нафас олди. Демак, ҳали улар тирик. Бу қувончни Мурод ҳам ҳис қилди. Командир завқ билан деди:

– Мурод, сиз ўзингиз яхши биласизки, Озарбайжон учун нималар қиялсиз? Буюк ишни қилдингиз.

“Овчи” жавоб берди:



– Билардик, командир, ишғол қилинган ерларимизнинг бир қаричини олдик. Бундан катта, бебаҳо бахт йўқ.

Командирнинг кўзлари ёшга тўлди, бўғзига нимадир тиқилди. У йигитларга таскин бериш учун алоқа ўрнатди, аммо аксинча бўлди. Мурод унга таскин берди. Ўзини қўлга олиб сўради:

– Нима қилмоқчисиз?

– Яна жуда кўп душман аскарини ўлдиришни истаймиз, командир, жуда кўп!

Командир тараддудланди:

– Мурод, балки даҳлиз очармиз, сизларни халос қиламиз, ҳали имкониятингиз бор.

“Овчи” қатъият билан жавоб берди:

– Шарт эмас, командир! Арманиларнинг асосий кучлари шу ерда жамланган. Жуда кўп йўқотиш беради. Йўқотишимиз тўққиз нафар булса ҳам, тўқсондек бўлади.

Мурод тўғри айтарди. Уларнинг йўқотишлари ҳаддан кўп бўлади. У буни тушунди, аммо арслонларини халос қилишни истарди. Командирнинг фикрини Муроднинг овози бўлди:

– Командир, биздан хавотирланманг! Биз бу ерга келганимизда “Ватан” деган кафанга ўраниб келгандик. Бу бизнинг миннатдорчилигимиз, – бирмунча охишта, мулоийм овозда гапирди. – Командир, сендан бир истагим бор.

– Командир, телефоним сейфингизда. Уни олиб ёқинг, хотинимга “С” ҳарфи билан бир смс юборинг. Алвидо! Алоқанинг охири.

Робита алоқаси тугади. Бир тарафда эса ҳарбийдаги шефи аччиқ-аччиқ, хўнг-хўнг йиғларди. Командир охирини кўрарди...

Арманиларнинг ҳужуми бошланди. Аввал танклар назарда тутилган худудни бомбардимон қилдилар. Ҳар бомба тушганда тупроқни осмонга совурар, сўнгра зарб билан ерга тушарди. Бироздан кейин пиёдаларнинг ўқ ёмғири оташи бошланди. Тўққиз нафар арслон бошларини печлардан чиқара олмасдилар.

Ўн дақиқа тинимсиз оташ давом этди. Сунгра эса армани аскарлари эҳтиёт бўлиб печларга яқинлашишлари ҳақида буйруқ олдилар. Печларга йигирма беш метр қолганда, қамал қилинганлар буйруқ олдики, айти вақтда Ф 5 замбаракларини арманилар тарафга йуладилар. Душман тарафда ҳаяжон ва парокандалик бошланди. Яраланган ким, бирданига жонини топширган ким бўлди.

Гранаталарнинг портлашидан узларига келишга куч топмаган арманилар бу сафар автомат ўқларига дуч келди. Душман талофат беришдан чекинди. Зобитлар аскарларини бир ерга жамлаб, янгидан хужумга ўтиш учун буйруқни кутдилар. Тўққиз нафар арслон оёққа туриб, автоматларидан олов очдилар.

Муроднинг гуруҳи уларнинг кўзини жуда қўрқитиб қўйган эди, баъзи армани аскарлар қочишга тайёр эдилар. Арманиларнинг махсус кучлари уларга ёрдамга келганда пиёда аскарлар бироз нафасларини ростладилар, биринчи бўлиб улар хужумга ўтадилар.

Мурод рақияси билан йигитлардан вазиятни сўради:

– Арслонларим, вазият қандай? Талофат борми? Гранаталарни қаттиқроқ отинг. Бизга ҳеч ким граната келтирмайди.

Мухитнинг овози эшитилди:

– Командир, мен билан икки киши ярадоримиз бор. Бири енгил, бири оғир, анча тўзидик. Бу хужумни ҳам қайтара билдик. Тушунимча, юзга яқин арманини йўқ қилдик.

– Мурод туғри айтасан, бу гранатани эҳтиёт қила олмадик. Айтаманки, энди сокинлик, балки ўлган армани аскарларининг қуролларини, граната ва ўқларини олишимиз керак. Ушанда жуда кўп арманини қира оламиз. Нима дейсан?

Капитан туғри айтди. Бирдан хужум бўлса, иложсиз қоламиз, гранаталаримизнинг ҳаммаси тамом бўлди. Улар сўнгги хужумда пичокларига умид қаратмоқда эдилар. Ўқлари жуда кам қолган, фақат жаҳд қилиш керак.

– Яхши, капитан, аммо эҳтиёт бўл! Бироздан кейин

навбатдаги хужум бошланади.

– Хўп, командир!...

Қашфиёт раиси “Овчи”нинг номини эпитганидан буён бешинчи кашфиётчини рацияда қидиришни муовинига топширди, ўзи эса қочиб командирнинг ёнига кетди. Рухсат олмай унинг чодирига кирди.

Полк командири билдики, раиснинг бундай ҳолда келиши сабабсиз эмасди, ўзи ҳам суроқсиз чодирга кирди. Раис бирор нима дейишдан олдин кичик ҳарбий халтасидан картография харитасини чиқариб очди. Ҳаво алоқаларида ишлагани учун харитани осонлик билан кўра оларди. Харитани кичик фонар билан ёритди.

– Улар клубда экан. Биз шаҳардан оқшомга қадар клубни борбардимон қилдик, – бармоғини хаританинг устида айлантириб бир нуқтада тухтади. – Қара, координатлари бу худудни курсатади.

– Буни сенга тадқиқотчиларинг айтдимми? Улардан хабар олдингми? – командир савол берди.

Раис бошини елпиди:

– Яхши, жаноб подполковник! Тадқиқотчиларимизнинг тўрт нафари улдирилди. Бешинчисидан эса ҳали бир хабар йук. Улар бизни талвасага солаяпти.

Командир ҳеч нимани тушунмади:

– Бу маълумотни сенга ким берди ёки ўзининг тахминларингми?

– Хайрли бўлсин, жаноб подполковник! Бу хабарни менга “Овчи”нинг ўзи айтди. У бизнинг кашфиётчини улдириб, рацияси орқали мен билан гаплашди. Исмини “Овчи” деди.

Погосян “Овчи” ҳақида кўп эшитганди. Йиллар давомида унинг овига чиқдилар, аммо ҳеч нима қилишолмади. Яна бир тарафи унинг асл отини, фамилиясини билолмадилар. “Овчи” номини эшитганда кўзлари хонасидан чиқади, узининг тасаввур чизгилари каби куз унгига келтирди. Ундан тезда сўради:

– “Овчи” деддингми?

Раис тасдиқлади:

– Ҳа, мен билан “Овчи” рацияда гаплашди.

Командир ихтиёрсиз қўлини телефонига узатиб буйруқ берди:

– Бош Қароргоҳга уланг, – қўли билан раиснинг кетишни кўрсатди.

Телефондан овоз келганда, узининг вазияти ҳақида маъруза қилди.

– Жаноб генерал! Кентни олган “Овчи”нинг гуруҳидир. Ҳозирда бу гуруҳ тўрт тарафдан қамалда.

Телефонда бир муддат сукут сақланди. Генерал ўзи бу хабардан шокка тушганди. Икки кун эдики, уларни асир қилган, бутун жонли-жонсиз кучларни ўзига жалб қилган, сен айтганинг “Овчи” миш.

Генералнинг жимлигини кўрган командир гапира бошлади. Шу пайт алоқа узилди.

– Жаноб генерал, – ҳатто телефоннинг гушасини пуфлади.

Пфу, пфу... Жаноб генерал!

Ҳангу манг бўлиб базўр ўзига келган генерал жавоб берди:

– Подполковник, улар кентда неча нафар?

– Билмадим, жаноб генерал! Шуни биламанки, бир қис-ми яраланган, ўлганларини бир кун олдин йўлак очиб ўзлари тарафга юборибдилар. Балки...

Генерал унинг сўзини бўлди:

– Йўқотишларимиз қанча?

– Кўп, – дарҳол жавоб берди, – балки юздир, балки икки юздир, аммо аниқ ҳисоб қилмадик. Уйлайманки, кентни олгандан кейин аниқ маъруза қиламан.

– Ўзи бу маълумот ёлғиз менга берилган. Ким маълумотни сендан олишни истаса, айтингки, бу менинг буйруғимдир. Кентда жангда бир гуруҳ ҳарбийларнинг шунча аскарни ўлдириши ҳеч ақдан эмас. Ҳали мен айтмадимки, бугунги ҳужумда йўқотишларимиз, шубҳасиз, яна бўлади. Буни назарга олинг. Буёғига сизга ёрдамчи қилиб махсус кучларни юбораман. Уларни қамалга олинг, ўшанда йўқотишимиз

кам бўлади. Атрофга снайперларни жойлаштиринг. Улар бир-бир тозаласинлар. Тушунарлими?

Генерал бироз ўзаро фикрлаб, қўшимча қилди.

– Урганинг, “Овчи”ни тирик тутинг. У бизга кўп сирларни очиб беради. Биласанми, афсонавий “Овчи”ни қўлга олиш нима дегани? Ҳаммамизнинг ёқамизда бир медал ва янги амалга интилишдир.

Полк командирининг кўзлари ҳарислик билан ёнди:

– Ҳўп бўлади, жаноб генерал!

Арманилар тўрт тарафдан снайпер жойлаштирди. Муҳит Самид билан печдан чиқиб бир қадар оралиғида майитлари қолган арманиларга қараб тўғри ўрмалаб бордилар. Энди тўс-туполон тинган эди. Снайперлар атрофни бемалол қўра олар эдилар. Снайперларнинг командири буйруқ берди.

– Икки нафари печдан чиқди. Ўлган аскарлар томонга тўғри ўрмалаб келяптилар. Буйруқсиз ўқ отманглар. Шусиз ҳам бир ерга чиқа олмайдилар. Қўрайликчи, мақсадлари нима экан?

Муҳит эса ўлик арманиларга яқинлашиб уларнинг автоматларини, ўқдонини, гранаталарини йиғишни бошлади. Бўлган воқеани армани дархол қароргоҳга хабар берди:

– Командир, улар ўлганлардан қурол-яроғ йиғмоқдалар. Нима қилайлик?

Рациядан овоз келди:

– Ҳаммасини ўлдиринг. Бир “Овчи” қолсин.

Спайнер эътироз қилди:

– Ара, бориб улардан бир-бир сураймайсанми, “Овчи” қайси бирингиз, уни ўлдирмаймиз деб. Уни ҳеч ким танимайди. Биз билмаймиз “Овчи” қайси бири. Ҳозир нишонгоҳда икки турк бор. Каердан биламиз улардан бири “Овчи” бўлса.

Спайнерчи тўғри айтарди. “Овчи”ни билиш учун ҳаммасини асир олиш лозим эди. Уни юзидан ҳеч ким кўрмаган. Агар улар қурол-яроғ йиғсалар, талофот яна кўп бўлади.

Бош қароргоҳга телефон қилиб масаланинг моҳиятини генералга билдирди. Шундан сўнгра у снайперларга алоқага чиқиб, ҳаммасининг ўлдирилишига буйруқ берди:

– У икковини кўздан қочирмасдан, дарҳол ўлдилинг! Бироздан кейин ҳужум бошланади. Муҳит ва Самид қуролларни қўлларига осиб олдилар. Оғир-оғир бўлса ҳам ҳаракат қилардилар. Йўлнинг ярмида эканликларида снайперлардан ўқлар отилди...

Мурод тақ-тақ отилган ўқ овозидан тушундики, ҳар тарафга снайперлар қўйилган. Демак, бошингни печдан ташқарига чиқара олмайсан. Билдики, отилган ўқлар Муҳит ва Самад учундир. Бир неча марта рациядан “Муҳит, Самид” дея чақирди, аммо арслонлари жавоб бермади...

Арманиларнинг учинчи ҳужуми аввалгиларидан ҳам омонсиз бўлди. Танклардан, ПДМлардан отилган снарядлар тупроқни қўпориб ҳар тарафни қуринмас қилди. Шундан сўнг пулемётлар ишга тушди. Тинимсиз отилган снарядлар ҳамма нарсани маҳв этарди. Мурод Панжалини чақирди. Овоз келмади. Юзи билан ерда эди. Елкасидан тутиб силкиди. Орқасига ўгириб чақирди. Панжали ҳалок бўлган эди. Снаряд парчаси унинг бўғзига кирган эди. Ўзини йўқотмади. Рация билан алоқа чиқди.

– Арслонларим, ким мени эшитяпти? Мурод саволини бир неча марта такрорлади:

– Арслонларим!...

Барча рациялар учганди. Мурод якка қолганини билди. Энди унинг ёлғиз кетиш вақти эди, аммо у шунчаки кетишни истамас эди. Ҳали бир неча армани аскарини ўлдиради. Панжалининг автоматини қидирди. Унинг фақат биғта ўқи, бир дона гранатаси қолганди. Ўзида ҳам шунча ҳисоби.

Туппончасини кўрди, ўқ отилмаган. Демак, ҳали жанг қилса бўлади, сўнги дамга қадар, сўнги ўқи, сўнги гранатаси, сўнги нафасигача. У бу манзарани тушларида кўрганди. Ташқаридан нафас олди. Шукр қилдики, арслонларидан ҳеч ким душман қўлига тириклайин асир

тушмадилар.

Уқлар ёмғири кесарди. Душман ҳеч ким соғ қолмади деб хотиржам эди. Уларни фақат снайперлар кўриқлаб турардилар. Арманилар қамални тугатдилар. “Овчи” душманнинг қадам овози яқинлашганини ҳис этди. Бирдан аввалгидек унг, сунгра эса чап қўлини уйнатиб охирги гранатани арманилар тарафга йўллади.

Ҳар портлаганда олти-етти армани чалқанча тушиб ўлди. Орқасидаги автоматларнинг қўндоқларидаги сўнгги ўқгача армани тарафга бўшагди. Улардан нечасини ерга кулатганини сезмади ҳам. Снайперлар эса нишонгоҳларида унинг бошини мўлжалга ололмасдилар. “Овчи” бошини печдан чиқармасди. Ҳатто махсус кучлар унинг яқинига яқинлашишга мажбур бўдилар.

Командир оташ сочаётган печнинг координатларини танкчига берди. Бомба Муроддан бир қадар узоқроққа, тўғри унинг туйнугининг ёнига яна бир тешик очиб портлади. Снаряд парчалари уни елкасидан то оёғига қадар урилди. У кўзини очиб оғриқдан ингради. Чап қўли билан соғ тарафини силади.

Қўли қонга тегиб, унинг ҳидини ҳис этди. Қонли қўлини бурнининг олдига келтириб ҳидлади, кейин кула бошлади. Тупшончасини қўндоғидан чиқариб қўлида тайёр тутиб турди.

Курд кўзлари билан осмонларга тикилди, у кимдир келишини кутарди. Туркия ҳарбий мактабида ўқиган пайти жуда севган шеърини такрорлади:

Шаҳидлари байроқ ёнган устидаги қондир,  
Тупроқ, сенинг чун ўлган асли ватандир!

Бир онда кўз олдида онаси Гуллибейим келди, онаси унга ҳайрон бўлганини эслади:

“Ҳамма қон кўрганда йиғлайди. Сен эса куласан”. Яна кулди. Энг охирида хотинининг айтган сўзларини эслади: “Мен сенга тоғ бўлишни ургатаман”. Қаердандир Физзанинг овозини эшитилди: “Сен менинг тоғимсан, бу менга етарли.

Менинг тоғим сенсан!”. Ёшлигида отаси айтган сўзни юрагида такрорлади: “Душмандан бир қарич тупроғимни олиб ўлсам ҳам “Уф” демайман”.

Оёқ товушини сезиб, кўзини очди. Армани печнинг бошида турарди. Уйлаб ҳам ўтирмасдан тўппончасининг учини чиқариб ўқ узди. Армани печнинг ичига, унинг ёнига йиқилди. Ташқаридагилар арманича қичқирдилар:

– Бу ерда бири ўлмабди. Балки “Овчи” дегани шудир.

Мурод кўп қон йўкотаётганди. Биларди, бир зум кечикса, ҳушидан кетади. Ушпа пайтда арманилар уни асир оладилар.

Кўз олдига аскарлари келди. Бутун шаҳидлар ва ғозилар бир-бир хаёлидан ўтди. Аммо юзидан табассум аримасди. Генералга берган сўзи ёдига тушди. “Командир, мен асир тушмайман, сўнги дамда бошимга бир ўқни тикаман”. Тўппончани қалбига тиради. Ўйлади: “Командири Физзага смс юбордимикан”. Оёқ овози жуда яқиндан эшитилди. Елкаси билан йиқилди.

Шу куни отасининг оёғи торгмади. Шунчаки очиқ ҳавода айланар, ҳаяжони босилмасди. Юрагида кучли бир оғриқ пайдо бўлди. Қўли билан кўкрагини силади, кўзларини юмди. Ўшанда узини чегара чизиғидаги жабҳада кўрди. Аскарлар у тараф-бу тарафга қочар, ўқлар отиларди.

Улар нима десинлар, ҳаммасини тушунарди. Қирғоқда бомба портлади, тупроқ парчалари осмонга сапчиб ерга тукилди. Ҳамма югуриб қочар, “урра”лаб қичқирарди. Аскарнинг бирини тўхтатиб, “Эй бола, менга ҳам қурол беринг, мен ҳам жанг қилай!”, деди.

Ҳеч ким уни эшитмади. Чунки ҳеч ким уни тушунмасди. Кўз қири билан Муродни ахтарди, топа олмади. Ўйлади, балки ўғлининг дўстларини қидириб топиб, улардан Муродни сўрар. Яна ҳеч кимни кўрмади. Капитан рутбали бир зобитга яқинлашди.

– Эй ўғлим, полковник-лейтенант Мурод Мирзаевни кўрдингми?

Зобит унинг ёнидан эгилибгина ўтди. Ўз-ўзидан тааж-



жубланиб, эй болам, булар бунчалик шошиб қаерга кетяптилар?

Олов ўчди. Бир аскарнинг қулида ой-юлдузли уч рангли байроқ бор эди. Байроққа диққат билан қаради. Байроқдан бир нарса томчилар, байроқ юксакка кўтариларди. Зобитлар, аскарлар ерга ўтириб давра қурдилар. У ҳарбийларнинг орасидан кесиб угди. Яна бир кишидан сўради:

– Эй бола, бу ерда нима бўляпти?

Яна ҳеч ким жавоб бермади. Ўртага қаради. Бир неча шаҳид бўлган ҳарбийларни курди. Ўғли Мурод ҳам уларнинг ичида эди. Туниб атрофдагиларга кичқирди:

– Нимага турибсиз, тез уларга ёрдам беринг. Ярадор бўлганлар.

Яна уни ҳеч ким эшитмасди. Ҳарбийларга бирма-бир яқинлашиб ёлворар эди, нима бўлди, уларга ёрдам беринг. Уни кўрмас эдилар. Тиззаларини ерга қўйиб, шаҳид бўлганларга қаради...

Сунгра бобоси Муродни курди, ўғли Муроднинг қулидан тутиб силарди:

– Эй қушни, узинга кел, – деди, – оёқ устида гуриб қолибсан. Нима бўлди?

Телман хаёлида кўрганларининг таъсиридан ҳалиям узига келолмаётганди. Ерга чўккалаб қўллари билан бошини ушлади.

– Аллоҳим охирини хайрли қилсин! Бир нарса буддими, а қушни. Бор, кет, ўзингнинг ишингни қил.

Онаси ҳовлида товуқ-жўжаларга емиш берарди. Апрель ойининг бошларида кент жуда сокин ва гузал буларди. Олча, ўрик гуллашни бошларди. Ҳаво жуда тиниқ, ғуборсиз эди. Она донни ҳовучига олиб “жип, жир, жип” деди.

Товуқлар унинг балаңд овозини эшитганда, темирдан нарироққа ўтиб туқилган тур тарафга келдилар. Албатта, бу овоз уларга дон берарди. Ҳовучидаги донни турнинг нариги тарафига тукиб эгилди, яна бир ҳовуч бугдой келтирса. Шу пайт хабарсиз бўлган шабада унинг ёноқларини силаб

кетди. Тик турди. Қаддини кўтариб, ростлаб атрофга қаради. Ҳеч нима қимирламасди. Шабададан асар-аломат ҳам йўқ. Унинг юзини силаган, уни тиктирган нима эди у?

Осмон юзига назар солди. Шабададан ҳеч дарак йўқ. Шу хаёллар билан ўтирган пайт яна яноғини кучли шамол силади. Ўгирилиб орқасига қаради. Бу шабада қаердан келиб, қаерга эсади? Яна уйлади, кўрган бу куним қандай кун ўзи, шамол нега менга тегаяпти.

Бу сафар шамол унинг юзининг ён тарафидан эсиб келиб, янгидан чехрасини силади. Онага шундай туюлдики, шабада гўё унинг ёноқларини ўпиб кетарди. У энди тушундики, шабаданинг ёноғидан силаши бу нима дегани? Ихтиёрсиз кўздан ёш оқа бошлади. Юрагига нима келди, румолининг бир учи билан кўз ёшини артди. Шабада унга гўё қандайдир хабар келтирганди. Буни у англади.

Уйда ҳеч ким йўқ эди, бемалол бир ўзи юра оларди. Шусиз ҳам унинг ҳаракатини ҳеч ким назорат қилмаётганди. Юраги тўлганди, хўнг-хўнг йиғлашни истарди. Қандай йиғласин, юрагини қандай бўшатсин, йиғлаганини ҳеч ким кўрмасин.

Оғир қадамлар билан уйнинг орқа томонига ўтди, ўриб олганлари кесилган, лекин ўрнига ҳеч нима экилмаган, Муроднинг жуда севган нок дарахтининг тагига ўтирди. Мурод туғилган, энди эса ерида фақат тупрок қолган эски уйга тикилди. Ўғли шу ерда дунёга келганди. Ўзидан тез бўлмаган мақсадини илгари суриб, елпиғич тугандек қимирлатди. Тилидан ихтиёрсиз “Лай-Лай” чиқди.

*Лай-лай дедим ётасан,*

*Ширин уйқу топасан,*

*Қизил гулга ботасан,*

*Лай-лай, лай-лай.*

*Боглама қурбон инаклар,*

*Болам қачон эмаклар?*

*Боглама қурбон олчалар,*

У охири чидамади. “Мурод” деб бақириб кўз ёшларини ўтирган ерида тука бошлади.

Физза икки кундирки, уйқусиз бўлиб қолган. Мурод билан бундан икки кун олдин охириги марта телефонда гаплашганда, эриунга бироз вақт кунгирок қила олмаслигини айтганди. Телефони ўчирилган. Физза унинг нима деганини яхши тушунмаганди. Биринчи мартаба айтяптими?

Ҳар доим Мурод бирор жойга кетганида шунақа гапирарди.

Бир неча кундан кейин эса телефон қилиб: “Жоним, мен қайтдим. Окшом пайтида уйда бўламан”, сўнгра ҳазиллашиб: “Япроқли дўлма қилишни эсингдан чиқармагин яна!” дер эди.

Хотини биларди, икки кундан буён арманилар билан жанг бўляпти. Бундай ҳолда, хамиша “казарма ҳолаги” эълон қилинарди.

Ҳатто ҳозирги шароитда Мурод унинг ёнида бўлса, балки унга тана қилиб, “Сен ҳарбий бўлсанг, нега чегарада эмас, менинг ёнимдасан”, деб айтармиди.

Хабарларни диққат билан эшитарди. Эришилган ғалабалардан севинарди, аммо шаҳид жанозаларини телевизорда кўрганда юраги гўё ерга тушиб кетарди. Паришон эди, чунки Мурод уни тоғ бошида чўққи бўлишга ургатганди. Имкони бўлса, ўзи ҳам уруш чегарасига кетгудек эди. Тиббиёт университетини бекорга битирмаган-ку, ахир?

Кеча ўғли Нурлан унинг ёнига келиб, онасининг тиззаларини кучоқлаб айтдики:

– Она, биласизми, катта бўлсам, мен ким бўламан? – кутиб ўтирмасдан узининг саволига ўзи жавоб берди. – Отамдек ҳарбий бўламан.

Физза кула-кула унинг сочларини эркалаб силади:

– Ҳа-да. Ҳозиргача кўзимиз бировингни орқангдан қараб қолади, энди сен ҳам ҳарбий бўлсанг икковингни орқангдан

кўз тикиб ўтирамизда, – кейин ўглини сочларидан ўпди. – Хотиржам бул, сенинг қароринга ҳурмат билан ёндашаман.

Бу кеча Денгиз ҳам яхши ухламади. Отасини тез-тез уйқусида чақирди. Орада “Отам келди” деб гапирарди.

Физза бугун ишга бормади. Болалар билан уйда қолди. Қўнғироқ қилиб ишдан рухсат олди. Нурлан вақтли турди. Уни овқатлантириб хонасига юборди. Денгиз саҳарга яқин ухлагани учун уйғотишга кўзи қиймади. Мурад уйга қайтганича телефонини ўчирмас эди, ҳар он унинг қўнғироғини кутарди ёки “С” ҳарфли смс.

Шу куни пешингача ҳеч ўзини қўярга жой тополмади. Фикри-зикри Мураднинг ёнида эди. Ўзида-сўзида ҳам шу фикр эди. Нима иш қилса, юраги тинчимади. Юрагидан тош отгандек эди. Бу тошни фақат Мурад олиб ташларди. Ундан эса хабар йўқ эди.

Ўйланиб-ўйланиб юриб панжаранинг олдига суянди. Атрофга қаради. Янги қурилган кўп қаватли бинолар кўчани кўрсатмас, манзаранинг олдини тўсган эди. Фақат осмоннинг ўзи кўринар эди. Осмоннинг юзи сокин, маъсум, топ-тоза эди. Осмонга тикилиб қараб бир неча сония ҳаракатсиз қолди.

Шу пайт у қараб турган нуқтада кичик булут парчаси пайдо бўлди. Булут осмон юзига ёпишди ва кўзининг ўнгида “С” ҳарфи ёзилди. Кўзларига ишонмади. Бу “С” ҳарфи ёлғиз Мурад билан унинг сири эди. Буни улардан бошқа ҳеч ким билмас эди. Физза “С” ҳарфини изларди. Бироздан кейин “С” ҳарфи хира тортиб, “Қайтаман дедим” деган ёзувга айланди. Хотини дахшатга тушди ва қичқириб юбормаслик учун қўлини оғзига маҳкам қўйиб, ҳаракатсиз диванга ўтирди...

4 апрель.  
Президент Администрацияси

Озарбайжон армиясининг тезда зафарли юриши бутун дунёни ларзага солди, оёққа турғизди. Арманистон давлатининг бутун халқаро намояндалари, сайёранинг аксар гушаларида жар солган армани лоббиси ва уларнинг таъсиридаги олтинга тенг сиёсатчилар, христиан ҳамкорлигини намойиш этган халқаро доиралар ва оммаий ахборот воситалари тинимсиз жар соларди.

Озарбайжон Президентига келган кўнғироқларнинг орқаси узилмасди. БМТ, Европа иттифоқи, давлат бошлиқлари – яна кимлар йуқ эди бу руйхатда – АҚШ ва Франция, Англия ва Россия, Туркия ва Эрон, бошқа қитъаларнинг буюк улкаларидан тутган Исроилга қадар ҳар тарафдан кўнғироқлар ва баёнотлар келарди.

Озарбайжон армияси ва унинг ҳақиқий кучи уч кун ичида дунё ижтимоий ҳаётининг диққат марказида бўлди. Берилган баёнотларда бу тўқнашувдан қўшимча пул топишни истаганлар, дўстдек ёрдам беришга тайёр бўлганларини баён қилдилар. Озарбайжонни қўрқитиш учун катта минбарлар билан таҳдид қилдилар. Жанубий Кавказни узоқ муддатли урушга ундаб уни қиздиришни истаганлар – бир сўз билан айтганда, уларда қизиқиш бор эди.

Дунёнинг геосиёсати, геоиқтисодиёти, ҳарбий–геостратегиясининг қизиқишлари шу кунларда Жанубий Кавказга қаратилган эди.

Аммо урушнинг бўлаётганлигини кўриб турган ҳеч ким Озарбайжон ноҳақ уруш бошлаган демас эди. Бу сафар жуда тўғри тарғибот олиб борилди. Озарбайжон тарафи ҳаммани ишонтирдик, унинг армияси арманиларнинг неча йиллардан буён тинч аҳоли яшаётган кентларни интенсив уққа тутгани оқибатида жавоб ҳужуми эди.

Ҳар ҳолда шу кунлар расмий баёнот қабул қилган аксарият халқаро ташкилот ва давлат бошлиқлари ва жуда кўп жамоатчилик бошлаган урушни узаро келишиш орқали тўхтатишни, сулҳ ва алтернативнинг булишини ифода қилдилар.

Табиийки, бу борада армани диаспораси ва лоббиси жуда фаол ишлади. Улар бутун халқаро ташкилотларга ва буюк давлатларга тайзиқ ўтказиб Озарбайжон армиясининг зафарли юришларини тўхтатишни талаб этардилар. Лекин бу халқаро ташкилотлар уларнинг эсига БМТнинг Озарбайжон ҳудудини ишғол қилинганлиги ҳақида турт асосномаси нима бўлди, буларга нега амал қилинмайди?... деган ҳақиқатларни солмас эди.

Аммобирҳақсузбор, ғолиблармуҳокамақилинмайдилар! Озарбайжон армияси қисқа муддатли урушда ғолиб бўлди. Узининг ишбилармонлигини ва азмкорлигини намоиш этди. Бутун дунёга билдирдики, энг замонавий техникага асосланиб ва ҳарб ишининг бутун янгиликларини ўзида акс эттирган Озарбайжон армияси бир неча ишғол қилинган ерларни озод қила олди. Озарбайжон бутун дунёга курсага олдики, Кавказнинг энг кучли махсус армияси унда мужассамдир.

Кеча саҳардан буён бироз секинлашди. Қўнғироқлар аввалгидек бўлмаса ҳам, барибир бўлиб турди. Охири қўнғироқлардан бири Арманистоннинг харбий иттифоқдоши бўлган Россия Президентидан келди ва у ўт очишни тўхтатишни истади.

Владимир Путин Арманистон Президенти Саркисян билан анча гаплашганидан кейин, такроран қўнғироқ қилишини айтди. Россиянинг ўзи ҳам ҳозирда ноқулай вазиятга тушиб қолганини гапириб, Арманистон ҳукумати мағлубиятининг сабабини ўз халқига изоҳлаб беролмаётганини таъкидлади. Эътирозлар тўлқини бутун Арманистонни ва харис арман диаспорасини ўз домига тортди.

Озарбайжон Президенти Администрациясининг мувофиқ шўъбалари шу кунларда алоҳида иш режими билан жуда интенсив ва аниқ тартибда ишларди. Уруш бошланган дақиқадан бутун ерли КИВ-нинг фаолияти назоратга олинган ягона марказдан координация қилдирилди.

Бундан бошқа, Боқудан аккредитация олган хорижий журналистлар ва ерли КИВ-лар тапшиқ килинадиган жанг майдонларига олиб борилди. Улар арманиларнинг яшаётган кент ва бошқа яшаш минтақаларидан, тинч аҳолининг фожиаларидан баҳс этган репортажлар тайёрладилар ва алоқа нуқталаридан дунёга тарқатдилар.

Бу уруш ҳақидаги асосий ахборотни бу сафар бутун дунё Озарбайжондан ёйилган репортажлар воситасида билиб олди. Ҳатто арманиларнинг ўзи бу жангнинг бориши ва ўзларининг йўқотишлари ҳақида энг туғри маълумотни Озарбайжоннинг интернет сайтларидан оларди, апрель жангларида ўлган арманиларнинг исм-фамилиясигача ўрганиб олган эдилар.

Президент ўша куни юз берган бутун воқеа-ҳодисаларни ўйлай-ўйлай стол устидаги қоғозга ўз қайдларини ёзди. Бироз чарчагани курилиб турарди. Чунки давлат раҳбарининг юки фақат минбарда эмасда. Энди ҳамма нарса уруш учун. Кура-миз. Эртага нима бўлади?!

“Озарбайжонни жуда кучли ва қудратли қилиш лозим! Бошқа нефти бор улкаларнинг, Урта Осиёдан булган қушнилари-нинг кунига тушиб қолмаслик учун кучайтириш, иқтисодийётни соҳалаштириш, импортни минимумга тушириб, экспортни эса орттириш керак.

Албатта, бу бир-икки кунлик иш эмас, йиллик ишлар. Постнефт даврининг янги иқтисодий ислохотларини давом эттириш лозим. Бунинг фониде нефт орқасидаги негатив ҳодисаларга, қулга қараб қолишга, порахўрликка қарши кураш олиб бориш ва тадбирлар ўтказиш талаб қилинади. Бу осондек кўринса ҳам жуда муҳим ва зарур.

Буларни орадан чиқариб ташламасак, ички ишлаб чиқариш ва ерли соҳибкорликни кучайтириш мумкин эмас, бусиз армия қурилиши кучсиз бўлади. Ҳарбий саноатни кучайтириб бўлмайди, миллий армиянинг асосий кафолати, хусусан, озиқ-овқат таъминоти тамоман ички қурилма асосида ривожланади.

Президент ўз уй-хаёлларига бироз тиним бериш учун ўрнидан турди ва деразага яқинлашди. Кабинетидан Хазар денгизи томонга очилган деразадан денгиз соҳили, булвар, Биллур Сарой ва Байроқ майдони – Боқунинг апрель кечасини сайр қилишни бошлади. Президент Боқуда тутилган, 6-мактабда таҳсил олган, болалигини шу севимли шаҳарда кечирганди. Кузлари Боқу чироқларидан қамашса-да, фикри яна миллий армиянинг ёнида эди. “Ўз армиясини таъминлай олмаган давлат бошқа давлат армиясининг кумагига муҳтож бўлади”. Бу хикматли калом хаёлидан чиқмасди.

Селекторда сариқ тугмалардан бири ёниб-ўча бошлади. Қайтиб келиб жойига ўтирди ва тугмани босди:

– Жаноб Президент! Ёрдамчингиз Али Ҳасанов келдилар, чақирган экансиз.

– Ҳа, келсин! – тугмани босиб ўчирди. Эшик очилди. Ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича ёрдамчи-шўба мудири Али Ҳасанов қўлида бир даста қоғоз билан ичкарига кирди. Саломлашди ва Президент қўли билан ишора қилгач, стулга утирди.

– Ҳа, маъруза қил, кўрайликчи, бу уч кун ичида дунё биз ҳақимизда нималарни гапирди. Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари охириги жанглар ҳақида нималарни ёзди? Қандай баёнотлар чиқариб, нималарни сузлаб ва энг асосийси бизга нимани таклиф қилишяпти?

Ёрдамчи уч варақлик қоғозни Президентга узатиб, маъруза қилишни бошлади:

– Жаноб Президент, биринчи бетда апрель жанглари ҳақида хорижий улкаларнинг, Россия, Туркия, Эрон ва бошқа давлатларнинг телевидения каналлари, матбуот ва



интернет порталларида мавзуга оид нашр қилинган материаллар ёзилган, иккинчи саҳифада апрель жангларига муносабат билдирилган халқаро ташкилот ва давлат раҳбарларининг, ганиқли ижтимоий-сиёсий шахсларнинг баёнотлири, учинчи саҳифада эса, ҳар икки қисмда билдирилган таклифларнинг қисқа мазмуни акс этган.

Сўнгра ёрдамчи рўйхатда бирма-бир номи қайд қилинган КИВ-ларнинг, давлат расмийлари ва ижтимоий-сиёсий шахсларнинг мавқе, даражаларини улка раҳбарига маъруза қилди. Таклифларини жонлантирди. Ёзганлари жуда кўп эди.

– Аксар КИВ-лар Жаноб Президент, бу сафар жуда кўп бора бизнинг ҳақ ишимизни дастурлаб, ҳақиқатни кўрсатибдилар. Фақат баъзи арманипараст медиа, хусусан, армани диаспорасининг таъсирида бўлган КИВ-лар ўз қоралашларини давом қилмоқдалар. Уйлайманки, бу сафар улар асосий ҳақиқатни яшириб, оқни қора деб айтолмайдилар.

Президент ёзилганларни диққат билан кўздан кечирди. Айниқса, энг нуфузли халқаро КИВ-ларнинг, телевидение каналларининг номларини ўқиганда, розилик аломати сифатида бошини қимирлатиб қўярди:

– Жуда яхши, бу сафар сиз ҳам яхши ишладингиз ва энг асосийси информатсион-тарғибот фаолиятини бутун улка бўйлаб керакли савияда координация қилдингиз! – Президент ёзилган варақларни столга қўйиб, сўзини давом қилди. – Уруш шароитида шундай ишлаш керак, Али муаллим!

Ёрдамчи Президент айтган гаплардан бироз қизаргандек бўлди ва диққатни мавзудан узгартириш учун қоғозларга қараб-қараб, нималарнидир кўшимча қилиб гапиришни хоҳласа ҳам Президент уни тўхтагиб, давом қилди:

– Биласанми, Али муаллим, мен ҳам уч кун ичида шу жараёнлар ҳақида кўп ўйладим? Авваллари бизнинг КИВ-ларнинг кўпи, хусусан, муҳолифат томонга вакиллик

қилганлар, Қорабоғда ёки жанг майдонида бир ҳодиса юз берганда, болғани гоҳ налига, гоҳида миҳга урдилар. Ҳодисалар тўғрисида қаердан бунчалик айбловчи нарсалар топиб ёзадиларки, халқ ҳам чорасиз қоларди. Қайси хабарга ишонишларини билмас эди. Бу билан миш-мишлар бошланиб, аҳоли деярли ташвишга тушарди...

Президент сўлаганда Али Ҳасанов маъқуллаб бошини қимирлатди.

– Аммо бу сафар бундай бўлмади. Нафақат маҳаллий оммавий ахборот воситалари, ҳатто бутун ижтимоий жамоат ва халқ муштни бир жойга уришни билди, бажарди. Тўғри, бу сафар хорижий журналистлар доирасида ҳам иш жуда яхши ташкил қилинди, табиийки, натижа ўзини жуда куттирмади. Энг қизиқарлиси эса бизнинг муҳолифат кучларда охириги кунлар ичида танқидий фикрлар гапирилмади ва бизни, миллий армиянинг зафарли юришларини қўллаб қувватлашди. Бу эса бутун халқимизнинг, давлатимизнинг ғалабасини таъминлади.

Қара, кўр Арманистонда нималар юз бермоқда? Уйлайманки, тарғибот машинасининг ҳам хорижда, ҳам ичкарида бундай кашф этилишини ва бу темпини сақлаб қолиш керак.

– Жаноб Президент! Бу дастурда апрель жангларининг натижалари ҳақида давом қилаётган тадбирлар ва тарғибот режамиз акс этган. Тасдиқ қилсангиз, эртадан бошлаб унинг асосида ишимизни давом эттираемиз. Бу ерда фавкулудда вазиятларга мувофиқ масъул шахсларни ва ижтимоий алоқаларни Президент Администрациясида координация қилинишига доир фаолиятини акс этгирган тадбирлар режаси ўз аксини топган. Бундан ташқари фавкулудда вазиятларда ички ва ташқи тарғиботнинг асослари ҳақида кўп фикрларимизни бу дастурга киритишимиз керак.

Президент қоғозни очиб кўздан кечирди ва боши билан “Кейин кўраман” ишорасини берди. Шу пайтда селекторда “Шошилич” ёзилган сариқ чироғ ёниб ўча бошлади...

Али Ҳасанов нима қилиш кераклигини билганидан қоғозларни кутариб, дарҳол ўрнидан турди:

– Менинг айтмоқчи бўлган гапларим шулар эди, Жаноб Президент, кетишимга рухсат берсангиз.

Президент бошини рози бўлгандек қимирлатди. Ёрдамчиси кабинетдан чиқиши билан тутгани босди. Қабулда ўтирган ёрдамчисининг овози эшитилди:

– Жаноб Президент! Россиянинг Президенти Путин гаплашини истайдилар.

У ўйламасдан гапирди:

– Боғла, – узи эсагушакни кутарди. Телефондан Путиннинг овози эшитилди:

– Хайрли оқшом, Илҳом Ҳайдарович! Яхшимисиз?

Президент ҳам у билан саломлашди:

– Оқшомингиз хайрли бўлсин, Владимир Владимирович! Яхшиман, раҳмат, ўзингиз яхшимисиз?

Россия Президенти раҳмат айтиб суҳбатта киришди:

– Илҳом Ҳайдарович! Сарқисяннинг жонига жуда ёмон кўрқув солибсиз. Бугун менга турт юз марта кўнғирок қилди. Биласиз, унинг телефон кўнғироқларига жавоб бера олмасдим. У истайдикки, орада бўлсам. Масалани жанг майдонида эмас, стол атрофида ўтириб ҳал қилсак. Қанча жойни олган бўлсангиз ўша жойлар сизда қолсин. Суз бераман, яқин вақтлар ичида бу масалани Қозонда қайта кўриб, келишиш вариантида ҳал қиламиз. АТЭТ-нинг Минск гуруҳи аъзолари Россияни сиқиб қўйди. Улар айтадиларки, Россиянинг иштироки бўлмаса, эътирозлар ортади, локал урушлар глобал урушларга айланади. Нима дейсиз, стол атрофида ўтириб гаплашиб оламизми?

Президентнинг юрагида кўп гап-сузлари бор эди. Аммо сиёсатда шундай қилиш керак эканки, баъзан истак-хоҳишларингни яширасан. Бу сиёсатнинг ёзилмаган қонуни. У биларди, Европа ва Америкадан ажратилган Россия бу билан ўзига янги санксияларни қолдиришга муваффақ бўлишни истарди.

– Владимир Владимирович! Яхши биласизки, Озарбайжон тарафи масалани сулҳ йули билан ҳал қилишнинг тарафдори. Лекин Арманистон тарафининг иши – сўзида турмасликдан қолмади – кимларнинг гапи билан мана неча йиллардан буён бу келишув натижасиз қолмоқда.

Сиз ҳам гувоҳсиз, ҳам ғайрат кўрсатдингиз. Арманистон тарафига тайзиқ қилганда, бу давлат Европа иттифоқига майл кўрсатди. Уйлайманки, биз Қозон вариантининг устига янгидан қайтмаймиз.

Шу кунларда АТЭТ ва АБШ ва Европа Иттифоқи Президентдан бу масалалар стол атрофида ҳал қилинишини талаб қиларди. Фақат Туркия давлати бу гапни айтмади. Озарбайжон тарафи қандай қарорга келса, Туркия унинг ёнида бўлишини билдирди. Бироз фикрлашгандан кейин Президент қарорини айтди.

– Бўлсин! Аммо қабул қилинган қарорлар бажарилмаса, Озарбайжон тарафи ишғол қилган ерларни озод қилиш ҳуқуқини узида колдиради.



## Сўнгсўз ўрнида

...Хабарнинг оғирлигидан Физзанинг устига тоғ қулаган-дек бўлди. Ўзи ўзидан яширинишни истарди. Сен айтма, юракнинг ичида яна бир юрак бор экан. Бундан унинг ҳеч хабари йўқ экан. Сен айтма, бу юрак Муродники эди. Кечага қадар бунинг фарқига бормади. Ўз юраги урганда, сийнасида жойлашган юрак Муроднинг юраги бўлиб урарди. У бунинг фарқини энди ажратиб билди. У билардики, энди ўзининг юрагининг томири эриб, қуриб бораётгандек эди. Буёғига унинг қалбида фақат Муроднинг юрагигина яшайди.

У машғум қора хабарни олганда юраги ўзига бўйсунмади. Қалбининг ич-ичида Муроднинг ҳаёт эканини, борлигини туярди. Энди у нима қилсин? У Муроднинг юраги билан гаплашди, бу юрак Физзанинг юрагини ичида эди. Физза Муроддан рози бўлди: ҳеч бўлмаганда, ўзи қолиб юрагини юборгани учун.

Муроднинг шаҳид бўлгани хабари келганда Физза ишонмади. Қанча айтсалар ҳам ишонмади. Йиғлашни истади, ичидаги Муродиқўймади. Хотирасида унаштирилган вақтлари, “Шаҳидлар хиёбони”ни кезган кунлари ва бу орада Муроднинг унга айтган сўзлари ёдига тушди: “Мен сенга тоғ бўлишни ўргатаман”.

У ҳазиллашиб айтганди, “Сен менга тоғ бўлма, шу сўзинг кифоятдир, менинг тоғим сенсан”. “Балки у билган, қачон тоғим бўлмаса, бу дардда тузимасликни. Балки у мени кўкларга кўтариб, сўнг тинчгина бир тоғга айланишимни истаганмиди?”.

Ўзига ўзи гапириб, фикрларини ҳеч кимга билдирмай, дардини ҳеч кимга бўлишишни истамади. Чунки унга тасалли берадигани жуда узоқда эди, аммо бу тоғнинг олдида унинг зариф ҳаёллари бораверади. Тузаладимми, тузалмайдимми, ҳали билмасди. Чунки ҳали яраси янги эди.

Ҳозир ҳам бу ярадан қонлар оқарди. Ҳали.

Мурод Туркияни Озарбайжондек яхши кўрган. Физзани ҳам турк дунёсига нисбатан севгиси бор эди. Ҳеч вақт у ҳам Туркияда шаҳид булганларни оиласидек “Яшасин, Ватан!” дейишини хаёлига келтирмаган эди. Узига бу сўзни айтмайман деб сўз берди.

Муродни душманлар кўлидан олишди. Муроди МЕН ҚАЙТАМАН деб сўз берганди. Унга “Миллий қаҳрамон” номи берилди. Уни сунги манзилга кузатишга бутун халқ йиғилди. Муроднинг жанозасини устида ой-юлдузли уч рангли байроқ ёпдилар. Физза байроқ ёпилган тобутга қаради. Ўз-ўзига деди: “У шундай қайтишни назарда тутганмиди? Тирик кетиб жаноза билан қайтиш. Шунақами қайтиши?” Кейин кузлари билан Муроднинг устига ёпилган байроқнинг букилганини кўрди. Мурод Физзани жуда севганди, Ватани, Байроғи, Тупроғи озодлиги учун шаҳид булганди.

Ҳеч ким кутмагани ҳолда бирдан Физза айтиб юборди: “Ватан соғ булсин! Кечага қадар у фақат менинг қаҳрамоним эди, шу кундан эътиборан у халқнинг қаҳрамонидир! Яшасин, Ватан!”.

\* \* \*

Осмонда сонсиз-ҳисобсиз, мовий, қизил ва яшил рангли юлдузлар учди.

Осмонда минг йил ичида тупроқ, ватан озодлиги учун шаҳид булганлар, Муродлар йиғилганди. Эртага эса яна МУРОДЛАР, яъни ШАҲИДЛАР туғилиши муқаррардир!

\* \* \*

Овчи уйга келиб орқасидаги тўрвасидан қуёнларни бир-бир эҳтиётлаб чиқарди. Бирининг оёғини ип билан дарахтга боғлади. Иккинчисини эса қулоғидан юқорига кутарди. Сездики, қуённинг қичқириғи одамнинг қичқиришига ўхшаркан. У бунга эътибор бермади, чунки товушқон унинг бутунги овқати эди. Олмаҳоннинг узи тўрвадан чиқди.

Қуёнлар яна узгача овоз чиқаришди. Улар ҳуркандек, олмахоннинг қурқитганидан тухтаб овозларини чиқармадилар. Олмаҳон эса узидан мамнун бўлиб соҳибининг чалворини пастидан урмалаб унинг бўйнига чиқди ва атрофни диққат билан кузата бошлади. Бир товушқон бугун ҳам унинг овқати эди. Иккинчи қуён эса оёғига боғланган ипни очмоқчи бўлиб уринарди. Товушқон озодликка чиқишни истармиди? Ҳар ҳолда у уни асир этган кишанларни кемириб озод бўлишни истарди.

Ниҳоят, қуён оёғи боғланган ипни кемириб бўлди. Қаерга кетиши керак, билолмади. Тўниб қолганди, фақат кулоқлари ишларди. Атрофдан маълумотлар оларди. Бу маълумотларнинг ҳеч бири унга ёқадиган хабарлар эмасди. Бир тарафдан итнинг овози эшитиларди, аммо яхшики занжирланганди. Иккинчи тарафдан шериги қуённинг пустига қовирилаётган овози. “Асирликдан” озод бўлган товушқон ҳеч қандай яхшилик аломатини сезмади. Қаерга қочсин? Ўзи ҳам билмасди. Аммо кетиши керак эди. Кетмаса уни ҳам ейдилар. Бу ҳайвонга хос инстинқдир.

Осмон гуриллади. Секин ёмғир ёға бошлади. Овчи ишини саранжомлаб дарахтга яқинлашганда кўрдикки, эртанги емиши учун сақлаган қуёни йуқ эди. Товушқон ипни кемириб, парчалаб чулга томон кетганди. Ёғаётган ёмғир унинг изларидан қаерга кетганини аниқ курсатарди. Эндиги сафар у қуролини кўтариб оёқ изларининг орқасидан кетди. Қуп юрмади. Қуённинг излари бошқа жониворларнинг изи билан қоришиб кетганди. Бу из Буз Бурининг изи эди. Овчи бир оз ўйланиб кейин ортига қайтди. Буз бурининг овига шерик бўлишни истамади...

Боку–Хизир–Боку  
2017



## ТАРИХ ФАҚАТ ОРТДА ҚОЛМАЙДИ У ҲАМ ҰНГИДАН КЕЛАДИ

Юнус Ғғизнинг “Овчи” романи ҳақида

Низоми Жаъфаров,

*Озарбайжон миллии мажлиси депутати,  
академик*

Озарбайжон адабиётининг бир-биридан қолишмайди-ган (керак бўлса етарлича юксак истеъдоди билан) қаламга олинган тарихий романлари билан бойитган Юнус Ғғизнинг 2016 йилнинг машҳур апрель ҳодисаларига, янги замонавий хабарларига мурожаат қилиши, фикримизча, тарихдан узоқлашиш эмас, аксинча, уни ниҳоятда яқинлаштириш, мазмун мундарижасига, метафизика моҳиятига жуда яқин бориш ва натижа эътибори билан тарихда бу кунни, бу кунда эса тарихни англаш истагини илгари суради.

“Овчи” романи (ва унинг муаллифи), биринчи навбатда, бизнинг хотирамиздаги маълум бир фалсафани, муддаони янгилаб, батафсил бойитади. Тарих ўзини махсус шаклда такрорланишига кура, унинг ўтмишидан сабоқ олмаган халқлар жуда тез-тез “сюрпризлар” билан уни қарши оладилар. Қуриниб турибдики, муаллиф (ва “Овчи”нинг) асосий идеаси, тарихдан (истаса Алп Арслон, истаса Нодир шоҳ даврларидан) ниҳоятда ишончли “мисоллар” билан унинг маълум фалсафий муддаосини англадиб, 2016 йилнинг машҳур апрель ҳодисаларининг тарихий мазмунининг бутун миқёси билан фалсафий-эстетик тушунишга хизмат қилдиради.

Озарбайжон армияси 2016 йил апрель ойининг илк кунларида Олий Бош қўмондоннинг раҳбарлиги остида тарихларга сиғмаган бир Тарих яратди. Юнус Ғғиз “Овчи”-



сида шу тарихни қаламга олган. Асос эътибори билан бу тарих бундан кейин ҳам кўп ёзилади. Юнус Ғўз асарининг қиймати шундаки, у илк маротаба бу тарихий воқеликни буюклиги, муваффақиятли ғоявий-бадий талқини билан гақдим этди.

Романда уч Мурод ҳақида суҳбат кетади: XI асрда Алп Арслоннинг Ани қалъасини олиш жараёнида шоҳа янги қурол кашфиёти билан ёрдам берган темирчи Уста Мурод, XVIII асрда Нодир шоҳнинг ҳарбий маслаҳатчиси бўлган Муродхон ва бизнинг кунларнинг қаҳрамони – “Овчи” лақабли ҳарбий тадқиқотчи Мурод Мирзаев...

Тарих ҳаракатда, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнинг бир манзараси бошқасига алмашади, аммо узгармас айбловлар, манфаат ва қарама-қаршиликлар ҳам мавжудки, улардан энг манфури арманиларнинг ҳокимият талашиб қилган ишларидир. Бу ишлар узининг омонсизлиги билан Григорян церкови томонидан қўзғотилган ҳар қадамдаги ваҳималар, тўқнашув ва фожиаларга сабаб бўлган... Инсон маънавияти, аёл қадри топталди. Ва энг чидаб булмас томони шундаки, буларнинг барчаси мавҳум, номаълум мақсадга эришиш учун бир ғайриодат, касбга айланган эди...

Романда арманлар томонидан тарихнинг ҳар босқичида қилинган ёвуз ишлар туғридан-туғри тарихдан олинган аниқ маълумотларга асосланган. Мисол учун юз йиллар мобайнида Бизанс ҳимоясида бўлиб, имкон топилиши билан Салжуқийларга сотилиш учун келган армани элчиларини Алп Арслон ҳайдаб юборади:

“Султоннинг ўтқир ва ғазаб уйнаган қарашларидан роҳиб узини йўқотди, жони ҳалқумига келди:

– Султон ҳазратлари! Биз сизнинг қулингизмиз! Сизга, – паст овозда гапирди, – садоқат онтини ичамиз.

Султон истехзоли сўради:

– Бизанс императорига ичган онтингизга ўхшаганми?

– Ани олингандан кейин фақат мусулмон бўлганларга қўл теккизилмасин. Қолганлар қириб ташлансин. Қарорим

шудир... – қўли билан суҳбатнинг тутаганини билдирди. – кетишинглар мумкин...”.

Ёки бошқа бир мисол... Армани католиги Нодир шоҳга мурожаат қилади, Кавказдаги Гуржи ва Албан черковларини тобе этиш учун уларга ёрдам беришини суради. Унинг ҳаёсиз таклифи табиий ва ғайратсиз ҳаракатлари шохнинг ғазабига дучор бўлади:

“Роҳиб бу сузлардан заррача тугилмади, узини ҳам йўқотмади. Ҳийлакорона кулимсираб жавоб берди:

– Эй буюк шоҳ, бу гузал армани қизларини шу сабабдан келтирдимки, шахсан сизга хизмат қилсинлар, жорийангиз бўлсинлар.

Карагиннинг ялтокланишини Нодир шоҳ биларди, усталик ва ғайратсизлиги шохни аччиқлантирди, асабий шаклда деди:

– Менинг жорияларга эҳтиёжим йўқдир! Менга аскарлар керак! Қўшинимда гуржилар, курдлар, афғонлар, бутун кизилбош тоифалар бор, аммо бир дона булсаям тумлуқ армани йўқ-ку. Нима арманиларда эркак киши топилмайдими? – буйруқ берди. – Чиқаринг бу аёлларни, агар бор бўлса, эркак киши келтиринг!”.

Романда тасвирланган бу паст “жанговар усуллар” ёлғиз тарихда эмас, бугун ҳам давом этаётгани муайян мақомларда арманиларнинг вақтинча “муваффақиятлар” қозониши билан бутун бир миллат микёсида хаста тасаввур ҳаёлотини уйғотиши мумкинлигини кўрсатади.

“Овчи” Мурод арманиларга фақат ўз халқи номи билан бирга узининг таржимаи холи, аждодлари учун ҳам “намунадир”. Унинг бобоси Муродни арманилар узининг тугилган уйини тарк этишини истамагани, қаршилик қилгани учун улдирганлар...

Уларнинг Гойчадан қурол кучи билан қувилган оиласи мингларча бошқа оилалар қатори мажбурий тарзда Кур-Араз водийси табиатига, об-ҳавосига урганолмай яшашга маҳкум бўлган.

Романда Муродни талкикоғчи ҳарбий сифатида армани жабҳаси томонида келтириб чиқарган ҳодиса – сабабларни муаллиф юксак маҳорат билан тасвирлайди. Севган қизи билан унаштирилган Мурод уз оиласини ва ҳарбий ҳаётини келажак қийинчиликлари, огрикларига тайёрлайди. Чунки бу унинг тақдири эди...

Озарбайжон ҳарбийининг профессионаллиги ҳамда ватанпарварлик ва маънавий-рухий етуклиги тасвири мукамал бир шаклда галкин этилган. Мисоллар асосли миллий манбаларга таянилганлиги романда жиддий идеалогик омил сифатида буртиб кузга ташланиб туради... Мудофаа нозири командири Суворовдан эмас, Озарбайжон аскарлари миллий ҳарб тарихида келтирилган намояндалардан урганишини истади.

“Нодир шоҳ Суворовдан олтмиш етти йил аввал Ироқда Янқиз тоғини ошиб душманга орқадан зарба бериб, бунинг натижасида бутун Ироқни қулга киритади. Наинки Ироқни, ҳатто Ҳиндистонни, Урта Осиёни ҳам узига тобе қилган. Нодир шоҳ христиан бўлганида эди, Суворовдан эмас, ундан урганардилар, ҳарб тарихида ундан мисол келтирардилар.

*XIX асрда уни Шарқнинг Наполеонига ўхшатадилар.* – Нозир фикрларини тугатиб асосий масалага ўтди. – Мен буларни қисқача айтдим, билиб қуйинглар. Бизнинг ҳам шонли ҳарб тарихимиз бор ва бу тарихни аскарларга, зобитларга айтиб бериш керак. Аскар ҳарб тарихи билан ғурурланса, боболарига ўхшаши учун қаҳрамонлик қилишни истади”.

Албатта, 2016 йил апрель ҳодисаларининг тасвири муаллифдан фақат бадиий истеъдод эмас, жиддий сиёсий-идеалогик тайёргарлик, ҳарбий иш, унинг специфик технологиясини билишни талаб қилган. Роман шу жиҳатдан ҳам мароқли чиққан. Ёзувчи истеъдодининг серқирралиги, айна замонда апрель воқеаларига чуқур ёндашиб, тафсилотларини урганганидан далолат беради.

Романда муаллиф ҳарбий амалиётларнинг олиб борилиши тўғрисида аниқ маълумотларни беради ҳамда урушларнинг қайси стратегик натижалар келтириб чиқаришини сиёсий-публицистик нуқтаи назардан, ўрни келганда матннинг бадиий ижод қонуниятларига халал бермасдан умумлаштиради:

Унга “Миллий қаҳрамон” номи берилди. Уни сунгги манзилга кузатишга бутун халқ йиғилди.

Муроднинг жанозасининг устида ой-юлдузли уч рангли байроқ ёпдилар. Физза байроқ ёпилган тобутга каради. Уз-узига деди: “У шундай қайтишни назарда тутганмиди? Ўзи кетиб жаноза билан қайтиш... Шунақами қайтиши?” Кейин кўзлари билан Муроднинг устига ёпилган байроқнинг букилганини кўрди. Мурод Физзани жуда севганди, Ватани, Байроғи, Тупроғи озодлиги учун шаҳид бўлганди.

Ҳеч ким кутмагани ҳолда бирдан Физза айтиб юборди: “Ватан соғ бўлсин! Кечага қадар у фақат менинг қаҳрамоним эди, бу кундан бошлаб у халқнинг қаҳрамонидир! Яшасин, Ватан!”

...Осмонда сонсиз-ҳисобсиз, мовий, қизил ва яшил рангли юлдузлар учди...

Осмонда минг йил ичида тупроқ, ватан озодлиги учун шаҳид бўлганлар, Муродлар йиғилганди. Эртага эса яна МУРОДЛАР, яъни ШАҲИДЛАР туғилиши муқаррардир!

Асарнинг охирида берилган “4 апрель, Президент Администрацияси” фасли Озарбайжон армияси 2016 йил апрель қаҳрамонликларининг тарихи, натижаларини баҳолаш, давлат бошчисининг мураккаб халқаро сиёсий муносабатлар контекстида шундай натижаларга эришиши, ундан халқининг, давлатининг келажак толеи, манфаати учун бир стратегия эди. Президент сиймосида узоқни кўра олган, дипломатик маҳорати, чексиз азму қарори мустаҳкам инсон образи тасвирланган.

Роман узининг махсус ғоя-мазмунининг кўп маъно-си ва кафиллик полифонияси билан жуда долзарб булган мавзунинг бадий тафсилотини санъаткорлик билан тақдим этади. Ушбу роман янги ижодий изланишлар учун кенг имкониятлар эшигини очиши шубҳасиздир.

(2018 йил 12 май  
Рамазон ойининг 7 куни таржима тугади.  
Аллоҳимга беҳисоб шукрлар булсин! Г.А.)



*Адабий-бадиий нашр*

**ЮНУС УЎУЗ**

**ОВЧИ**

Тарихий Роман

Муҳаррир  
Бадиий муҳаррирлар  
Техник муҳаррир  
Мусаҳҳиҳ  
Матн терувчи  
*Саҳифаловчи Ҳилола Шарипова*

Нашр. лиц. АИ № 015. 20.07.18

2019 йил 07 июнда босишга рухсат этилди.  
Бичими 60 x84  $\frac{1}{16}$ , Palatino Linotype гарнитураси.  
шартли босма табок. 20 Адади 300 нусха.

"Zamin nashr" нашиёти Боғишамол 160.

Телефон: 71 235-44-86







23. 200 c.

Юнус Ўғуз



ISBN 978-9943-6433-8-6



0 789943 543380